Зокиржон Исақов

ЎЗБЕК ТИЛИДА СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ ВА УНДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ ЎРНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Зокиржон Исақов

ЎЗБЕК ТИЛИДА СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ ВА УНДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Монография

2011

Монография Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтининг 2011 йил 15 апрелда ўтказилган Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар:

Ш.Акрамов, Қўқон ДПИ “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди,

М.Ҳалилов, Қўқон ДПИ “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

С Ў З Б О Ш И

Тилшунослик тарихида сўзларни туркумларга таснифлашдек кенг ўрганилган ва кўп мунозарага сабаб бўлган соҳа бўлмаса керак. Бу мунозаранинг якуни ҳозирга қадар ҳаммага мақбул ечимга келмаган қатор муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ. *Сўз нима? Сўз туркуми нима? Сўзларни туркумларга таснифлаш мезонлари қандай? Мустақил ва ёрдамчи сўзлар қандай асосларда фарқланади? Сўз туркумларининг ўзаро муносабатлари қанақа?* Шу каби қатор саволлар борки, улар ҳамон жавобсиз қолиб келмоқда. Сўз туркумлари ичида энг мунозарага сабаб бўлувчилардан бири, шубҳасиз, юкламадир. *-ки, -чи, -да, -а(-я), -у(-ю), -ми, -оқ(-ёқ), -гина(-кина, -қина), ахир, ҳатто, наҳот, фақат* каби қатор юкламалар мавжудки, уларнинг сўз ёки сўз эмаслигининг ўзиёқ давомли мунозаралар учун асос бўлиб келмоқда.

Шунингдек, *-хон, -ой, -бек, -жон, -алоқ, -чоқ* каби қўшимчалар ҳам мавжуд бўлиб, одатда, нокатегориал атамаси билан изоҳлаб келинувчи бу хил бирликларнинг тил тизимидаги мавқеини аниқлаш ҳам бевосита юқорида қўйилган саволлар ечими билан боғланади.

Тил тизимида юклама билан ёндош бўлган ҳодисалар, аввало, бошқа ёрдамчи сўзлар, шунингдек, модал сўзлар, ундовлар, шаклан яқин келувчи қўшимчалар билан муносабатлар тизими ҳам тўлиғича тикланмаган ва текширилган жиҳатлари ҳам назарий асосланган мақбул таърифга эга эмас.

Юкламалар таркибига қайси бирликлар киритилиши лозим, улар қандай ички гуруҳларга тақсимланади? Юкламаларнинг гап таркибида тутган позицияси қандай? Аслида юклама гап таркибига кирадими ёки гап бўлаги таркибигами? Юкламалар сўз шакли ҳосил қиладими ёки йўқми?

Кўринадики, бу борада қўйилиши мумкин бўлган саволлар беҳисоб бўлиб, уларга жавоб топмай туриб, сўз туркумлари борасида арзирли назария яратиш мушкул. Ёрдамчи сўзларнинг ўзбек тили лисоний таркибида тутган ўрни масаласи ҳам охиригача ечимини топган, деб бўлмайди. Мазмун билдириш имконига кўра одатда сўз туркумлари асосини ташкил этади, деб ҳисобланувчи мустақил сўзлардан уларнинг мавқеи қай даражада фарқланади? Мустақил сўзларни ҳам, ёрдамчи сўзларни ҳам сўз туркумларига жамлаш мумкинми? Агар жамлаш мумкин бўлса, ҳар икки ҳолат учун бир хил мезонлар амал қиладими?

Мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари ажратилган тақдирда уларнинг ўзаро муносабатлари қандай? Мустақил сўзга ҳам, ёрдамчи сўзга ҳам тўлиқ ўхшамаган бирликларнинг тил системасидаги ўрни масаласи ҳам фақат туркологиядагина эмас, балки умумий тилшунослик назариясида ҳам ўз ечимини топган эмас.

I Б О Б
Сўз туркумлари: умумий назарий масалалар
1-§. Сўз туркумларининг ўрганилиш тарихи ҳамда талқини

Тилшуносликнинг энг қадимги даврлариданоқ Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам сўз туркумлари таснифи тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти бўлиб келган[1]. Қадимги юнон тилшунослигининг ҳар икки – фалсафа даври ва Александрия даврида ҳам сўз туркумлари борасида муайян қарашлар мавжуд бўлган. Хусусан, Афлотун сўзларни исм ва феълга дастлаб ажратганлардан бири бўлган. У ўз таснифи асосига мантиқий тушунчаларни қўйган эди: *«...бизда воқеликни овоз билан ифодалашнинг икки тури бор. Буларнинг бири исм, иккинчиси феълдир. Феъл деб ҳаракатни кўрсатувчи сўзларга айтилади (кесим). Бу ҳаракатни содир этувчини кўрсатувчи сўз – отдир (эга). Фақат исм ёки фақат феъллардан иборат нутқ мавжуд эмас...»*[2].

Сўз туркумлари борасида Арасту ҳам ўз фикрларини билдириб ўтган. У исм ва феълдан ташқари боғламани ҳам туркум сифатида ажратади.

Александрия даврига келиб сўз туркумлари ҳақидаги қарашлар илмий назария шаклини ола бошлади. Эрамиздан олдинги III – I асрларга келиб сўз туркумлари ҳақидаги қарашлар анча такомиллашди. Сўз туркумларининг характерли белгилари ва айнан лисоний хусусиятларига эътибор кучайди. Фақат мантиқий мезон доирасида иш кўрган фалсафа даврига нисбатан сўз туркумларнинг белгилари янада конкретлашди, шу туфайли уларнинг сони ҳам кўпая борди.

Хусусан, Фракияли Дионисий ва Эли Донат бир-биридан таркибан фарқ қилувчи саккиз аъзоли сирани таклиф этади: Фракияли Дионисийда: от, феъл, сифатдош, артикль, равиш, кўмакчи, боғловчи...; Эли Донатда: от, олмош, феъл, равиш, сифатдош, боғловчи, кўмакчи, ундовлар.

Сўзларни туркумларга ажратиш мезонлари ҳам айнан шу даврда илмий асосда ажратила бошланди. Шунингдек, ҳар бир сўз туркумининг грамматик ва семантик хусусиятлари кўп ҳолда жуда изчил ва анча тўла тавсифлаб берилган[3].

Айтиш мумкинки, Александрия даври тилшунослари сўзларни туркумларга ажратишнинг илк илмий мезонларини ишлаб чиқдилар. Бу илмий мезонлар кейинчалик уларнинг илмий издошлари бўлган римликлар томонидан ҳам давом эттирилди.

Хусусан, Марк Варрон юнон олимларининг илмий қарашларига ижодий ёндашди. У кўпроқ сўзнинг морфологик хусусиятларига эътибор билан қаради.

Сўзлардаги турланиш-турланмаслик белгисини асос қилиб олиб, М.Варрон тўрт хил сўз туркумини ажратади: келишикларга эга бўлган – отлар, замон кўрсатувчи – феъллар, келишик ва замон кўрсатувчи – сифатдошлар,

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Венцкович Р. М., Шайкевич А. Я. История языкознания. ч. I. – М., 1971 – С. 10 и далее. Античные теории языка и стиля. – М.-Л., 1936. Звегинцев В. А. История арабского языкознания. – М.: МГУ, 1958. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002; Элтазаров Ж. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар. – Самарқанд, 1996. ва бошқ.

[2] Элтазаров Ж. Кўрс. асар. – Б. 7.

[3] Античные теории языка и стиля. – С. 120 и далее.

келишикка ҳам, замонга ҳам эга бўлмаган – ёрдамчи сўзлар[1]. Варрон сўз туркумлари сирасини аниқлашда мезонлар доирасини чеклаб қўйган бўлса-да, ўз фикрларини назарий асослай олди. Шу туфайли ҳам кейинчалик янги даврлар тилшунослари унинг ишларига юқори баҳо берган.

Антик тилшунослар сўз туркумларини ажратибгина қолмай, уларнинг ўзаро алоқаларига ҳам эътибор бердилар. Сўзлашувчилар – гапирувчи ва тингловчи нуқтаи назарини анчагина фарқладилар. Ҳозирда тилшуносликнинг энг замонавий ҳисобланаётган йўналишлари – трансформология ва психолингвистиканинг илдизлари ўша даврларга бориб қадалади.

Антик давр тилшуносларининг сўз туркумлари борасидаги натижаларини Ж.Элтазаров қуйидаги жадвалда акс эттиради[2] (Жадвал №1).

Кўринадики, антик давр тилшунослигининг сўз туркумлари борасидаги қарашлари ҳозирги давргача у ёки бу шаклда сақланиб келмоқда ва ўз даврида жуда кўп назариялар яратилиши учун асос бўлган.

Антик тилшунослик билан тенгдош бўлган шарқ тилшунослигида ҳинд, араб (VII – XI аср туркий тилшунослигида ҳам), хитой тилшуносларининг қарашлари жуда ривожланган эди.

Шарқ тилшуносларининг сўз туркумларига қарашлари, табиий равишда, антик давр тилшуносларникидан фарқ қилса-да, умумий – ўхшаш томонлар ҳам мавжуд.

Жумладан, ҳинд тилшуносларининг фикрича, тўртта сўз туркуми мавжуд эди:

1) от (nãmãн);
2) феъл (ãkhyatã);
3) кўмакчи (yupãsagrã);
4) юклама (kipatã)[3].

Араб тилшунослигида эса асосан уч аъзоли парадигма назарда тутилган[4]:

1) исм;
2) феъл;
3) юклама (ҳарф).

Юкламалар ҳақидаги фан ўзгармайдиган сўзларни ўрганиши кўрсатилади[5]. Араб тилшунослиги анъаналарига кўра, туркий тилшунослар ҳам учта сўз туркумини ажратадилар.

Хусусан, М.Қошғарий ҳам «Девону луғотит турк»да отлар, феъллар ва ёрдамчиларни фарқлаб кўрсатади.

Бундан ташқари, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асарида ҳам ана шу учлик система кузатилади.

Бу хил қараш анча яшовчан бўлиб, деярли XX асргача ўзбек тилшунослигида ҳам давом этиб келди. Масалан, А.Навоий ҳам араб

---

[1] Античные теории языка и стиля. – С. 80–83, 94–104.
[2] Элтазаров Ж. Кўрс. асар. – Б. 21.
[3] Звегинцев В. Очерк истории языкознания до XIX века // Хрестоматия по истории языкознания XIX веков. – М., 1956. – С. 5-7.
[4] Алпатов В. М. Из истории изучения частей речи // Части речи. Теория и типология. – М.: Наука, 1990 – С. 8.
[5] Нурмонов. А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 11.

тилшунослиги анъанасига кўра уч сўз туркумини ажратади. Бироқ, туркий тилларнинг ўзига хос грамматик хусусиятларидан келиб чиқиб, от ва феълларнинг характерли жиҳатларини очиб беради[1].

Шунга ҳам эътибор бериш лозимки, кўрсатиб ўтилаётган анъанавий бу уч гуруҳ умумий туркумлар бўлиб, ички бўлинишлари ҳам назарда тутилади. Масалан, М.Қошғарий араб анъаналарига содиқ қолган бўлса-да, от, сифат, сон, олмош, феъл, кўмакчи ва ундовларни фарқлаганлиги сезилиб туради[2]. Хусусан, бир-бирига жуда яқин келувчи кўмакчилар ва юкламаларни ҳам фарқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, эn//ăn//ан таъкид, кучайтириш ифодаловчи кўмакчидир. Юкламаларнинг қўшимча ва сўз шаклида бўла олишини ҳам назардан четда қолдирмайди [3].

XIX асрга келиб барча фанлар, хусусан, тилшунослик ҳам «ёшариш» палласига кирди, дейиш мумкин. Фанлараро – тектологик изланишларнинг кўпайиши хусусий фанларни ўрганиш методларининг оммалашувига олиб келди. Аниқ фанларга хос метод ва усулларнинг ижтимоий фанларга татбиқ этилиши уларнинг объектлари ҳақидаги қарашларини тубдан ўзгартириб юборди. Тилшуносликда ҳам ўз объектига турлича нуқтаи назарда ёндашиш натижасида хилма-хил йўналишлар юзага келди. Ҳар бир йўналиш сўз туркумларига ўз қарашларини намоён эта бошлади.

Масалан, компаратавистлар Ф.Бопп, Р.Раск, Я.Гримм ва бошқалар сўз туркумлари генезисига эътибор билан ёндашдилар. Ф.Бопп сўзларнинг келиб чиқиши ва туркумларга ажралишини компаратавислар учун анъанавий бўлган «дарахт» шаклида тасаввур қилган. Сўз туркумлари ҳам битта туркумдан «ўсиб чиққан», худди дарахт танасидан шохлангани каби. Унинг фикрича, феълдан мустақил сўз туркумлари, олмошдан эса ёрдамчи сўз туркумлари «шохлаган»[4].

Натуралист А.Шлейхернинг фикрича, сўз туркумларининг пайдо бўлиши бобо тилнинг ривожланиш босқичига тўғри келади. Чунки сўзларнинг туркумларга парчаланиши фикрни аниқ ифодалаш имконини беради[5].

XIX аср охирига келиб Россияда юзага келган тилшунослик мактабларининг қарашлари XX асрда жуда катта территорияни, шу жумладан, Туркистонни қамраб олган мамлакат тилшунослигининг пойдевори бўлган эди. Бу тилшунослик ҳам, ўз навбатида, антик ва Ғарбий Европа тилшунослигига асосланади. Шундай асосланиш жуда кучайиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида И.Бодуэн де Куртенэ ёзади: *«Муайян бир тилда ҳеч қандай ўзгаришларсиз бошқа бир тилнинг категорияларини кўриш ноилмийдир... Тадқиқот предметини у қандай бўлса, шундайича, унга ёт категорияларни боғламасдан ўрганиш лозим»*[6].

---

[1] Нурмонов. А. Кўрс. асар. – Б. 93.
[2] Қошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Т. I. – Тошкент: Фан, 1960. – 461 б.
[3] Қошғарий Маҳмуд. Кўрс. асар. – Б. 70
[4] Хрестоматия по истории языкознания XIX – XX в.в. // Составия В. А. Звегинцев. – М., 1956. – С. 30-31.
[5] Там же. – С. 98-103.
[6] Бодуэн де Куртенэ И. А. Некоторые общие замечания о языковедении и языке // Избранные труды по общему языкознанию. – М., 1963. – С. 68.

В.Виноградов анъанавий рус грамматикаларида саккизтадан ўн тўрттагача сўз туркумлари ажратилганини кўрсатади. Бу сўз туркумлари сирасига юклама, сифатдош ва равишдошларнинг киритилиш-киритилмаслиги ҳақида фикрлар баён қилинади[1].

Шунингдек, сўз туркумлари сирасини торайтиришга интилиш ҳолатлари ҳам бор. Фортунатов мактаби вакиллари орасида ҳатто феълнинг сўз туркумлик мавқеига шубҳа билан қаровчилар ҳам бўлган. Профессор М.Н.Петерсон ўзининг рус грамматикасига бағишланган илк ишларида умуман феълни махсус грамматик синф деб ҳисобламайди[2].

Ф.Ф.Фортунатов сўзларни туркумларга тасниф қилиш масаласига анчагина танқидий кўз билан қарайди. Унинг назариясида сўзларнинг ўзгариш-ўзгармаслиги етакчи мезон сифатида кўрсатилади. Ўзгарадиган сўзлар тўлиқ сўз (полные слова), ўзгармайдиганлари юкламалашган сўз деб аталади[3]. Булардан ташқари яна ундовлар ҳам бор. Улар тушунча эмас, ҳис-туйғу ифодалайдилар.

А.А.Шахматов эса сўзларни туркумларга таснифлашда етакчи мезон қилиб синтактик мезонни танлайди ва қуйидаги гуруҳларни ажратади:

мустақил сўзлар – от, феъл, сифат, равиш – булар асосий тасаввурларни ифодаловчилар.

номустақил сўзлар – олмош, сон, олмошлашган равиш.

ёрдамчи сўз туркумлари – олд кўмакчи, боғловчи, олд қўшимча, юклама.

ундовлар – сўз эквивалентлари[4].

Кўринадики, А.Шахматов қарашларида изчиллик ва изоморфлик етишмайди.

Л.Шчерба ва А.Пешковскийларнинг сўз туркумларига қарашлари анча қизиқарли бўлиб, сўзларни туркумлаш эмас, уларнинг тилда табиий гуруҳланишларни кузатиш тилшуноснинг вазифаси бўлиши лозим, деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг қарашларида сўзларнинг туркумлараро кўчишига алоҳида эътибор билан ёндашилади[5].

В.Виноградов ҳам фақат мустақил сўз туркумларини тан олади ва уларнинг ўзаро муносабатларини акс эттиради (1-чизмада). Аммо шу билан бирга ёрдамчи сўзларнинг ҳам ўрнини белгилайди. Унинг фикрича, нутқ бўлаклари (сўз туркумлари) нутқ бўлакчалари (ёрдамчи сўзлар) билан нутқда боғланиши мумкин. Ёрдамчи сўзларга эса модал сўзлар ва ундовлар боғланади. Уларнинг муносабатлари 2-чизмада акс эттирилган[6].

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, барча грамматик муаммолар каби, сўз туркумларига қизиқиш ҳам ғоят кучайдики, буни «тил ҳақидаги янги

---

[1] Виноградов В. Русский язык. – М., 1986 – С. 42.

[2] Там же. – С. 43.

[3] Фортунатов Ф. Ф. Общий курс сравнительного языковедения // Избранные труды. Т.I. – М., 1956. – С. 133 и далее.

[4] Из трудов А. А. Шахматова по современному русскому языку (Учение о частях речи). – М., 1952. – С. 88 и далее.

[5] Масалан, қаранг: Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. – М.: Учпедгиз, 1956. Щерба Л. Л. В. О частях речи в русском языке // Избранные работы по русскому языку. – М., 1957. – С. 64.

[6] Там же. – С. 44-45.

таълимот»нинг ҳукмрон мавқедан кетиб, илмий-назарий муаммоларга эътибор фаоллашгани билан изоҳлаш мумкин. Ўтказилган қатор анжуманлар ҳам фикримизнинг далили бўла олади[1]. Ўтказилган анжуманларда сўз туркумлари билан боғлиқ қуйидаги масалалар кескин мунозара объекти бўлди:

1. Сўз туркуми нима, унинг сатҳий белгилари қандай, тилда тутган мавқеи қанақа?
2. Сўзларни туркумларга ажратишнинг қандай мезонлари бор?
3. Қандай мезон етакчилик қилиши лозим?
4. Сўз туркумлари сираси қандай?
5. Турли типдаги тилларда сўз туркумлари сираси қай тарзда фарқланади?
6. Сўз туркумларида сўз ясалиши.
7. Сўз туркумларининг ўзаро кўчишлари.

Хусусан, 1965 йил декабрда Ленинградда Фанлар академияси Тилшунослик институти томонидан ўтказилган анжуман мундарижаси ниҳоятда хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу анжуманда олимлар турли типдаги тилларда сўз туркумларининг ўзига хос хусусиятлари ва умумий назарий масалаларини ёритади.

В.М.Жирмунский, О.П.Суник, А.М.Мухин кабиларнинг докладлари, айниқса, диққатга сазовор. Бу асарлар сўз туркумларига доир назарий мавзуларда бўлиб, бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотган деб бўлмайди.

Масалан, В.М.Жирмунский сўз туркумлари сираси борасида фикр юритар экан, анъанавий тилшуносликда таклиф этилувчи сирани *«реал борлиқни акс эттиради»* деб ҳисоблайди[2]. Бу анъанавий қарашга кўра, маълумки, қуйидаги сўз туркумлари ажратилади: 1) от; 2) сифат; 3) олмош; 4) сон; 5) феъл; 6) равиш; 7) кўмакчи (предлог); 8) боғловчи; 9) ундов ва баъзида 10) артикль.

Сўнгра сўз туркумлари сирасига доир мавжуд қарашларнинг танқидига ўтади. Хусусан, сон ва олмошни сўз туркумлари орасида парчалаб юбориш ёки ёрдамчи сўзлар доирасида кўришга қарши фикр билдиради. Чунки сонлар ва олмошларнинг бошқа туркумлардан фарқланиб турувчи жиҳатлари ҳам йўқ эмас[3]. Шу билан бирга, сифатдош, равишдош ва инфинитивни алоҳида сўз туркуми деб ҳисоблаш учун асос йўқлигини, улар феълнинг шакллари эканлигини кўрсатиб ўтади. Юкламаларни эса ёрдамчи сўзлар ва қўшимчалар ўртасидаги оралиқ ҳолат деб баҳолайди[4]. Айниқса, ҳолат категорияси (категория состояния) борасидаги фикрлари қизиқарли. Унинг фикрича, бу хил сўзлар (рад, доволен, должен, завидно, печально, холодно, больно) муайян

---

[1] Бу ҳақида қаранг: Тезисы докладов на открытом расширенном заседании Ученого Совета ИЯ АН СССР, посвященном дискуссии о проблеме частей речи в языках разных типов, 28-30. VI. 1954. – М., 1954; Дискуссия о частях речи // ВЯ., 1955. – №1. Морфологическая структура слова в языках различных типов. – М.-Л., 1963. – 344 с. Морфологическая типология и проблема классификации языков. – М.-Л., 1965. – 297 с. Аналитические конструкции в языках различных типов. – М.-Л., 1965. Вопросы теории частей речи // На материале языков различных типов. – М.-Л., 1968.

[2] Жирмунский В. М. О природе частей речи и их классификации // Вопросы теории частей речи. – М.-Л., 1968. – С. 9.

[3] Указ соч. – С. 11.

[4] Там же.

туркумларнинг, хусусан, сифат ва равишнинг маълум синтактик функцияларига ихтисослашган кўриниши, холос[1].

В.М.Жирмунский сўз туркумларининг қуйидаги белгилари борлигини таъкидлайди:

1. Лексик-семантик белгилар: от предметни, сифат предметнинг белгисини, феъл предметнинг ҳаракатини, равиш белгининг белгисини билдиради ва ҳоказо.

2. Грамматик белгилар икки хил бўлиши мумкин: морфологик ва синтактик.

Морфологик белгиларга сўз ясалиши ва сўз ўзгариши киради. Синтактик белгилар уларнинг гап ва сўз туркумлари таркибидаги махсус вазифаларини қамраб олади[2].

Сўз туркумлари генезисини В.М.Жирмунский И.И.Мешчанинов изидан бориб гап бўлаклари билан боғлайди. Унинг фикрича, сўз туркумлари морфологиялашган гап бўлакларидир (генетик жиҳатдан)[3].

О.П.Суник докладида, асосан, сўзларни туркумларга ажратиш мезонлари танқид қилинди. Шунингдек, олим «сўзларнинг лексик-грамматик гуруҳлари» деган таърифга қарши чиқиб, сўз туркумлари грамматик гуруҳлардир, деб кўрсатади[4].

Аммо бу анжуман ҳам сўз туркумлари борасида олимларни ягона фикрга келтира олмади. Барча докладчилар сўз туркумларининг ўзларига маъқул таърифи ва таснифини таклиф этдилар. Масалан, *«сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари сўз туркумидир»* (А.Н.Тихонов), *«сўз туркумлари морфологик-структур инвариантлардир»* (А.М.Шчербак), *«сўз туркумлари лингвистик функциялардир»* (А.А.Леонтьев) каби. Шунга қарамай, ўтказилган анжуманлар сўз туркумларига доир масалаларга анча ёрқинлик киритди. Турли типдаги – хитой, молдаван, абхаз, суахиш, Чукотка-камчатка тиллари, самодий тиллари, туркий тиллар борасидаги фикрлар билан ўртоқлашилди. Сўз туркумлари хусусида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари учун қатор йўналишлар очиб берилди.

Ана шу йўналишларни давом эттириб кейинчалик қатор тадқиқотлар яратилдики, бу тадқиқотлар сўз туркумлари назариясини янада ривожлантирди[5].

Антик тилшуносликнинг яна бир меросхўрлари бўлган ғарблик тилшуносларнинг сўз туркумларига қарашлари, айниқса, структурализм даврига келиб ниҳоятда қизиқарли кўриниш касб этди.

Ғарблик тилшунослар сўз туркумлари борасидаги қарашларида қуйидаги жиҳатларга эътибор билан қарадилар:

---

[1] Указ соч. – С. 12.

[2] Указ соч. – С. 19-24.

[3] Указ соч. – С. 27.

[4] Суник О. П. Вопросы общей теории частей речи // Вопросы теории частей речи. М.-Л.: Наука, 1968. – С.34-48.

[5] Суник О. П. Общая теория частей речи. – М.-Л.: Наука, 1966. Супрун А. Е. Части речи в русском языке. – М.: Просвещение, 1971. Баудер А. Я. Части речи – структурно-семантические классы в современном русском языке. – Таллин: Вамус, 1982. Мигрин В. Н. Очерки по теории процессов переходности в русском языке. – Белцы, 1971. Савченко А. Н. Части речи и категории мышления. – Ростов на Дону, 1959.

1. Сўз туркумларининг функционал аспектига (Прага структуралистлари).
2. Сўз туркумларининг формал жиҳатларига (Америка дескриптивистлари).
3. Сўз туркумларининг прагматик моментлари, этник белгиларига (Э.Сепир).
4. Сўз туркумларининг ўзаро кўчишларига (О.Есперсен, Л.Теньер, Е.Курилович).
5. Тил ва нутқ дихотомиясида сўз туркумларининг ўрнига (барча структуралистлар).

Улар ўз тадқиқотларида жуда қизиқарли ва оригинал натижаларга эришдилар. Кўпроқ сўз туркумларининг функционал, формал жиҳатларига эътибор бериб, шу борадаги янгича тадқиқотларга йўл очиб бердилар[1].

Сўз туркумларининг ўрганилиш тарихини махсус тадқиқ қилган Ж.Элтазаров туркологияда сўз туркумларини ўрганишни икки даврга ажратиш мумкин деб кўрсатади:

I давр. XVIII асрдан XX асрнинг 30-йилларигача бўлган сўз туркумларини тавсифий ўрганиш даври.

II давр. XX асрнинг 30-йилларидан бошланган сўз туркумларини илмий ўрганиш даври[2].

Сўз туркумларини туркий тиллар миқёсида илмий ўрганишни бошлаб берганлардан бири бўлган А.К.Боровков бу борада илк тадқиқотлардан бирини яратди ва анчагина изчил илмий қарашларни баён қилиб берди. Айниқса, олимнинг ёрдамчи сўзлар борасидаги фикрлари диққатга сазовор. У ёрдамчи сўзларнинг ўзаро алмашинувларига алоҳида эътибор билан қарайди. Шунингдек, сўз туркумларини аниқлашда туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор билан қараш лозимлигини таъкидлайди[3].

Сўз туркумлари борасидаги тадқиқотлари билан кўзга кўринган туркологлар сираси анчагина бўлиб, қарашлар ҳам хилма-хил[4]. Масалан, М.Закиев сўз туркумларини ажратишда уларнинг нутқни шакллантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор билан қарайди. Нутқнинг маълумот бериш имкониятини «предикативлик», реал борлиққа муносабатни «модаллик» деб атайди. Модалликсиз предикативлик ва предикативликсиз модаллик бўлмайди, шу туфайли ҳам сўз туркумларининг барчаси муҳим деб кўрсатади. Морфологик бирликларни нутқни ташкил қилишдаги ўрнига кўра уч гуруҳга ажратади:

1) фикрни ташкил қилувчи муайян тушунчаларни ифодаловчи бирликлар;

---

[1] История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. ч.II. – М., 1971. Есперсен О. Философия грамматики. – М., 1958. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. – М.: Прогресс, 1988 и др.

[2] Элтазаров Ж. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар. – Самарқанд, 1996. – Б. 93.

[3] Элтазаров Ж. Юқоридаги асар. – Б. 94-95.

[4] Масалан, қаранг: Санксеев Г. Д. К проблеме частей речи в алтайских языках // ВЯ. 1952. – №6. Батманов И. А. Части речи в киргизском языке // ВЯ. – 1955. – №2. Баскаков Н. А. Морфологическая структура слова и части речи в тюркских языках // Советское востоковедение, 1957, №1. Закиев М. З. Классификация частей речи и аффиксов в тюркских языках // СТ – 1973. – №6. Шарифов А. О принципах классификации грамматических категорий тюркского языка // СТ. 1989. – №2. Исхаков Ф. Г. Лексико-грамматическая классификация слов или части речи в тюркских языках. // ИСТГЯ, ч. II. – М., 1955.

2) сўзловчининг борлиққа муносабатини ифодаловчи бирликлар;

3) гапни ташкил қилувчи сўзлар орасидаги муносабатни амалга оширувчи бирликлар.

Биринчи гуруҳга мустақил деб аталувчи сўзларни киритади: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш. Иккинчи гуруҳга модал сўзлар, ундовлар, юкламалар киритилади. Учинчи гуруҳга эса кўмакчи, кўмакчилашган сўзлар, боғловчи ва боғловчилашган сўзлар мансуб бўлади[1].

А.Шарифов Яқин Шарқ тиллари грамматикалари (араб, форс, улар орқали туркий тилларга ҳам)га араблар орқали Александрия мактабининг таъсири кучлилигини таъкидлайди[2]. Таснифлар нақадар хилма-хил бўлмасин, уларда мантиқий асосларнинг ягоналиги, дарҳақиқат, сезилиб туради.

А.Шарифовнинг ўзи эса сўз туркумларини таснифлашда семантик-функционал принцип етакчилик қилиши лозим, деб ҳисоблайди. Унингча, етакчи сўз туркумлари от ва феъл бўлиб, қолган сўз туркумлари (сифат, сон, олмош...) қайсидир ҳолатда нутқ таркибида ёки от, ёки феълга боғланиб фаолият кўрсатади[3].

Демак, унинг ўзи ҳам классик – от, феъл, ёрдамчи сўз – сирасини сақлашга ҳаракат қилади.

Бошқа туркологларнинг тадқиқотларида ҳам, ҳар сафар турлича принцип асос қилинишига, янги бир тасниф таклиф этилишига қарамай[4], муайян анъана барибир сақланиши кузатилади. Айрим фарқли, жумладан, сон ва олмошнинг мавқеи, сифатдош, равишдош, ҳаракат номининг сўз туркумлари таркибида тутган ўрни борасидаги қарашлар кенг оммалашмади ва муаллифларнинг ўзлари ҳам ўз қарашларида изчил бўла олмадилар.

Ўзбек тилшунослигида ҳам сўз туркумларнинг ўрганилиши ана шу анъана доирасида давом этди. Юқорида айтиб ўтилганидек, кейинги йилларда сўз туркумлари борасида бажарилган ишлар сирасида И.Мадраҳимовнинг номзодлик иши ажралиб туради. Айрим мунозарали ўринларга қарамай (хусусан, у лексемалар таснифи борасида фикр юритган), сўзларни туркумларга таснифлашнинг мантиқий асосларини биринчи бўлиб белгилаб беришдаги натижалари ва таклиф этган оригинал таснифи билан бу тадқиқот диққатга сазовор. И.Мадраҳимовнинг тадқиқотида *«...қиёснинг ҳар бир нарсанинг серқирра бутунлик ва бу бутунлик ҳар бир қиррасининг нисбий мустақиллиги ҳақидаги таълимотига таянилади. Шунга кўра ҳар бир лексемага «мажмуи сифот» сифатида қаралиб, лексемалар ўхшаш сифатлар асосида ўзаро муносабатларда кўрилади»*[5].

Диссертацияда жаҳон ва ўзбек тилшунослигининг сўнгги ютуқлари замирида ўзбек тили ҳодисалари асосида сўз ва лексема изчил фарқланиб, лексема маъно, қурилиш ва қўлланиш жиҳатидан яхлит атов бирлик сифатида

---

[1] Закиев М. Указ соч. – С. 5-7.

[2] Шарифов А. Указ соч. – С. 87.

[3] Там же. – С. 92.

[4] Бу ҳақида қаранг: Элтазаров. Ж. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар. – Самарқанд, Б. 91-100.

[5] Мадраҳимов И. Ўзбек тилида сўзнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари // Филол. фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 1994. – Б. 5.

тушунилади ва ясама сўзлардан фарқланади. Тил тизимида яхлит ва умумий бутунлик сифатида мавжуд бўлган лексеманинг турли сифатлар мажмуаси эканлиги, зот сифатида ҳар бир лексеманинг моҳияти унинг алоҳида-алоҳида сифатининг мантиқий йиғиндиси эканлиги кўрсатилиб, бу сифатларни аниқлаш учун лексемаларнинг маъновий, синтактик ва морфологик изчил таснифларини бериш зарурлиги[1]ни кўрсатишга ва ўз фикрининг исботи учун 10 босқичли маъновий, 4 босқичли синтактик ва 2 босқичли морфологик тасниф таклиф этади. Туркум тушунчасини нисбий деб ҳисоблаб, маъновий, синтактик ва морфологик гуруҳлар ўзаро мос келмай қолиши ҳам мумкин деб кўрсатади. Унинг натижалари №2 жадвалда акс эттирилган[2].

Сўз туркумларининг ўрганилиш тарихига қисқагина назар ташлаш ҳам бир қатор умумий тамойилларни кўрсатиш имконини беради. Антик даврлардан энг янги даврларгача тадқиқот объекти сифатида сўз туркумларини танлаган олимларнинг биронтаси тил бирлиги сифатида сўз туркумларини рад этмайди. Турли типлардаги тилларда олиб борилган тадқиқотлар сўз туркумларининг тил универсалияларидан бири эканлигини кўрсатди, дейиш мумкин. Минг йилликларни қамраб олувчи тилшунослик тарихида сўз туркумларичалик кўп ўрганилган ва кўп мунозарага сабаб бўлган объект кам. Аммо, энг қизиғи шундаки, антик даврларда тақдим этилган ва жуда кўп бор турли тилшунослик йўналишлари ва мактаблари томонидан танқид қилинган тасниф асрлар синовидан ўтиб яшовчанлигини намоён қилиб келмоқда. Унга киритилган ўзгаришлар унинг моҳиятига эмас, ана шу моҳиятнинг реаллашувига алоқадор бўлиб қолмоқда.

Хусусан, антик даврларданоқ маълум бўлган исмлар гуруҳи ва феъллар гуруҳи, шунингдек, ёрдамчи сўзларни тўлиғича рад этган сўз туркумлари сирасини ва унга қарашларни тубдан тўлиғича янгилаган назария вужудга келмади. Бу мутлақо кейинги даврлар тилшунослигининг камчилиги эмас, балки антик даврлар тилшунослигининг ютуғидир.

Кейинги даврларда сўз туркумлари сираси конкретлашди. Сўз туркумларининг ўзига хос таснифловчи белгилари ишлаб чиқилди. Сўз туркумлари генезиси, трансформацияси, функционал ва ҳатто прагматик жиҳатларига доир ғоят қизиқарли назариялар юзага келди. Уларнинг айримлари давр синовидан ўтди, айримлари ўтмади. Ҳар қандай назариянинг аҳамияти унинг амалийлиги билан ўлчанади. Тилшуносликда эса мактаб грамматикалари ана шу амалийликнинг илк ўлчовидир. Мактаб грамматикаларида эса юз йилларки, мустақил ва ёрдамчи сўзлар, ҳар иккаласидан ҳам фарқ қилувчи сўзлар гуруҳи жузъий фарқлар билан акс эттириб келинмоқда.

Тилшунос қайси мезонларни танламасин, беихтиёр равишда мустақил ва ёрдамчи сўзларни ажратади. Ундов ва модал сўзларнинг сўз туркумлари сирасига киритиш-киритмаслигидан қатъи назар, уларнинг сўз туркумларидан фарқли ва ўхшаш томонларининг таҳлил қилиниши натижасида улар сўз туркуми эканлиги шубҳа туғдирмайдиган бўлаклар билан зиддиятда туриши

[1] Ўша ерда. – Б. 5-6.
[2] Кўрс. асар. – Б. 115.

кўриниб қолади. Зиддият эса ўхшашликка асосланган қарама-қаршиликдир. Демак, ундов ва модал сўзларнинг ҳам сўз туркумлари сирасида кўрилиши мантиқан тўғри бўлади.

«Умуман, тилшунослигимизда ҳозиргача сўз туркумлариаро кўчишнинг жузъий масалалари қаламга олинган, кўчиш фақат бир ёки бир неча сўз туркуми доирасидагина олиб текширилган, холос. Сўз туркумлариаро алоқа ва кўчишнинг йирик муаммолари, хусусан, кўчишнинг тафаккурий, лисоний ва нутқий асослари, мустақил сўз туркумлариаро кўчиш, мустақил сўзларнинг ёрдамчи сўз туркумлари билан алоқаси ва ўзаро кўчиши, алоҳида гуруҳдаги сўзларнинг мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари билан алоқаси ва ўзаро кўчиши, грамматикализация ҳодисалари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда»[1].

Бизнингча, бундан кейинги тадқиқотларда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилиши лозим.

1. Сўз туркумлариаро кўчишлар. Афтидан, танланган атама («кўчиш»)нинг ноқулайлиги (яъни бир бирлик иккинчи бир соҳага кўчиши назарда тутилади) ва етарли методологик асосланмаганлиги кўпчилик тилшуносларни бу муаммога анча ҳушёрлик билан қарашга ундамоқда (Қуйида бу борадаги ўз қарашларимизни баён этамиз). Чунки кўчишлар эмас, изчил боғланишлар, оралиқ халқалар борасида гапириш тўғрироқ бўлган бўларди.

2. Сўз туркумларининг генеологик алоқалари. Бу бевосита биринчи муаммодан келиб чиқади. Сўз туркумлари алоқаларини диахрон планда ўрганишнинг синхрон планда текширилганда ноаниқ бўлиб қолувчи қатор фактларни конкретлаштириши шубҳасиз. Шунингдек, сўз туркумларининг ривожланиш тарихи инсон фикрлаш тарзи ва оламни тасаввур қилишдаги ўзгаришлар билан бевосита боғланади. Бу хил қарашлар нафақат ўзбек, балки жаҳон тилшунослигида ҳам долзарб соҳа бўлиб келаётган психолингвистика тараққиёти учун ҳам бир жузв бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

3. Сўз туркумларининг функционал томонлари. Сўз туркумларининг маъно номлаш ва тасвирлаш жиҳатлари, вазифа бажариш жараёнидаги прагматик жиҳатлар ва бошқалар.

4. Сўз туркумларининг сатҳий белгилари ва бошқа сатҳ бирликлари билан муносабатлари.

Тадқиқотнинг асосий қисмига ўтишдан аввал «сўз туркуми» атамаси остидаги тушунча ҳақида фикрларимизни аниқлаштириб олсак.

XIX асрга келиб физикадаги майдон назариясининг оммалашуви тилшуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади.

Майдон *«бирор физик ҳодиса рўй берадиган ёки унинг таъсири сезиладиган фазо»*[2] бўлиб, физикларнинг кузатишича, ҳар қандай электр заряди ўз атрофида магнит майдони ҳосил қилади. Табиийки, зарядга яқин фазода унинг таъсири кучли бўлса, узоқлашган сайин таъсир кучсизланиб боради.

---

[1] Элтазаров Ж. Кўрс. асар. – Б. 118.

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. I. – М.: Русский язык, 1981. – Б. 442.

Тилшуносликда майдон назарияси борасида юзага келган бир қанча тадқиқотларда майдонларни ажратиш ва тушунишда қатор илғор фикрлар билан бирга чалкашликлар ҳам юзага келди[1]. Айрим тадқиқотчилар майдонлар, айтайлик, категориялардан ҳажмига кўра фарқ қилади, деб ҳисоблайдилар. Фарқ эса бошқа жиҳатдан бўлиб, майдон категориядан катта ҳам, кичик ҳам бўлиши мумкин. Майдон умумий белги атрофида бирлашадиган ва ўзига хос белгилари билан ана шу умумий белгига зиддиятда турадиган бирликлардан тузилиши лозим[2]. Масалан, келишик шунинг учун ҳам майдон бўлолмайдики, келишиклар бир бутун умумий маъно атрофида бирлашадилар ва ана шу умумий грамматик маънони парчалаб эквиполент зиддиятга киришадилар. Келишиклар алоҳида ҳолда майдон бўлолмаса-да, дейлик, кўмакчилар билан қўшилиб майдон ҳосил қила олади. Бу майдон аъзолари *«сўзни сўзга боғлаш»* белгиси атрофида бирлашиб, шу билан бирга ҳар бири ўзаро мустақил йўналиш билан узоқлашадилар, бу белгиларнинг энг ибтидоийси уларнинг шаклий хусусиятларида кўринади.

Тилшуносликда майдон тушунчаси қатор объектларга талқин этилди. Хусусан, Г.С.Шчур қуйидагиларни санаб ўтади: функционал-семантик майдон, морфем майдон, фонем майдон, сўз ясовчилар майдони, лексик майдон, мазмуний майдон, микро ва макро майдон, нисбийлик майдони, вақт майдони, сон майдони, инкор майдони, мавжудлик майдони, лексик-грамматик майдон, трансформацион майдон, мутлақ майдон, фаолият майдони, ҳолат майдони ва ҳоказо[3]. Айрим сўз туркумларининг майдонлик хусусияти ҳақидаги тадқиқотлар ҳам юзага келди[4].

Аммо сўз туркумларига оид бундай қарашлар кейинчалик ривожлантирилмади (хусусан, ўзбек тилшунослигида). Бизнингча, айнан сўз туркумларида майдонлик хусусияти ёрқин намоён бўлади. Сўз туркумлари бирликлари формал жиҳатдан кўпинча бир хил бўлса-да (бу ҳам доимо эмас), бошқа жиҳатлари билан жуда қизиқ зиддиятлар ҳосил қила оладилар. Бир белги атрофида бирлашаётган бирликлар ўзида умуман ўша белгига боғлиқ бўлмаган, аммо бошқа туркумларнинг асосий таснифловчи хусусияти бўлган белгини ташиши мумкин. Марказий белгини ва фақат уни ифодаловчи белгилар бизнинг кузатишларимизга кўра, унчалик ҳам кўп бўлмайди. Улар майдон марказида туриб, унинг ядросини ташкил этади ва қўшни майдонлар белгисини ҳам ташувчи периферияни ташкил этувчи бирликларни *«тортиб»* туради. Ўрни билан қўшни ядро таъсири кучайиши ва периферия чегаралари ўзгариши мумкин (тўлиқ трансформация, конверсия).

---

[1] Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Уфимцева А. А. Теория «семантического поля» и возможности их применения при изучении словарного состава языка // Вопросы теории языка в современной зарубежной лингвистике. – М., 1961. – С. 28-44. Щур Г. С. Теория поля в лингвистике. – М.-Л., 1974. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент, 1995. Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш. Тошкент, 1998. Нурмонов А, Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. Тошкент, 2001. – Б. 91-94.

[2] Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. С. 380.

[3] Щур Г. С. Теория поля в лингвистике. – М.-Л., 1974 – С. 19-21.

[4] Адмони В. Г. Полевая природа частей речи. // Вопросы теории частей речи. – М.-Л., 1968. – С. 98-107.

Сўз туркумлари тадқиқида айнан шу хил ҳолатлар таҳлили бизни қизиқтиради, чунки шу хил ҳолатлар тилнинг системавий бутунлигини таъминлайди (Қуйида бу хил ҳолатлар алоҳида кўриб чиқилади).

Демак, сўз туркумлари сўзларнинг шундай гуруҳларики, улар муайян белгиларни ифодалашига кўра бирлашиб, шу белгиларни ифодалаш даражаси ва ёндош белгиларни ифодалашига кўра зиддиятда туради.

2-§. Сўзларни туркумларга ажратишнинг мантиқий асослари

Тилшунослик тарихида ҳеч бир мунозара сўзларни туркумларга ажратиш борасидаги каби узоқ давом этмаган ва шу қадар кўпчиликни жалб этмаган бўлса керак. Антик даврлардан бошланган баҳс давом этмоқда ва, афтидан, ҳаммага мақбул ечимгача ҳали узоқ. Бундай ечимнинг зарурийлиги аниқ. Арасту ўз вақтида бежиз: *«Муаммони ечиш учун уни парчалаш ва таснифлаш лозим»* демаган.

Тилшуносликда бу қадар хилма-хил қарашларнинг илдизи илмий дунёқараш – методологияга бориб тақалади. Ҳар бир тилшунос таснифини ўз дунёқараши – методологиясига асосан тузади. Аммо унинг дунёқараши мантиқий тамойилларга доим ҳам мос келавермаслиги ва натижада тасниф муайян камчиликлар билан юзага келиши мумкин.

Мантиқда таснифнинг одатда тўртта тамойили кўрсатилади:

Биринчидан, тасниф фақат ягона асосда олиб борилиши лозим. Бундан келиб чиқадики, аввал-бошда танлаб олинган асосни тасниф жараёнида ўзгартириш ва алмаштириш мумкин эмас.

Иккинчидан, тасниф тўла-тўкис бўлиши лозим, яъни тасниф аъзоларининг йиғиндиси таснифланувчи ҳажмига тенг келиши керак.

Учинчидан, тасниф аъзолари бир-бирларини истисно қилишлари лозим.

Тўртинчидан, тасниф узлуксиз бўлиши талаб қилинади, яъни турдан жинсга ва ҳоказо сакрашларга йўл қўйилмайди[1].

Тилшунослик тарихида мавжуд бўлган таснифларда формал мантиқнинг ушбу тамойилларидан айримларининг бузилиши учрайди. Энг кўп бузилувчи тамойиллардан бири таснифнинг бир асослигидир. Хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам сўзларни туркумларга ажратишда учта асос кўрсатиш анъанаси мавжуд: морфологик принцип, лексик-семантик принцип ва синтактик принцип[2]. Албатта, бу принциплар бирданига эмас кетма-кет татбиқ этилади. Бироқ бу ҳолат тасниф узлуксизлиги тамойилига мос келмайди. Яъни изоморфлик бузилади. Таснифнинг бир босқичида фақат битта асос қўйилиши лозим ва кейинги босқичда бошқа хил асос қўлланиши мумкин. Аммо шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, кейинги давр туркийшунослиги ва ўзбек тилшунослигида сўз туркумлари таснифини ана шу асосларга қўйишга интилишлар пайдо бўлди[3]. Биринчи тамойилнинг бузилиши энг кенг тарқалган

---

[1] Гетманова А.Д. Логика. М.: Высшая школа, 1986. – С. 49-51. Формальная логика. – Л.: ЛГУ, 1977. – С. 143-145. ва бошқ.

[2] Масалан, қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. – Тошкент: Фан. – 1975. – Б. 120.

[3] Масалан, қаранг: Нигматов Х. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII в.в. – Тошкент: Фан, 1989. Мадраҳимов И. Лексемалар таснифидаги илк босқич // ЎТА. – 2003. – №3. – Б. 29-32.

бўлибгина қолмай, энг қадимий ҳам. Эрамиздан аввалги IV асрдаёқ Арасту «сўзнинг баён қисмлари» ҳақида гапирар экан, исм, феъл, боғловчи ва алоҳида товушлар, бўғин ва келишикни бир қаторда санайверади[1].

Бундай ҳолатларни кўплаб кўрсатиш мумкин. Санаб ўтилган мантиқий тамойилларга тўла амал қилишга интилган тилшунос ҳам етарлича илмий натижага эришиши мушкул. Бундай натижага эришиш йўлида бир нечта тўсиқ мавжуд. Булардан энг биринчиси лингвистик характердадир. Яъни сўзларни туркумларга таснифлаш деганда нима назарда тутилади? Аниқроғи, нимани таснифлаш керак?

Маълумки, «сўз» атамасини сўзга нисбатан ҳам, сўзшаклга нисбатан ҳам қўллаш анъанага айланган. Сўз туркумлари таснифида эса ҳар иккаласига ҳам кирмайдиган бирликлар ҳам кўриниб қолади (хусусан, қўшимча юкламалар).

Сўзга хос деб кўпчилик томонидан тан олинувчи мазмунга эгалик, шаклий ва фонетик бир бутунлик ёрдамчи сўзларда, айниқса, *-да, -оқ, -у* каби қўшимча юкламаларда мавжуд эмас. Шунга кўра: *«Агар морфоцентрик назария асосида тилнинг морфемик сатҳида энг кичик маъноли бирлик сифатида морфемани, ундан юқорироқ бўлган морфологик сатҳнинг бирлиги сифатида сўзшаклни эътироф этсак, тилнинг системавий табиатини тўғри ёритган ва сўзларни туркумларга ажратишда юқоридаги зиддиятни бартараф қилган бўламиз*[2].

Кўриб ўтилганидан ташқари, яна бир қатор зиддиятлар ҳам мавжуд. Хусусан, *«...тасниф асоси эркин танланган эмас, таснифланаётган бутунлик моҳиятига дахлдор тушунча бўлиши лозим. Ушбу қоидага риоя қилмасликка, айтайлик, инсонларнинг сочининг рангига кўра таснифланиши мос бўла оларди»*[3]. Тилшуносликда эса бу қоидага риоя этмаслик, хусусан, туркумларга ажратишда синтактик вазифанинг асос қилиб олинишида кўринади. Анъанага айланган қарашларга кўра маълум бир сўз туркуми муайян синтактик вазифани бажаришга мўлжалланган бўлади ва бошқа хил синтактик вазифада келиш бошқа туркум функциясида ишлатилиш, деб ҳисобланади. Аслида, инсон сочининг ранги ёшига, об-ҳавога, саломатлиги ва урфга кўра ўзгариб турганидек, сўз ҳам муайян таъсирлар натижасида турли хил синтактик позицияни эгаллай олади. Аммо шуниси аниқки, у ўз синтактик потенциясидан ташқарига чиқа олмайди.

Шу қисқагина кузатишларимиз ҳам кўрсатадики, сўзларни туркумларга таснифлашда санаб ўтилган мантиқий қоидаларга доим ҳам амал қилинавермайди. Шунингдек, ушбу қоидалар ҳам ички зиддиятлардан холи эмас. Аввало, шуни назарда тутиш лозимки, бу қоидалар формал мантиққа асосланиб ишлаб чиқилган. Диалектик мантиқ эса бир оз бошқачароқ талқинни назарда тутади. Масалан, формал мантиқдаги учинчи қоидага кўра тасниф аъзолари бир-бирларини истисно қилишлари лозим.

---

[1] Лингвистический энциклопедический словарь. – М. 1990. – С. 578.

[2] Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 47.

Шу ҳақда яна қаранг: Милославский И. Г. Морфологические категории современного русского языка. М.: Просвещение, 1981. – С. 32-34.

[3] Формальная логика. – Л., 1977. – С. 143.

Диалектик мантиқ бунга қатъиян қарши чиқади. Ҳар қандай зиддиятларни бирлаштириб турувчи нуқта, албатта, мавжуд бўлади. Қарама-қаршиликлар курашади ва бирлашади[1]. Сўз туркумлари ҳам худди ана шу хил диалектик зиддиятлар бўлиб, уларни тилнинг битта сатҳи сифатида талқин этиш боғлаб турувчи нуқталар ҳам мавжудлигини шарт қилиб қўяди. Ана шундан келиб чиқиб, юқорида келтирилган учинчи қоидада қарама-қаршиликлар келишадиган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги ёки, тўғрироғи, шартлиги ҳам кўрсатилиши лозим.

Бу масалага қатор туркологлар эътибор билан ёндашганлар. Хусусан, Л.В.Щерба: *«...фақат қутбий ҳодисалар аниқдир. Оралиқ ҳодисалар эса бирламчи манба – гапирувчиларнинг онгидаёқ – беқарор ва ноаниқдирлар. Аммо айнан ана шу беқарор ва ноаниқликлар лингвист диққатини кўпроқ жалб этиши лозим»*[2] деб таъкидлайди.

Шунингдек, Ҳ.Ғ.Неъматов ҳам бундай бирликларни ўрганишдаги муаммоларга доир ўз мулоҳазаларини билдириб ўтган: *«Сўзнинг семантик, морфологик, синтактик хусусиятларини бир белги сифатида қабул қилиб сўз туркумларини тасниф этганда, фақат мана шундай кичик лексик группалар қарама-қаршиликсиз ажратилиши мумкин ва бу группаларнинг оралиғида жойлашган (яъни бир хусусияти билан бир группага, иккинчи хусусияти билан иккинчи группага кирадиган) жуда кўп сўзларнинг ўрни тил системасида аниқ белгиланмасдан қолади. Шунинг учун лексик-грамматик омонимия ва транспозициянинг доираси ҳаддан ташқари кенгайтирилади. Бундай оралиқ ҳодисаларни ташкил этувчи бирликларни сунъий равишда у ёки бу группага жойлаштирмасдан уларнинг хусусиятларини изчиллик билан ўрганиб бориш тилни система сифатида ўрганишда катта аҳамиятга эгадир»*[3].

Эътибор берилса, олим формал мантиқнинг, шунингдек, диалектал мантиқнинг ҳам ҳар қандай тасниф олдига қўйган бирламчи талаби битта мезонга асосланиш заруриятини эсдан чиқармайди, чунки, *«Сўзнинг бу уч томони бир бутунликни ташкил этса, улар бир белги сифатида кўриниши мумкин ва бу уч белгининг бирлиги (бутунлиги) сўз туркумлари таснифи учун асос бўла олади, агарда бу уч белгининг ҳар бири нисбий мустақилликка эга бўлса, улар биргаликда олинганда, тасниф асоси бўлиб хизмат қилолмайди, чунки айтиб ўтганимиздек тасниф жараёнида бирдан ортиқ белгига асосланиш мумкин эмас»*[4]. Қадимги туркий тил материалларини кузатиш орқали бу уч хусусият бир бутунликни ташкил эта олмайди, деган хулосага келади. Масалан, XI – XII асрлар ёзма ёдгорликлари тилида, шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида ҳам: *«Предметлик маъносини англатган сўзлар нафақат субъект-объект вазифаларида, балки атрибутив функцияда ҳам келиши,*

---

[1] Қаранг: Введение в философию. – М., 1989. – С. 150-171. Гегель. Наука логики. Т. II. – М., 1971. – С. 60-65. ва бошқ.

[2] Щерба Л. В. Некоторые выводы из моих диалектологических лужицких наблюдений // Избранные работы по языкознанию и фонетике. I. Т.– М., 1958. – С. 35-36.

[3] Неъматов Ҳ. Ғ. XI – XII асрлар ёзма ёдгорликлари тилида сўз туркумларининг тасниф асослари ҳақида // ЎТА. – 1973. – №6. – Б. 29.

[4] Ўша ерда. – Б. 28.

предметнинг ёки белги (ҳаракат)нинг белгисини ҳам ифодалаши мумкин»[1]. Шу билан бирга бу уч тасниф асоси борасида бутунлай зид фикрлар ҳам мавжуд. Хусусан, В.Г.Гак шундай ёзади: *«Сўз туркумлари назарияси танқидчилари унинг асосий камчилигини сўз туркумларининг турлича мезонлар асосида ажратилишида кўришади. Аммо айнан шу ҳолат унинг ижобий жиҳатидир, чунки учала: категориал-семантик, формал-морфологик ва функционал-синтактик белгилар ўзаро зид боғлиқ бўлиб, умумий асос – сўзнинг номинатив имкониятидан келиб чиқади»*[2]. Лекин кейинги фикрлари унинг сўз туркумларини таснифлашда асосан уларнинг семантик жиҳатига эътибор беришини кўрсатади. Яъни у сўзларни объектив борлиқни акс эттириш усули (номинация характери)га кўра ажратиш лозим, деб ҳисоблайди.

Замонавий тилшуносликда, В.Г.Гак ҳам таъкидлаб ўтганидек, сўз туркумлари назарияси танқидчилари кўп бўлган ва уларни «уч мезон тарафдорлари» ва «қаршилар» каби икки шартли гуруҳга ажратиш мумкин. Аммо «қаршилар» онгли равишда ягона (кўпинча, семантик) мезонни танлаб олсалар, «тарафдорлар» учала мезонни ёқлаб туриб, барибир ягона мезонга асосланиб қолаверадилар. Жумладан, В.Г.Гак ҳам. Шунинг учун ҳам унинг таснифи академик таснифлардан у қадар фарқ қилмайди. Фақат олмошни «асосий» (у бу атамани кенг қўлланувчи «мустақил» атамаси ўрнида ишлатган) сўз туркумлари сирасидан «қўшимча» сўз туркумлари сирасига (бу сирада ёрдамчи сўзлардан ташқари ундов сўз ҳам бор) олиб ўтади. Аммо бошқа ҳолатларда деярли классиклашиб қолган анъанани бузмайди.

Маълумки, таснифда ягона мезонга асосланиш турли чалкашликларга олиб келади. Хусусан, сўз туркумлари таснифида ягона, семантик мезонга асосланиш тилшуносликда трансформация ҳодисасига жуда кенг ўрин берилишига ва омонимияни у мавжуд бўлган ҳамда бўлмаган ҳолатларда ҳам «кузатиш»га олиб келди. Зеро, туркий тиллар табиатидан келиб чиққанда транспозиция ва омонимия ҳодисаларини бу қадар кенг тарқалганлиги шубҳали эканлиги ҳамда бу хил талқин объектив асоссизлиги кўп бор таъкидлаб ўтилганди[3].

Тилшунослик тарихида бир мезон асосида сўз туркумларини таснифлашга уринишлар ҳам бўлган (Ф.Фортунатов, Е.Курилович О.Суник ва бошқ. таснифлари шу жумладан). Бироқ айрим олинган мезон ҳам таснифни энг сўнгги нуқтасигача олиб бора оладими? Аввало, ана шу мезонлар танланишининг ўзи қандай амалий ва илмий асосларга эга эканлигини аниқлаб олиш зарур.

---

[1] Ўша ерда. – Б. 28.

[2] Гак В. Г. Теоретическая грамматика французского языка. Морфология. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 58.

[3] Севортян Э. К проблеме частей речи в тюркских языках // Вопросы грамматического строя – М., 1955. – С. 51. Санжеев Г. Д. Спорные вопросы в изучении грамматического строя узбекского языка // Вопросы узбекского языкознания. – Тошкент, 1954. – С. 200. Нигматов Х. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII в.в. – Тошкент: Фан, 1989. – С. 12-13. и др.

3-§. Сўзларни туркумларга ажратиш мезонлари

Сўзларни туркумларга ажратишнинг уч мезонли назарияси кўплаб танқидларга қарамай яшаб келаётганлигининг қатор сабаблари бор. Бу тасниф ўзининг априор табиатидан келиб чиқиб, яъни формал логиканинг тасниф қатъий, қолдиқсиз бўлиши ҳақидаги тамойилларга асосланиб ҳар қандай сўзшаклни муайян бир туркумга жойлаштириш имконини беради.

Аммо диққат билан қаралганда бу туркумларнинг кўп ҳолларда априор қарашлар натижасида зўрма-зўраки ажратилганлиги кўриниб қолади. И.Г.Милославский фикрича: *«...мантиқий камчиликлари туфайли анъанавий тасниф мантиқан бирга олиниши лозим бўлган нарсаларни ҳам ажратиб юборади.*

Масалан, мактаб грамматикаси миқдор, жамловчи ва тартиб сонларни семантик асосга кўра бир туркумга йиғиб тартиб сонларни синтактик ва морфологик ўхшашлигига қарамай сифатлардан ажратиб юборади»[1].

Сўзларни туркумларга ажратишда, шунингдек, турли туркумларга парчалаб юборилган, аммо синтактик моҳият эътибори билан ягона гуруҳга жамлаш зарурати кўриниб қоладиган ҳолатлар ҳам учрайди.

Масалан, ўз вақтида рус тилида «состояние» туркумини ажратиш лозимми ёки йўқлиги катта мунозарага сабаб бўлган эди[2]. Бундай сўзлар турли туркумларда учраши (масалан, отда: недосуг, лень; сифатда: рад, горазд; равишда: скучно, весело...), аммо синтактик моҳияти бир хил эканлигига И.Г.Милославский алоҳида эътибор берган[3].

Кейинги давр ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотлар ана шу хил сўзларнинг ўзбек тилида ҳам мавжудлиги ва табиатан рус ва бошқа славян тилларидаги айрим тилшунослар ажратувчи «состояние» туркумига яқин келишини кўрсатди.

Сўз-гаплар тадқиқига бағишланган тадқиқотлар ўзбек тилшунослигида анчагина бўлиб, хусусан, бу борада иш олиб борган тадқиқотчилардан Б.Ўринбоев, Э.Шодмонов, С.Усмонов, Р.Сайфуллаев, Ғ.Зикриллаев кабиларни санаб ўтиш лозим. Янги қарашлар асосида яратилган Р.Бобокалоновнинг тадқиқоти анча диққатга сазовор[4]. Бу хил бирликлар талқинида у анча илгари кетган. Шу пайтгача маълум қарашларда сўз-гапларнинг асосан функционал-синтактик томонига эътибор берилган бўлса, Р.Бобокалонов ҳам функционал, ҳам семантик жиҳатига эътибор билан ёндашади.

Семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар кесимлик кўрсаткичлари ($Р_м$)ни ололмаса-да, гап бўлиб келаверади. Чунки $Р_м$ ифодаловчи маънолар (N, М, Р, Т[5]) сўз гапларнинг семантик структурасида мужассамланган бўлади *«... бу*

---

[1] Милославский И. Г. Морфологические категории современного русского языка. – М.: Просвещение, 1981. – С.41.

[2] Исаченко А. В. О возникновении и развитии «категории состояния» в славянских языках // ВЯ. – 1955. – №6. Шапиро А. В. Естҳ ли в русском языке категория состояния как часть речи // ВЯ. – 1955. – №2.

[3] Милославский И. Г. Кўрс. асар. – С. 41.

[4] Бобокалонов Р. Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 19 б.

[5] Бу ўринда N – негативлик (тасдиқ-инкор), М – модаллик (муносабат, майл), Т – темпораллик (замон), Р – персоналлик (шахс). $Р_м$ – предикативлик маркери (кесимлик кўрсаткичи).

маъноларнинг етакчилиги ва бўрттирилганлиги қуйидаги даражалардадир: 1.Модалларда – (M N P T); 2. Ундовларда – (T M N P); 3. Тасдиқ-инкорларда – (N P T M); 4. Таклиф-хитобларда – (P T M N).

С Ф Ш С Г тарихий категория бўлиб, бундай гаплар доимий тараққиётдадир. Шунинг учун соф сўз-гаплар, сўз-гаплашган, сўз-гаплашаётган, сўз-гапсимон каби турларга эгадир»[1].

Тадқиқотчининг фикрича, бундай бирликлар мазмуний тизимида кесимлик маънолари алоҳида сема сифатида мавжудлиги билан, кесимлик маънолари $Р_м$ воситасида киритилувчи бошқа лексемалардан тубдан фарқ қилади: *«Шу боис тилнинг лексик ва грамматик сатҳлари бирликлари орасида уларнинг ўрни ўзига хосдир. Бу хослик шундаки, тилимиздаги лексемаларнинг жуда кўпчилиги хосланган синтактик функцияга эга эмас. Чунончи, от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл, тақлидлар каби сўз туркумларининг синтактик қобилияти гапнинг истаган бир бўлаги вазифасида кела олиши билан белгиланса, боғловчи, кўмакчи, қисман юкламаларнинг синтактик моҳияти синтактик алоқани ифодалашда кўринса, сўз-гаплар шундай лексемалар гуруҳини ташкил этадики, улар гап (ёки унинг маркази) вазифасида келишга хосланган. Шунинг учун ўзбек тилида сўз туркумларини мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар ва сўз-гаплар сифатида уч катта гуруҳга ажратиш маъқул»*[2].

Демак, у сўзларни туркумларга ажратишда, ўзи алоҳида ажратиб кўрсатмаса-да, «кесимликни ифодалаш» белгисини ҳам киритади. Яъни лексемалар кесимликни ифодалашда махсус кўрсаткичларга муҳтож ва муҳтож эмаслигига кўра икки гуруҳга ажралиши мумкин экан. Бундай кўрсаткичларга муҳтож бўлмаган бирликлар ИО тарзида айнан ўша рус тилшунослари «состояние» туркуми деб атаган категорияга яқин келади. Аммо рус тилшунослигида «состояние» ёки ҳолат туркумининг ажратилиш-ажратилмаслиги охири ҳаммага мақбул ечимга келмаганидек, ўзбек тилшунослигида ҳам бундай ечим йўқ.

Фақат бу эмас, бошқа кўплаб «таклиф этилган» сўз туркумлари ҳам анъанавийлари даражасида кенг тарқалмади ва тан олинмади. Масалан, Е.С.Смушкевич инглиз тилида модал сўзлар, Т.И.Смолянская француз тилида детерминатив, Р.Қўнғуров ва А.Тихонов ўзбек тилида тасвирий сўзлар алоҳида-алоҳида туркум эканлигини кўрсатиб ўтгандилар[3].

Бунинг, албатта, ўз сабаблари бор. Энг биринчи объектив сабаб сўзларни туркумларга ажратиш мезонларининг ўзи ҳаммага маъқул вариантда ишлаб чиқилмаган. Юқорида айтиб ўтилган мантиқий ноизчилликлардан ташқари ҳатто бу мезонлар миқдори борасида ҳам тилшуносларни ҳамфикр деб бўлмайди.

---

[1] Ўша асар. – Б. 4.
[2] Ўша асар. – Б. 8.
[3] Смушкевич Е. С. Модальные слова как часть речи в современного английском языке // Вопросы теории частей речи (на мат. языков различных типов). – Л.: Наука, 1968 – С. 198-208. Кунгуров Р. К., Тихонов А. Н. Изобразительные слова как самостоятельная часть речи // Там же. – С. 254-259. Смолянская Т. И. Детерминатив как часть речи во французском языке // Там же. – С. 190-198.

Масалан, А.Я.Баудер классиклашиб қолган учта мезонга ўзининг олтита мезонини қарши қўяди:

– сўзнинг морфологик категориялари;

– сўз шакллари тизими (парадигматика плани);

– бошқа гуруҳдаги (туркумдаги) бирликлар билан алоқаси (синтагматика плани);

– гапдаги вазифаси;

– сўзнинг морфем тузилиши;

– сўзнинг фарқловчи маъноси.[1]

Унинг фикрича, ушбу мезонлар универсал бўлиб, улар асосида рус тилида қуйидаги сўз гуруҳларини ажратиш мумкин:

– номинатив сўзлар гуруҳи (предметни англатувчи сўзлар; жараённи англатувчи сўзлар: сифатдош, равишдош; белгини билдирувчи сўзлар: сифат, равиш; ҳолат категорияси; миқдор билдирувчи сўзлар). Уларнинг функционал ўринбосари олмошлар бўлиши мумкин;

– субъектив – релятив сўзлар синфи (субъектив – модал сўзлар (модал сўзлар), субъектив – эмоционал сўзлар (ундовлар));

– объектив – релятив сўзлар синфи (юкламалар, кўмакчилар, боғловчилар)[2].

Аслида сўзларни туркумларга ажратиш мезонлари, умуман сўз туркумлари ва бевосита сўзга бўлган қизиқиш ўтган – XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб бениҳоя кучайган эди. Бу қизиқишнинг, аниқроғи, ҳақиқий илмий тадқиқотлар оқимининг пайдо бўлишини ҳақли равишда *«Тил ҳақидаги янги таълимот» 1952 йилда тилшунослик масалалари бўйича ўтказилган мунозарадан сўнг собиқ совет тилшунослигидаги ҳукмрон мавқедан кетгач, тилшуносликнинг энг муҳим масалалари бўйича йирик илмий анжуманлар ўтказиш, олимларнинг диққат марказини ўн йилларча ишланмай қолиб кетган ўткир лисоний муаммоларга қаратиш ҳаракати бошлан...»*[3]ганлиги билан боғлаш мумкин.

Хусусан, 1954 йилда СССР ФА Тилшунослик институтида ўтказилган мунозара ҳам шу жумладандир[4]. Ушбу анжуманда сўзга чиққан олимлар сўз туркумларига доир қатор муаммолар билан бир қаторда сўзларни туркумларга ажратиш мезонлари ҳам етарли даражада ишланмаганига алоҳида эътибор бердилар.

Хусусан, Э.В.Севортян сўзларни туркумларга ажратишда анъанавий уч мезон тарафдори эканлигини кўрсатди. Т.А.Бертагаев ва Т.С.Шарадземидзе морфологик мезонга, О.П.Суник грамматик хусусиятга, В.М.Жирмунский генетик томонга алоҳида эътибор лозимлигини таъкидлаб ўтадилар[5].

Сўз туркумларини ажратиш мезонлари борасида мунозара иккинчи – 1965 йили Ленинградда ўтказилган анжуманда ҳам ечимини топмади. Турли таниқли

---

[1] Баудер А. Я. Части речи – структурно-семантические классы в современном русском языке. – Таллин, 1982. – С. 20-25.

[2] Баудер А. Я. Указ. соч. – С. 33.

[3] Элтазаров Ж. Сўз туркумлари ҳақидаги синтактик назариялар. – Самарқанд, 1996. – Б. 65.

[4] Бу ҳақида қаранг: Дискуссия о частях речи // Вопросы языкознания, – 1955. – №1. – С. 160-166.

[5] Ўша ерда.

олимлар сўзларни туркумларга ажратишнинг турли мезонларини таклиф қилиб чиқдилар. Масалан, В.М.Жирмунский қуйидаги мезонларни зарурий деб ҳисоблайди:

1) лексик-семантик маънолари;
2) грамматик белгилари;
3) тарихий генетик хусусиятлари[1].

О.П.Суник анъанавий мезонларни танқид қилади ва яна асосан грамматик мезонларга урғу беради. Унинг фикрича, сўзларни туркумларга жамлашда айнан уларнинг умумий грамматик жиҳатлари асос бўлади, формал ва лексик-семантик жиҳатлари эса аҳамиятсиздир[2].

Айнан семантик мезонни биринчи навбатга қўйган қарашлар ҳам мавжуд. Бу соҳада М.В.Пановнинг фикрлари диққатга сазовор. Унинг фикрларидаги оригинал жиҳат шундаки, у қўшимчаларга алоҳида эътибор билан қарайди. Шунингдек, одатда назарда тутилганидек, уларнинг шаклланишига эмас, мазмунига синчковлик билан ёндашади. Рус тилининг табиатдан келиб чиқиб қаралганда, унинг фикрлари, дарҳақиқат, анча асосли. Жумладан трус, трусить, трусливый сўз шакллари умумий ўзакка эга бўлса-да, битта сўз туркумига кира олмайди. Ёки, аксинча, писали – пучало, сонный – толкну, мороженое – большой сўзлари бир хил грамматик шаклга (-л-, -н-, -ое) эга бўлса-да, турли туркумларга киради. Бу эса қўшимчаларнинг ҳам сўзларнинг туркумларга тақсимланишидаги ўрни, айнан семантик хусусиятига кўра, анчагина эканини кўрсатади[3].

Унинг таснифи пойдеворида номинация жараёнидаги вазифа ёки умумий маъно туради. У процессуаллик, белгилик, объектга бевосита ва билвосита муносабат каби функцияларни ажратади. Бошқа қатор фарқлар эса сўз туркумлари таснифи учун аҳамиятли эмас, деб ҳисоблайди. Қўшимчасида юқорида кўрсатилган белгилар бўлмаса, бу ҳолат от туркумига ишора қилади. Бироқ, кўринадики, бунда от (имя существительное) туркуми ниҳоятда кенгайиб, хусусан, сон ҳам унинг доирасига кириб кетади.

М.В.Пановнинг ушбу қарашлари А.М.Пешковскийнинг шу соҳадаги қарашларига жуда ўхшаш. Ўз вақтида А.М.Пешковский ҳам рус тилида сўз туркумларини ажратишга функционал-семантик жиҳатдан ёндашган эди. Унинг фикрича, рус тилида тўртта мустақил сўз туркуми: от, сифат, феъл, равиш – бор[4].

М.В.Панов бу таснифни ёқласа-да, бир қатор ўринларда иккиланиб қолади. Масалан, «бежать наперегонки» ва «бег наперегонки» сўз бирикмаларини қиёслаганда. Биринчи сўз бирикмаси, унинг фикрича, лексик жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам қонуний бўлиб, иккинчи сўз бирикмаси фақат лексик

---

[1] Жирмунский В. М. О природе частей речи и их классификация // Вопросы теории частей речи (на мат. языков различных типов). – Л., 1968. – С. 19-21.

[2] Суник О. П. Вопросы общей теории частей речи // Вопросы теории частей речи (на мат. языков различних типов). – Л.: Наука, 1968. – С. 34-48.

[3] Панов М. В. О частях речи в русском языке. – Научные доклады высшей школы // Филолог. наука. – 1960. – №4. – С. 60-71.

[4] Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1956 – С. 62-102.

жиҳатдангина қонунийдир. Чунки «наперегонки» равиш сифатида от – предмет (бег)га боғлана олмайди. Бундай ҳолатлар, яъни равиш отнинг – преметнинг белгиси бўлиб келган ҳолатлар жуда кўп учрайди.

Ўзбек тилида ҳам худди шу ҳолатни кўриш мумкин. Равиш ва сифатларнинг ўзаро бир-бирларининг вазифаларида кела олишларига тилшунослар доимо эътибор беришган[1].

Кўринадики, семантик жиҳат асос қилиб олинганда (мантиқан ягона мезоннинг таснифга татбиқ этилиши жуда қонуний бўлса-да), муаммоларнинг мавжуд бўлмаслиги учун фақат шу етарли эмаслиги сезилиб қолди.

Шунга кўра бошқа хил мезонлар таснифнинг тўла-тўкис бўлишига имкон яратади, деган хулосага келиш мумкин. Хусусан, морфологик мезон. И.Г.Милославский таснифнинг морфологик тамойили икки хил бўлиши мумкинлигини кўрсатади:

1. Бир хил морфологик категориялар жамлиги.
2. Парадигма аъзоларининг бир хиллиги.

Биринчи хил ҳолатда лексемаларни таснифлаш учун уларда бир хил морфологик категорияларнинг акс этиши асос қилиб олинади.

Хусусан, ўзбек тилида дарахт, одам, коинот лексемалари келишик, сон, эгалик категорияларини акс эттира олиши билан битта туркумга киради ва, масалан, даража кўрсатиши билан фарқ қилувчи сифатга қарама-қарши қўйилади. Аммо бу ўринда ҳам муайян қийинчиликлар туғилади. Бу муаммоли ҳолатларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Бир гуруҳга тушиш шубҳасиздек туюлган лексемалар морфологик категорияларни акс эттиришда ўзаро мос келмай қолиши.
2. Бир лексеманинг турли сўзшакллари турлича морфологик ўзгаришларга учрай бошлаганда.
3. Лексеманинг ягона сўзшакли бўлганда.

Биринчи ҳолат кўп бўлмаса-да, тилшунослар эътиборини тортиб келади[2].

А.И.Смирницкий сифатларда даража категорияси бор-йўқлигига шубҳа билан қараш ҳақида шундай ёзади: *«Кўплаб сифатларнинг қиёсий ва орттирма даража ҳосил қилолмаслиги уларда кўрсатилган грамматик категория ажратилишига тўсиқ бўлолмайди. Бошқа сўз туркумларида кўриб ўтганимиздек, алоҳида сўзларда грамматик категориянинг у ёки бу шаклларининг мавжуд эмаслиги ушбу категориянинг сўзларнинг муайян бир бутун луғавий-грамматик синфида мавжуд бўлишига халақит бермайди. Бошқача қилиб айтганда, соннинг у ёки бу шакли айрим отлар учун характерли бўлмагани каби, бир қатор сифатларда қиёсий ва орттирма даража шакллари ҳам бўлмаслиги мумкин»*[3].

А.И.Смирницкий асосий эътиборни муайян грамматик категория бир туркум доирасидаги айрим сўзларда бўлиши ёки бўлмаслиги масаласига

---

[1] Масалан, қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 271-272, 528.

[2] Смирницкий А. И. Морфология английского языка. – М., 1959. – С. 158-160; Милославский И. Г. Указ соч. – С. 37-38. Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 149-150.

[3] Смирницкий А. И. Указ соч. – С. 158.

қаратиб айрим сўзларда муайян шаклнинг учрамаслиги бу туркумда ана шу категория йўқлигини билдирмайди, деган хулосага келади. Махсус тўхталмаган бўлса-да, юқоридаги фикрларидан маълумки, бир хил морфологик шаклланмаслик сўзларнинг бир туркумга жамланишига тўсиқ бўлолмайди, деб ҳисоблайди.

Битта лексеманинг турли сўз шакллари турлича морфологик категорияларни акс эттириши, дарҳақиқат, жуда қизиқарли ва анчагина кенг тарқалган ҳодиса. Бу ҳолат, айниқса, феъл туркумида кенг учрайди. Масалан, рус тилида замон шакллари феълнинг шахс ифодалашига таъсир кўрсатади. Ўтган замонда турган сўз шаклда шахс тушунчаси йўқ, аммо род бор. Ҳозирги замонда турган сўз шаклда шахс бор, аммо род йўқ. Ўзбек тилида ҳам феълнинг айрим шакллари морфологик белгиларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади. Хусусан, ҳаракат номи на замон, на шахс-сон ифодалай олади, шунингдек, бўлишсизлик кўрсаткичини ҳам олмайди. Сифатдош эса замон кўрсатади, бўлишсизлик ифодалайди. Равишдошнинг кўрсаткичлари ўзаро ҳам бир-биридан фарқ қилади. Айрим шакллар бўлишсизлик кўрсатса, айримлари кўрсатмайди ва ҳоказо[1].

Ана шу хил жиҳатлардан келиб чиқиб, маълум бўладики, бу ҳолатда тасниф сўзшаклга йўналтирилади, лексемага эмас И.Г.Милославский бу хил таснифни қийинлаштирувчи яна бир ҳолатга эътибор қилади: рус тилида шундай лексемалар борки, улар ягона сўзшаклга эга. Масалан, пальто, такси, ГЭС. Демак, улар ҳам бу тасниф асосига бўй бермайди.

Шунга қарамай, И.Г.Миловславский шу тасниф асосида рус тилида қуйидагича туркумларни ажратиш мумкинлигини кўрсатиб ўтган:

1) от (келишик ва сонни ифодалайди); бу ерга миқдор ва жамловчи сонлар ҳам киради;

2) сифат (келишик, сон, род ва қисқалик-тўлиқлик ифодалайди);

3) инфинитив (вид ва нисбат ифодалайди);

4) равишдош (вид ифодалайди);

5) сифатдош (келишик, сон, род, қисқалик-тўлиқлик, вид, нисбат, замон ифодалайди);

6) аниқлик майлидаги ҳозирги-келаси замондаги феъллар (сон, вид, нисбат, замон, шахс, майл ифодалайди);

7) аниқлик майлидаги ўтган замондаги феъллар (сон, род, вид, нисбат, замон, майл ифодалайди);

8) шарт майлидаги феъллар (сон, род, вид, нисбат, майл ифодалайди);

9) буйруқ майлидаги феъллар (сон, вид, нисбат, шахс, майл ифодалайди);

10) грамматик тавсифланмаган сўзшакллар; турланмайдиган от ва сифатлар, қиёсий даража ва равишлар[2].

Юқоридаги мезонга кўра тасниф қилинганда юзага келган мустақил сўз туркумларининг бу тизими анъанавий тизимга қиёсланганда исм гуруҳи учун анча ихчам, феъл гуруҳи учун анча тармоқланиб кетгани билан характерланади.

---

[1] Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 515-525.

[2] Милославский И. Г. Указ. соч. – С. 38.

Морфологик мезоннинг иккинчи жиҳати ҳам эътиборга олинса, тақдим этилган синфлар янада парчаланиб кетади. «Парадигма аъзоларининг бир хиллиги» бир туркум ичида ҳам доим кузатилавермайди.

Масалан, рус тилида отлар сон кўрсатиши аниқ бўлса-да, айрим отлар фақат кўплик (часы), айрим отлар фақат бирлик (молоко) ифодалайди. Ўзбек тилида ҳам феъл нисбат кўрсатиши аниқ бўлса-да, айрим феъллар муайян нисбат кўрсаткичларини олмайди.

Юқоридагилардан кўринади, морфологик мезон анъанавий мезонлар қаторида неча асрлардан буён тақдим этилса-да, уни на ягона мезон, на уч мезондан бири сифатида таснифга татбиқ этиш ҳамма жиҳатдан маъқул ечимни бермайди.

Энди учинчи – синтактик мезон ҳақида. Айнан синтактик мезон айрим тилшуносларнинг фикрича, сўз туркумларини ажратишда биринчи ўринни эгаллайди. Хусусан, А.И.Смирницкий: *«...синтактик жиҳат кўпроқ умумий бўлиб, сўзнинг грамматик таснифида биринчи ўринни эгаллайди. Бу шу билан боғлиқки, морфологик томондан ҳамма сўзлар ҳам бир-биридан аниқ ажралавермайди, синтактик жиҳатдан эса етарлича аниқ фарқланади. Масалан, морфологик ўзгармас сўзлар, мисол учун, ундов ва равишлар айнан синтактик планда турлича грамматик тавсифга эга бўлган алоҳида сўз гуруҳларига ажрайди»*[1] деб ҳисоблайди.

Бундай қараш ҳам анчагина кенг тарқалган бўлиб, сўз туркумлари ва гап бўлаклари борасидаги йирик тадқиқотлар муаллифи И.И.Мешчанинов томонидан анчагина асосли ёритиб берилган[2]. Унинг фикрича, биз сўзни фақат нутқ жараёнида кузатамиз. Демак, сўзнинг синтактик потенцияси унинг тавсифида алоҳида роль ўйнайди. *«Сўз туркумининг гап бўлакларига бундай боғлиқлигини феълда ҳам кузатиш мумкин. Мазмунига кўра ҳаракат ёки ҳолат жараёнини ифодаловчи сўзлар, уларнинг мунтазам кесим вазифасида қўлланиши туфайли замон, шахс, майл, нисбат ва бошқа предикатив кўрсаткичларга эга бўлиб қолади. Бу кўрсаткичлар айни сўз гуруҳига боғланиб қолади ва унинг тавсифий грамматик категорияларига айланади. Шундай қилиб, сўз туркуми – феъл ажралиб чиқади.*

Шу тарзда от ўзининг предметлик маъносидаги гап бўлаги (эга ёки тўлдирувчи) бўлиб келиши билан ажралиб чиқади, сифат сўзларнинг гапнинг атрибутив бўлаги (аниқловчи) бўлиб келиши орқали ҳосил бўлади, равиш эса ҳол бўлиб келади...»[3].

Гап бўлаклари ва сўз туркумлари орасида муайян боғлиқликлар, албатта, туркологлар ва ўзбек тилшуносларининг ҳам назаридан четда қолмаган.

Хусусан, Ҳ.Ғ.Неъматов морфологик-грамматик категорияларни таснифлар экан, баъзи бир морфологик категориялар муайян сўз туркумлари билан

---

[1] Смирницкий А.И. Указ. соч. – С. 103.

[2] Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи. – Л.: Наука, 1978. – С. 241-247. Он же. Проблемы развития языка. – Л.: Наука, 1975. – С. 249-255.

[3] Мещанинов И. И. Члены предложения. – С. 245-246.

уларнинг семантик-морфологик эмас, айнан синтактик хусусиятларига кўра боғланганлигини кўрсатади[1].

Замонавий рус тилшунослигида ҳам синтактик мезонга алоҳида эътибор билан қаралган ҳолатлар бор. Масалан, И.Г.Милославский: *«...ўзгармас сўзларга нисбатан морфологик мезон аҳамиятсиз бўлиб қолади. Бу ерда фақат семантик ва синтактик ёндашув мумкин»*[2] деб ҳисоблайди.

Синтактик мезоннинг моҳияти икки жиҳатни қамраб олади:

1) текширилаётган сўзнинг қандай лексемалар билан бирика олиши;
2) гап таркибида қандай вазифа ўташи.

Рус тилидаги ўзгармас сўзларга ушбу мезоннинг татбиқ этилиши бошқа мезонлар татбиқида четда қолиб кетган модал сўзлар ва компаратив (ёки қиёсий даража шакллари – старик, глубже...)ни ажратишга ёрдам беради[3].

Аммо синтактик мезонни доим ҳам шундай унумли қўллаш мумкин деган хулосага келиш қийин. Бизнингча, бунинг сабаби қуйидагича: авваламбор, бу тасниф нимага нисбатан қўлланмоқда, деган савол жавобсизлигича қоляпти: лексемагами, сўзшаклигами? Шу туфайли ҳам лексемага нисбатан қўлланяпти, деб бўлмайдики, лексемада синтактик жиҳат ёркин очилмаган, потенция ҳолатида бўлиб, унга синтактик позициядан туриб мантиқан жавоб бериб бўлмайди. Сўзшаклга нисбатан дейиш ҳам анча мунозарали. Чунки, *«Сўзшакл бутунлик, қурилма саналади. Уни қуйидагича ифодалаш мумкин: лексик морфема+грамматик морфема ($М_л$+$М_г$). Сўзшакл тил эгалари онгида тайёр блоклар ҳолида мавжуд бўлади. Шунинг учун бундай қурилмаларнинг муайян моделлари мавжуд. Сўзшакл қурилма экан, унинг қурилиш бирликлари морфемалар ҳисобланади. Демак, морфема сўзшакл таркибида алломорф ҳолида функциялашади»*[4]. Кўринадики, муайян сўзшаклнинг эгаллаган позицияси ва бажараётган функцияси лексемадан ҳам ($М_л$), кўрсаткичдан ($М_г$) ҳам келиб чиқаётган бўлиши мумкин.

Анъанавий мезонлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларни айрим-айрим ҳолда ҳам, биргаликда ҳам қўллаш етарлича натижа бермайди ва сўз туркумларининг онтологиясини очиб беришда етарли эмас.

Ҳ.Ғ.Неъматов шу каби жиҳатларни ҳисобга олиб қуйидагича хулосага келади: *«...сўз туркумларининг семантик, морфологик ва синтактик жиҳатлари бир-биридан келиб чиқмайди ва бирлик ҳосил қилмайди. Бу хусусиятлардан ҳар бири сўз туркумининг алоҳида олинишида текширув асоси бўлиши мумкин, яъни сўз туркумларининг уч қатор: семантик, синтактик, морфологик белгига кўра оппозицияларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Ана шу ҳолатдагина формал мантиқнинг тасниф асоси ягона бўлиши ҳақидаги риоя*

---

[1] Нигматов Х. Г. О классификации грамматических категорий в тюркских языках // СТ. – 1984, №4. – С. 3-9. Яна қаранг: Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. 2-жузъ. – Андижон, 1994. – Б. 34.

[2] Милославский И. Г. Указ. соч. – С. 39.

[3] Ўша ерда.

[4] Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 48.

қилиниши тил фактларига диалектик мантиқ методларини татбиқ қилишинг зарурий шарти бўлган асосий қоидаси бузилмайди»[1].

Ўзбек тилшунослигида ушбу қараш махсус тадқиқотларда ривожлантирилди ва бундай тадқиқотлар ҳозир ҳам давом этмоқда[2].

4-§. Оралиқ бўлаклар ва уларнинг тил тизимида тутган ўрни

Тасниф мезонларини татбиқ этиш ва уни бунда татбиқ этишда қўлга киритилган натижаларни ўрганиш бизнинг диққатимизни, юқорида айтиб ўтилганидек, бу мезонлар бирга, айрим-айрим ёки босқичма-босқич қўлланганда ҳам четлаб ўтиш мумкин бўлмаган ҳолатга тортди.

Шундай бўлаклар мавжудки, ҳар қандай тасниф асосига ҳам улар тўла-тўкис бўйсунмайди, шу билан бирга тасниф доирасидан ҳам бутунлай чиқиб кетмайди.

Бундай ҳолатлар тилшунослар эътиборини мунтазам тортиб келган. Масалан, М.Қурбонова шундай кўрсатиб ўтади: *«Лисоний бирликнинг бир неча парадигмада иштирок эта олиши диалектика ва тасаввуфда нарсанинг (истаган тадқиқ манбаининг) серқирралиги билан боғлиқдир. Маълумки, диалектикада нарсанинг (жумладан, лисоний бирликнинг) серқирралиги деганда шу нарсанинг ўзига ўхшаш ҳамда ноўхшаш, алоқадор ва алоқасиз, чексиз нарсалар билан ранг-баранг муносабатларга кириша олиши ва шулар асосида зиддиятли хусусиятларга, томонларга эга эканлиги тушунилади. Лисоний бирлик ранг-баранг қирраси билан ранг-баранг парадигмаларга кира олади. Чунончи, равиш ҳам, сифат ҳам белгини атаб, от ва феълларни аниқлаб кела олади. Демак, аташ ва синтактик вазифа нуқтаи назаридан равишлар ва сифатлар маълум бир семантик ва функционал парадигмадан бир хил ўрин олади ва бир узвнинг турли вариантлари мавқеида бўлади. Лекин морфологик белгиларига кўра сифатлар морфологик ўзгариш (сўзшаклларига эга бўлиш) қобилиятига эга, равишлар эса ўзгармас сўзлардир»*[3].

Бундай ҳолатлар тилнинг турли сатҳларида кузатилади. Ана шундай ҳодисалар тилшунослар томонидан маълум даражада кузатилган. Масалан, кейинги йилларда М.Қурбонова, Р.Бобокалонов синтаксис, Д.Набиева фонетика, Ш.Шаҳобиддинова морфология сатҳларида ана шу хил ҳодисаларни кузатиб ўз тадқиқотларида тавсифлаб бердилар.

Хусусан, [а] нутқда қаттиқ ҳам, юмшоқ ҳам бўлиши мумкин. Аммо бу икки қутбни боғловчи мўътадил ҳолат ҳам кузатилади. Кенг [о] ва тор [у] икки қутб бўлса, ўрта кенг [ў] бу икки қутбни боғлайди.

Ҳозирги ва келаси замон қутбларини ҳозирги-келаси замон боғлаб туради.

Морфологияда ана шу хил ҳодисаларни ўрганган Ш.Шаҳобиддинова шундай ёзади: *«Деярли ҳар бир категория таркибида икки қутбни ташкил*

---

[1] Нигматов Х. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII в.в. – Тошкент: Фан, 1989. – С. 26.

[2] Мадраҳимов И. Ўзбек тилида сўзларнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари: – Филол. фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 1994. – 141 б.

[3] Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2001. – Б. 13.

этувчи зиддиятли томонлар билан бир қаторда уларни бирлаштирувчи, боғловчи учинчи томон ҳам мавжуд бўлиши кўринади. Бу учинчи томон турлича шаклланиши мумкин. Масалан, сон маъносининг юзага чиқишига эътибор берсак. Маълумки, сон миқдор маъносини махсус ифодаловчи морфологик категория – сон категорияси мавжуд. Шу билан бирга сон маъноси бошқа категориялар, жумладан, эгалик категорияси мазмунида ҳам мавжуд. Ўзбек тилида бирлик ва кўплик сон ажратилади. [-лар] кўпликни ифодалайди, бу аниқ, бироқ [0] шароитга қараб бирлик ва кўпликни ҳам ифодалайверади. Эгалик шаклларидан -(и)м, -(и)нг бирликка, -(и)миз, -(и)нгиз кўпликка ишора қилса, -(с)и бирликка ҳам, кўпликка ҳам ишора қилаверади. Демак, -(с)и (сон маъносига кўра) бирлик -(и)м, -(и)нг ва кўплик -(и)миз, -(и)нгиз қутбини боғловчи оралиқ ҳолат – оралиқ учинчи бўлиб, бу оралиқ учинчи алоҳида шаклга (-(с)и) эга. Сон категорияси шакллари муносабати эса ғоят қизиқарли бўлиб, [0] бир вақтнинг ўзида ҳам қутбий, ҳам оралиқ шаклдир. Демак, бу ўринларда қарама-қаршиликлар кураши ва бирлиги қонунининг энг яққол тажаллисини кўриш мумкин. Умуман олганда, бир хил хусусиятга эга шакллар деярли барча категориялар таркибида учрайди»[1].

Бу хил ҳодисалар учрашининг мантиқий сабаблари бор.

Диалектик мантиқ умумийлик ва хусусийликларни изчил фарқлайди. Хусусийликлардан фарқли ўлароқ, умумийликлар мунтазам ўзгариш ва тараққиётда бўлади. Диалектиканинг фанга татбиқи фан объектлари орасидаги узлуксизлик, боғлиқлик ва изчилликни очиб беради. Диалектик мантиқ диалектиканинг асосий қонунлари негизига қурилади. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, инкорни инкор қонунлари билан иш тутади. Кейинги уч қонун диалектик мантиқнинг хусусий қонуни оралиқ учинчи қонунида тажассум топади.

Илмий диалектика ривожига алоҳида ҳисса қўшган Гегель бу қонунга эътибор билан қараб, ҳақиқатан а=б, а#б зиддиятига бефарқ бўлган учинчи, яъни а нинг ўзи мавжудлигини таъкидлайди: *«Бу А+А ҳам, -А ҳам эмас, аммо +А га ҳам, -А га ҳам тенгдир»*[2].

Сўз туркумлари воситасида инсон маълумотларни қабул қилади, қайта ишлайди, хотирасида сақлайди, узатади, шу туфайли айрим муаллифлар «сўз туркуми» эмас, «тил туркумлари» атамасини маъқул топганлар. Сўз туркумларининг асосий вазифаси фикр вербализацияси (сўзли ифодаси) бўлгач, фикрлашнинг асоси бўлган мантиқий жараёнлар албатта, сўз туркумлари таснифи ва таркибида ўз аксини топади. Шундай экан, ҳар бир алоҳида олинган сўз туркумининг ҳам, умуман сўз туркумлари тизимининг ҳам қурилиш тамойиллари (структураси) мантиқий жараёнлар структураси билан мос келмай иложи йўқ.

Зиддиятга йўл қўймаслик антик даврлардан бошлаб мантиқнинг асосий шарти ҳисобланган[3]. Аммо нафақат фалсафий, сиёсий, маиший қарашларда,

---

[1] Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: – Филол. фанлари д-ри. дисс.... автореф. – Тошкент, 2001. – Б. 41.

[2] Гегель. Наука логики. В 3-[x] т. Т.2. – М., 1971. – С. 64.

[3] Гетманова А. Д. Логика. М.: Высшая школа, 1986. – С. 10-11; Формальная логика. – Л.: ЛГУ, 1977. – С. 81-84

балки илмий фикрлашда ҳам «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам деса бўладиган ҳолатлар учрайдики, формал мантиқ буларни хато ҳукмлар, деб ҳисоблаган бўларди. Аммо диалектика эмас. Ҳар қандай фан ўз тараққиётининг маълум бир босқичида ана шундай қарама-қаршиликларга дуч келади ва айнан уни ҳал қилиш ҳақиқий назарий билимларга олиб келади. Барча аниқ фанлар ана шу босқични босиб ўтган ва шу туфайли ҳам XIX аср охири XX аср бошларида физика, биология, химия каби фанлар кескин ривожланишни бошлаган. Бу ҳақида машҳур олим М.Планк шундай ёзган: *«Ҳақиқий назариётчи учун умумқабул қилинган назарияга тўғридан тўғри қарама-қарши турувчи ана шу хил фактлардан қизиқроқ нарса бўлиши мумкин эмас: чунки айнан шу ерда унинг фаолияти бошланади»*[1].

Бундай зиддиятларнинг пайдо бўлиши мавжуд тадқиқот методикасининг фаннинг кейинги тараққиёти учун хизмат қилолмай қолганидан дарак беради. Бизнинг бевосита ўрганиш объектимиз бўлган сўз туркумлари ва, айниқса, юкламалар ўзида бундай зиддиятлардан бир қанчасини қамраб олган. Масалан, қуйидагилар:

лексема↔ сўзшакл
лексема↔ морфема
мустақил сўз↔ ёрдамчи сўз
ёрдамчи сўз↔ қўшимча
грамматик категория↔ лексик-грамматик категория
сўз ясалиши↔ шакл ясалиши

Ана шу зиддиятларни ҳал этмай туриб, сўз туркумларининг ҳеч бирига таъриф бериб бўлмайди. Аммо кўрсатиб ўтилган зиддият аъзоларини таърифлаш шунинг учун ҳам мушкулки, уларнинг орасида доимо тавсифлаш қийин бўлган беқарор ва ўтувчан бирликлар учраб туради. Айнан ана шу хил бирликлар назариётчи тилшунос учун аҳамият касб этади[2].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз муайян тил бирлигига, жумладан, маълум бир сўз туркумига баҳо беришда унинг системасида (сўз туркумлари тизимида) тутган ўрнига алоҳида мезон сифатида ёндашиш лозим, деган хулосага келдик. Бу мезонни **қиёсий мезон** деб аташ мумкин. Чунки бирор предметга баҳо бериш учун уни бошқалар билан қиёслаш лозимлиги аниқ. Шунингдек, Шарқ фалсафаси ва адабиётида қиёс атамаси диалектикага нисбатан ҳам қўлланган[3].

5-§. Лексема ва сўзшакл

Тилшунослик тарихида фан объектига тил ва нутқ қарама-қаршилигида қараш бошлангач, тил бирликлари ва нутқ бирликлари қандай, улар орасида қанақа мутаносиблик амал қилади, деган савол қўйилди. Бу саволга турли

---

[1] Планк М. Единство физической картины мира. – М., 1966. – С. 73.

[2] Щерба Л. Б. Некоторые выводы из моих диалектологических лужицких наблюдений // Избранные работы по языкознанию и фонетике.– М., 1958. – Т.II. – С. 35-36.

[3] Масалан: Ба огоҳие марди яздонишнос, Ба тарсоии аҳли соҳиб қиёс. Н. Ганжавий. Куллиёт. T.V. Иқболнома – Душанбе, 1984. – Б. 225. Таржимаси: Оллоҳни таниганларнинг огоҳлиги ва диалектиклар (соҳиб қиёслар)нинг эҳтиёткорлиги ҳаққи.

структуралистик мактаблар турлича жавоб берадилар. Лексема ажратилиши борасида дескриптив тилшуносларининг қарашлари кенг тарқалган.

Америка структурализми ўз материали (асосан, полисинтетик тиллар)дан келиб чиқиб сўзни тил бирлиги сифатида рад этади (аслида, полисинтетик тиллар учун ҳам бу тўғри бўлавермайди). Улар, кўпинча, Ф. де Соссюрнинг: *«...тилнинг конкрет бирликларини сўздан қидирмаслик керак»* деган фикрига суяниб иш кўрадилар.

Аммо Н.А.Слюсарева Ф. де Соссюр сўзни рад қилмаганлигини, фақат сўз таркиби бошқа тил бирликларини, яъни соддароқ – аниқроқ бирликларни ҳам қамраб олганини назарда тутганини кўрсатиб ўтади. У бу хулосага Ф. де Сосюр қўлёзмаларини ўрганиш натижасида келган[1].

Шунга қарамай сўзни тил бирлиги сифатида тан олмаслик тилшуносликда кенг тарқалди, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам. Хусусан, *«Тил бирлиги, тилнинг қурилиши (структур) бирлиги деганда, асосан, учта муҳим бирлик тушунилади. Булар:*

1) *фонема;*
2) *морфема;*
3) *қолип (конструкция, қурилма, модель)»*[2].

Биз учун қизиқарли бўлган лексемага эса муаллифлар морфеманинг бир тури сифатида қарайдилар. Муаллифлар морфемага қуйидагича таъриф берадилар: *«Морфема – тилнинг энг кичик, маъноли бирлиги бўлиб, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди. У маълум бир маъно ва вазифанинг маълум моддий кўриниши, шакли билан узвий боғланади... (сувчи) сўзи таркибидаги [сув] ва [-чи] мана шундай бирикмаларга – морфемаларга мисол бўла олади»*[3].

Лексема эса қуйидагича таърифланади: *«Жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган, воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури лексемадир.*

Бу таъриф, биринчидан, морфема таърифига зид эмас, аксинча, у морфема таърифини тўлдиради, морфемаларни лексемаларга ва қўшимчаларга ажратади. Иккинчидан, айни таъриф грамматик морфемалар билан лексемалар орасида катта тўсиқ йўқлиги туфайли асосий фарқ лексемаларнинг нутқда грамматик морфемаларни (қўшимчаларни) ўзига эргаштира олишидан иборатлигини таъкидлайди»[4].

Кўринадики, лексема морфема тури сифатида кўрсатилади. *«Морфеманинг асосий белгиларидан бири эса, бошқа маъноли қисмларга бўлинмаслик»* эди. Бироқ жуда кўп лексемалар маъноли қисмларга бўлинади. Шунинг учун ҳам муаллифлар: *«Айни вақтда шуни эсдан чиқармаслик керакки, лексема бўлинмас, тайёр бутунлик экан, унинг тузилиш турлари билан танишишни*

---

[1] Слюсарева Н. А. Теория Ф. де Соссюра в свете современной лингвистики. М., 1975. – С. 37-39.
[2] Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 12.
[3] Неъматов Ҳ., Расулов Р. Кўрс. асар. – Б. 12.
[4] Ўша ерда. – Б. 37.

лексемаларнинг систем таҳлилига эмас, балки тарихий таҳлилига таянади»[1] деб кўрсатадилар. Келтирилган турларнинг ҳаммасида ҳам тарихийлик тамойили аниқ амал қилади, деб бўлмайди. Ана шу хил турлар «сўз» сифатида талқин этилиб, *«Сўзларнинг барчаси лексемалар ёки махсус сўз ясаш қолиплари асосида нутқда ҳосил қилинади»*[2] деб кўрсатилади.

Айрим адабиётларда сўз нутқ бирлиги сифатида талқин этилади. Бу асарларда талқин этилишича, сўз нутқ бирлиги сифатида тил бирлигининг – конструкциянинг ҳосиласидир.

Ўзбек тилшунослигида бундан фарқли қарашлар ҳам мавжуд. Хусусан, А.Нурмонов шундай ёзади: *«Тил структурасида кичик бирлик катта бирлик учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Кичик бирликларнинг ҳаёти ўзидан катта бирликнинг ичида кўринади: фонема ўз ҳаётини морфема ичида, морфема ўз ҳаётини сўз ичида, сўз эса гап ичида топади. Катта бутунлик ўзидан кичик бирликдан ва бирликлардан ҳосил бўлади: морфема бир фонемадан ҳам (масалан, у-ни), фонемалар занжиридан ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Шунингдек, сўз бир морфемадан (масалан, ёрдамчи сўзлар) ва морфемалар занжиридан, гап бир сўздан (Баҳор. Ёнғин. каби) ва сўзлар занжиридан ташкил топиши мумкин. Бу маънода (агар бир бутун элементларнинг кетма-кет жойлашуви ҳисобга олинса) фонемадан бошқа барча бирликларни конструкция деб ҳисоблашга асос бор. Лекин конструкция эканлиги уларнинг ҳар қайсисини алоҳида-алоҳида тил бирликлари деб ҳисобламасликка ҳуқуқ бермайди»*[3].

Тил системасининг ана шундай иерархик – даражали муносабатларини назардан қочирмасак, қонуний изчилликни кузатишимиз мумкин: *«фонема энг кичик фарқловчи бирлик, морфема энг кичик конструктив бирлик, лексема – энг кичик луғавий бирлик, сўзшакл – энг кичик функционал бирлик, гап ёки гап модели – энг кичик коммуникатив бирлик»*[4].

Морфема энг кичик конструктив бирлик сифатида лексема қурилиши учун ҳам, сўзшакл қурилиши учун ҳам асос бўла олади. Шунингдек, лексема ҳам ўз навбатида сўзшакл қурилишида қатнашиши мумкин. Уларнинг ўзаро муносабатларини чизмада қуйидагича акс эттирса бўлади:



Кейинги пайтларда анчагина кенг қўлланаётган сўзшакли (слово-форма) атамаси бир оз ғализ ва сўз шакл атамаси билан паронимик муносабатларда турса-да, ўзбек тилшунослигида уларни аниқ дефинициялаб ишлатиш анъанаси шаклланмоқда: *«Сўз шакли – абстракт сўзнинг кузатиш босқичида муайян шаклда намоён бўлиши, сўзшакл эса бир типдаги сўз шаклларининг абстракт*

---

[1] Неъматов Ҳ., Расулов Р. Кўрс. асар. – Б. 48.
[2] Ўша ерда. – Б. 50.
[3] Нурмонов А. Сўз ҳақида сўз // ЎТА. 1991 – №5. – Б. 69.
[4] Нурмонов А. Кўрс. асар. – Б. 71.

босқичдаги умумлашган намунаси. Масалан, ишчи сўзи кузатиш босқичида муайян грамматик парадигманинг аъзоси сифатида уч морфема вариантининг маълум сўз ясаш ва сўз ўзгартириш модели асосида бирикувидан ташкил топган сифат жиҳатдан янги бутунлик. Касб отини ҳосил қилишда ***-чи****дан ташқари, -кор, -паз, -соз сингари морфема вариантлари ҳам иштирок этади. Шунингдек, бу бирлик муайян сўз шаклига эга. Буларнинг абстракт босқичдаги умумлашган намунаси* $М^{ўз} – М^{яс} – М^{ўз}_{бк}$ *(*$М^{ўз}$ *– ўзак морфема,* $М^{яс}$ *– касб оти ясовчи морфема,* $М^{ўз}_{бк}$ *– ўзгартирувчи, бош келишик морфемаси).*

Ҳар қандай морфологик сўз кузатиш босқичида муайян грамматик шаклда намоён бўлар экан, демак, фақат ясама сўзларгина эмас, туб сўзлар ҳам маълум грамматик парадигма аъзоси сифатида морфема вариантлари бирлигидан иборат бўлади»[1].

Умуман, ҳар қандай тил бирлиги бир сатҳдан кейинги – янада мураккаброқ тузилишдаги сатҳга кўтарилар экан, фақат шаклан эмас (бу ҳолатни кузатиш ва тушуниш осонроқ), балки мазмунан ҳам муайян ўзгаришларга учрайди (бу ҳолатни тушуниш, аниқроғи, тушунтириш бир оз қийинроқ). Хусусан, муайян лексема сўзшаклга айланар экан, унинг шаклида юзага келаётган ўзгаришлар, хусусан, ўзгартирувчилар [0] – ноль бўлганда ҳам, аниқ ва шу туфайли анча тушунарли бўлади. Лекин, бизнингча, сўзшакл атамасини бу қадар примитив тушунмаслик керак.

Лексема сўзшаклга айланар экан, унда, албатта, муайян шаклий ўзгаришлар кузатилиши шарт эмас. Муҳими, кейинги – юқорироқ сатҳ бирлиги сифатида ана шундай ўзгаришларга тайёр бўлишдир. Масалан, лексема сифатида [бош]ни кўрсатсак, сўзшакл сифатида [бош-]ни кўрсатиш мумкин.

Ҳар бир тилшунос буни, албатта, ҳис қилади. Шунинг учун ҳам назарий асосланганлигига қарамай айнан «сўз» атамаси «сўзшакл» атамасига нисбатан кенгроқ қўлланилади. Ҳатто тил бирликлари тизимида сўзнинг ўрнига шубҳа билан қараган Америка дескриптивистлари ҳам бу атамадан (word) тўлиғича воз кечмадилар[2].

Ю.С.Степанов тилнинг абстракт босқичлари бирликларининг ўзаро бундай муносабатда кўрсатилиши (юқори бирлик, албатта, қуйи бирликдан конструктив тузилади) нутқий ва лисоний ҳодисаларни ноўрин тенглаштиришдан келиб чиққан деб ҳисоблайди[3]. Чунки, нутқда, дарҳақиқат, юқори бирлик қуйи бирликлар йиғиндисидан тузилади (гапда бир оз мунозарали бўлса-да, афтидан, предикативлик кўрсаткичларининг алоҳида сатҳ бирлиги сифатида – бу ҳар қандай гап модели, хусусан, энг кичиги (W p m) да ҳам акс этади – тан олиниши бу мунозарани ҳам бартараф қилади). Лекин тилда доим ҳам шундай бўлавермайди. Ҳақиқатан, қуйи бирликлар юқори бирликлар учун материал бўлади. Аммо бу материал юқори босқичга кўтарилар экан ўз хусусиятларини ўзгартиради ва айнан ана шу хил хусусият ўзгаришлари,

---

[1] Нурмонов А. Кўрс. асар. – Б. 70.

[2] Масалан, қаранг: Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – М., 1959. – 208 с. Арутюнова Н. Д., Климов Г. А., Кудрякова Е. С. Американский структурализм // Основние направления структурализма. – М., 1964. – 312 с.

[3] Степанов Ю. С. Основы общего языкознания. – М.: Просвещение, 1975. – С. 218-220.

шаклий муносабатлар эмас, кўпроқ аҳамият касб қилади. Агар шаклий муносабатлар яъни «ниманинг нимадан тузилганлиги» асос қилиб олинса, морфеманинг фонетик вариантлари ҳам мустақил морфема мавқеига даъвогар бўлиб қолади. Бундай эмаслиги эса ҳаммага маълум.

Ана шуларни ҳисобга олиб, биз ўз тадқиқотимизда «сўз» атамасини қўллашни лозим топамиз.

Тил системасида шундай лексемалар мавжудки, уларнинг грамматик потенцияси аниқ бўлади. Уларни семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар атамаси билан номлаб тадқиқ этган тадқиқотчи Р.Р.Бобокалонов уларни қуйидагича таърифлайди: *«[ИО] қурилишли гапларнинг воқеланиши, рўёбга чиқиши аниқ шакл, мазмун ва вазифа кашф этиши ғайриоддий ҳодисадир. Буларнинг сабаблари қуйидагиларда намоён бўлади:*

1. Маъно имкониятлари чегараланган.

2. Ўзида грамматик шаклларни талаб этмайди.

3. Бошқа сўзлар билан бирикиш қобилиятларидан маҳрум.

4. Гапда бажара оладиган вазифаси чекланган.

Шунинг учун ҳам бу лексемалар бошқа лексемаларга нисбатан фарқли ва ғайриоддий, бироқ улар ҳам маъно ва вазифа жиҳатидан алоҳида барқарор тил бирлиги ҳисобланади. Бундай бирликларнинг мазмуний тизимида ҳар доим алоҳида бир семемаси ажралиб туради ва унда кесимлик маънолари мужассамланган бўлади. Бошқа лексемаларда эса кесимлик маънолари [$Р_м$] воситасида киритилади. Шу боис тилнинг лексик ва грамматик сатҳлари бирликлари орасида уларнинг ўрни ўзига хосдир. Бу хослик шундаки, тилимиздаги лексемаларнинг жуда кўпчилиги хосланган синтактик функцияга эга эмас. Чунончи, от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл, тақлидлар каби сўз туркумларининг синтактик қобилияти гапнинг истаган бир бўлаги вазифасида кела олиши билан белгиланса, боғловчи, кўмакчи, қисман юкламаларнинг синтактик моҳияти синтактик алоқани ифодалашда кўринса, сўз-гаплар шундай лексемалар гуруҳини ташкил этадики, улар гап (ёки унинг маркази) вазифасида келишга хосланган. Шунинг учун ўзбек тилида сўз туркумларини мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар ва сўз-гаплар сифатида уч катта гуруҳга ажратиш маъқул»[1].

Тадқиқотимизнинг аввалги қисмларида ҳам айтиб ўтилганидек, сўзларни туркумларга ажратишда сўз-гапларнинг ўрни борасида Р.Бобокалоновнинг фикрларини тўлиқ асосланган деб бўлмаса-да, у бу бирликларнинг умуман тил системасида тутган ўрни ўзига хослигини тўғри илғаб етган.

Бизнингча, бу ўзига хослик унинг табиатидан келиб чиқади. Сўз ва лексемага қиёслаш мезони татбиқ этилса, сўз-гапларнинг бу қиёсда оралиқ ҳолат эгаллаши кўриниб қолади. Улар шуниси билан сўзга яқин келадики, уларда грамматик потенция аниқ. Шу қадар аниқки, бемалол потенция эмас, функция атамасини ишлатиш мумкин. Лекин улар лексемадир. Сабабки,

---

[1] Бобокалонов Р. Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар. – Филология фанлари номзоди... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 8.

грамматик функция уларнинг шаклланувидан эмас, семантик таркибидан келиб чиқади.

Хулоса қилиш мумкинки, сўз-гаплар **лексема↔сўз** қарама-қаршилигидаги оралиқ учинчилардир.

6-§. Мустақил ва ёрдамчи сўзлар

Ишимизнинг тегишли қисмларида кўриб ўтилганидек, сўзларни туркумларга таснифлаш мустақил ва ёрдамчи сўзларга ажратиш антик даврлардан бошланган. Ана шу даврлардан бошлаб ҳозиргача мустақил ва ёрдамчи сўзлар ўзаро умумий категориал маънонинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб фарқланиши анъана тусига кирган[1]. Масалан, отларнинг умумий категориал маъноси предметлик, феълнинг умумий категориал маъноси ҳаракат-ҳолат ифодалашдир. Ёрдамчи сўзларда, дарҳақиқат, умумий категориал маъно йўқ. Яъни муайян гуруҳга кирувчи ёрдамчи сўзларнинг ҳаммаси ҳам умумий грамматик маъно ифодалайди, деб бўлмайди. Аммо уларда ҳам муайян умумграмматик белги мавжудлиги шак-шубҳасиз.

Юқоридаги мулоҳазалар айрим тилшуносларни ёрдамчи сўзларнинг сўз туркумилик мавқеига шубҳа билан қарашга олиб келди.

Ёрдамчи сўзларнинг сўзлик мавқеини рад этишда тилшунослар турли жиҳатлардан ёндашадилар. Хусусан, А.К.Васильева мантиқий жиҳатга эътибор қилади. Унинг фикрича, сўз фикрнинг вербал ифодаси бўлиб, тушунча ифодалай олмайдиган сўз сўз туркумлари сирасига кирмайди[2]. Бу фикр бир жиҳатдан тўғри. Чунки ёрдамчи сўзлар тушунча ифодаламайди. Аммо фикрни вербаллаштиришда уларнинг ўрни мустақил сўзларникидан кам эмас. Масалан,

Ғишт туширишга Тоҳир <u>ва</u> Толиб боради. //
Ғишт туширишга Тоҳир <u>ёки</u> Толиб боради.

Бир-биридан фарқ қилувчи икки фикрнинг юзага келишига айнан ёрдамчи сўзлар восита бўлаётгани кўриниб турибди.

Айрим тадқиқотчилар ёрдамчи сўзларнинг мавқеини белгилашда тил системаси табиатидан келиб чиқиб баҳо беришга ҳаракат қилади: *«Юклама морфемалар урғусиз бўлиб, лексик морфемага энклиза ҳолида қўшилади. Урғу лексик морфеманинг охирги бўғинида қолиб, юклама морфемага ўтмайди. Боғловчилар эса бир сўз шаклини иккинчи сўз шакли билан муносабатини билдириш билан бирга, гаплар ўртасидаги муносабатни ҳам билдиради ва ўзаро боғланиб келаётган лисоний бирликлар билан фонетик яхлитликни ташкил этмайди. Лекин юклама ва боғловчилар сўз шакл синфига (морфологик сўзга) кирмайди. Чунки юклама ва боғловчилар қурилмалик хусусиятига, таркиби морфемаларга бўлиниш хусусиятига эга эмас»*[3].

Кўринадики, бу талқинда асосан қўшимча морфемалар ва ёрдамчи сўзлар муносабатига эътибор берилган. Аммо кўриниб турибдики, юкламалар ва

---

[1] Элтазаров Ж. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар. – Самарқанд, 1996 – Б. 15-20.

[2] Васильева А. К. О природе частей речи как системы классов полнозначных слов // Филологические науки. – 1973. – №6. – С. 74. Яна қаранг: Суник О. П. Общая теория частей речи. – Л., 1966. – С. 21.

[3] Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 49.

боғловчилар сўз доирасига киритилмайди. Кўмакчилар эса сўз (сўзшакл) таркибида, унинг таркибий қисми ҳисобланади. Ёрдамчи сўзларни бу тадқиқотчилар ҳам сўз туркуми доирасида санамайдилар.

Бизнингча, мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг ўзаро муносабатини, бир-бирига нисбатан тутган ўрнини баҳолашдаги бундай иккиланишларнинг асосий сабаби иккита. Аслида моҳиятан бир хил бўлган бу икки сабаб қуйидагилардир:

1. Сўзга аниқ таърифнинг йўқлиги.
2. Сўз туркумига аниқ таърифнинг йўқлиги.

Тилшунослик тарихида сўзга берилган етмишдан ортиқ таърифлар маълум. Ҳар бир тадқиқотчи сўзга ўзига яқин бўлган мезондан келиб чиқиб баҳо беради. Ҳар бир берилган таъриф қайсидир жиҳатдан ўзини оқласа-да, тўлиғича маъқул таъриф ҳамон мавжуд эмас.

Сўзга таъриф бериш иккита жиҳатни қамраб олади:

1. **Делимитация** (сўзнинг чегарасини аниқлаш).
2. **Идентификация** (турли қўлланишларда (шаклларда) сўзни аниқлаш).

Ҳар иккала муаммо ҳам тилшунослик тарихида жуда кўп ишланди, аммо охирига етмади. Агар ёрдамчи сўзлар ва мустақил сўзларни бир-биридан ажратиш, тўғрироғи, уларнинг «тенг эмаслиги»ни исботлаш осон бўлганда эди, бу натижа аллақачон қўлга киритилган бўларди. Тилшуносликда сўз туркумлари сирасига киритилган ва чиқарилган бирликлар беҳисоб бўлган. Аммо ёрдамчи сўзлар ҳар қанча танқидга қарамай мустақил сўзлар билан бир қаторда тилга олиниб келади. Ҳар қанча ғалати бўлмасин, мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг бундай келиша олмаслиги атама билан анча боғлиқ.

Рус тилшунослигидаги қабул қилинган атама ўзбек тилшунослигидан кўра анча қулай. В.В.Виноградов бу атамаларнинг келиб чиқишига ва масала моҳиятини аниқлашга таъсири борлигига эътибор берган. Маълумки, рус тилшунослигида «части речи» (нутқ бўлаклари)га қарама-қарши турувчи «частицы речи» (нутқ бўлакчалари) ажратилади. *«Частица атамаси (лот. particula), грамматик терминологиянинг катта қисми каби, рус грамматикасига антик грамматикадан, унга эса ўз навбатида шарқ грамматикаларидан (қиёсл. арабча – harf – бўлакча) кириб келган»*[1]. «Нутқ бўлаги ва бўлакчалари» атамаси шунинг учун ҳам қулайки, бўлак ёки бўлакча бўлишидан қатъи назар улар бир бутуннинг қисми эканлиги сезилиб туради.[2] Аммо сўз туркуми атамасида бу қулайлик йўқ, аксинча, атама анча ноқулайлик келтириб чиқариб мустақил ва ёрдамчи сўзларни дарҳол иккига айириб юборади: *«Адабиётларда сўзга ажратишнинг асосий тамойиллари сифатида тушунча ифодалаш, шаклий яхлитлик, фонетик бир бутунлик белгилари кўрсатилади. Агар бу белгиларга жиддий эътибор берадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси мустақил сўзларни ажратишга ёрдам беради, ёрдамчи сўзлар эса бундай хусусиятга эга эмас. Шундай экан, ёрдамчи сўзларни, масалан, -ми, -чи, -у(-ю), -да сингариларни «сўз» атамаси остида бирлаштириш мумкинми?*

[1] Виноградов В. В. Русский язык. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 544.

[2] Ҳолбуки, рус тилшунослигида бу атаманинг ҳам ноқулайлиги қайд этиб келинади.

Табиийки, йўқ. Чунки улар «сўз» (морфологик сўз) тамойилларининг биронтасига ҳам жавоб бермайди»[1].

Аммо шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, мустақил ва ёрдамчи сўзларни фарқловчи белгиларгина эмас, бирлаштирувчи жиҳатлар ҳам мавжуд. Аввало, юқорида ҳам мурожаат этиб ўтганимиз – мантиқий жиҳатга эътибор берсак. Фалсафий нуқтаи назардан нарса қанча муҳим бўлса, унинг алоқалари ҳам шунча муҳимдир. *«Ўзаро муносабатлардан ташқарида нарса ҳеч нимадир»*[2]. Муносабатларни ифодалашга айнан ёрдамчи сўзлар ихтисослашган. Шунинг учун ҳам улар нутқда жуда кенг қўлланилади. Бу борада статистик кузатишлар олиб борган француз стенографи Эсту қўлланиш даражаси 40% бўлган ҳолатгача қайд этган[3].

Мустақил ва ёрдамчи сўзлар орасидаги боғлиқликни тил фактлари ҳам тасдиқлаб туради. Хусусан, тадқиқотчи И.Мадраҳимов «маъновий номустақиллик» [1М] белгиси асосида лексемаларни текшириб шундай хулосага келади: *«...барқарор [1М] белгисига эга бўлган соф ёрдамчи сўзларни лексемалар таркибидан чиқариб ташлаш айирмада [1М] нинг зидди бўлган «маъновий мустақиллик» [1М] белгисининг барқарорлигини таъминламайди, чунки [1М]га нисбатан бефарқ бўлган сўзлар гуруҳи ичида шундай бирликлар борки, улар ҳам [1М], ҳам [-1М] хусусиятларига эга (от кўмакчилар, ёрдамчи ва кўмакчи феъллар) ёки улар ичида шундай элементлар борки (атоқли отлар, мавҳум отлар ва ҳ.к.), уларда [1М] бошқа кўринишларда юзага чиқади. Мана шунинг учун лексемаларнинг маъновий таснифида илк босқич [1М] ва [-1М] асосидаги тенг қийматли зиддият моҳиятига эмас, [1М] белгиси асосидаги нотўлиқ зиддият табиатига эга»*[4].

Ана шундан келиб чиқиб, мустақил ва ёрдамчи сўзларни фарқлайди. Кўринадики, мустақил ва ёрдамчи сўзлар муайян ўзаро алоқада туради. Аммо бу боғлиқлик тенглик дегани эмас, албатта. Уларнинг ўзаро муносабатлари типини аниқ кўрсатиш учун морфологик тизимнинг яна бошқа аъзолари – қўшимчаларга тўхталиб ўтиш лозим.

Ёрдамчи сўзларни «сўз» доирасидан чиқарувчилар ишонарли далилларини келтиришлари шубҳасиз. Аммо альтернатив қарашлар ҳам бор. Хусусан, Ш.Шаҳобиддинова *-жон, -хон, -ой, -чак, -лоқ, -чоқ* каби қўшимчалар ҳақида сўз юритиб шундай дейди: *«Хўш, уларнинг сўз эмаслиги шубҳа туғдирадими? Бир қарашда бу саволга жавоб бериш осондек туюлади. Сабаби, юқорида айтиб ўтилганидек уларнинг шаклан ва мазмунан сўзга яқин келмаслиги аниқ. Бироқ уларнинг қўшимчалар эмаслигини кўрсатувчи омиллар ҳам йўқ эмас. Бу омиллардан асосийси сифатида доимо сўз охирига кўчувчи сўз урғусининг бу бирликларга кўчмаслигини кўрсатиш мумкин. Аммо бу омилни кучсизлантирувчи кейинги жиҳат мавжуд бўлиб, уларнинг «ўз» урғуси ҳам йўқ.*

---

[1] Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент, 2001. – Б.47.
[2] Гегель. Наука логики. Т.II. – М.: Мысль, 1971. – С. 124.
[3] Бу ҳақида қаранг: Виноградов В. В. Указ. соч. – С. 544.
[4] Мадраҳимов И. Лексемалар таснифидаги илк босқич // ЎТА. – 2003. – №3. – Б. 31.

Демак, улар қўшимчалардан урғу олмаслиги, сўзлардан эса урғуси йўқлиги билан фарқланади»[1].

Аслида мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг ўзаро муносабатига доир бўлган муаммо «қўшимча юкламалар» деб аталган бирликларга алоқадор бўлганда янада кескинлашади. Уларнинг, кўриб ўтганимиздек, сўзга ўхшамаслиги қанча аниқ бўлса, қўшимчага ҳам ўхшамаслиги шунчалик аниқ. Сўзга ўхшамаслиги борасида билдирилган фикрлар анчагина. Хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам: *«Юклама морфемалар урғусиз бўлиб, лексик морфемага энклиза ҳолида қўшилади. Урғу лексик морфеманинг охирги бўғинида қолиб, юклама морфемага ўтмайди. Боғловчилар эса бир сўз шаклини иккинчи сўз шакли билан муносабатини билдириш билан бирга гаплар ўртасидаги муносабатни ҳам билдиради ва ўзаро боғланиб келаётган лисоний бирликлар билан фонетик яхлитликни ташкил этмайди. Бу эса ёрдамчи морфемаларнинг юклама ва боғловчи турлари билан аффикс морфемалар зидланишининг икки чегара қутбига эга эканлигини, кўмакчилар эса бу икки қутбнинг оралиғида эканлигини кўрсатади. Лекин юклама ва боғловчилар сўз шакл синфига (морфологик сўзга) кирмайди. Чунки юклама ва боғловчилар қурилмалик хусусиятига, таркиби морфемаларга бўлиниш хусусиятига эга эмас»*[2].

Кўринадики, бу ўринда юкламалар ва боғловчиларнинг қўшимчалар билан зидланишда «оппозиция»да туриши аниқ кўрсатилган. Аммо оппозицияга қўйилишининг ўзиёқ уларнинг орасида қандайдир умумийлик борлигига ишора қилади. Маълумки, ҳар қандай зиддият умумийликни тақозо этади[3]. Аммо уларнинг «сўз»га муносабати масаласи охиригача кўрсатиб берилмайди.

Қўшимчалар ва юкламалар орасидаги муносабат деярли барча тиллар тадқиқотчилари учун қизиқарли материал бўлиб келган. Хусусан, Н.Д.Арутюнова шундай қоида орқали уларнинг фарқларини аниқлаб беришга ҳаракат қилади: *«...қандайдир V сўзни шакллантирувчи п «ёрдамчи элементи», агар V дан келиб чиқувчи қандайдир ZV бирикмаси мавжуд бўлса ва унда Z албатта ўша п ёки п га боғлиқ бошқа ёрдамчи элемент билан шакллансагина ва фақат шунда, аффикслар сирасига киради. Акс ҳолда, яъни бундай бирикма тилда бўлмаса, п элементи юкламалар сирасига киради»*[4].

Ш.Шаҳобиддинова туркий тиллар табиатидан келиб чиқиб, қўшимча ва ёрдамчи сўзларни фарқлашга бир оз бошқачароқ ёндашади: *«Муайян кўрсаткич -п агар бирикма, гап, матн қурилишига муайян таъсир кўрсатса, ўзига ўхшашлари билан изчил зиддиятли боғланишлар асосида дистрибутив муносабатларда турса – қўшимча, акс ҳолда юкламадир»*[5].

Мана шу қоиданинг татбиқи сифатида юкламалар тизимига кўрсатиб ўтилган *-жон, -хон, -ой, -ча, -чак* ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

---

[1] Шаҳобиддинова Ш. Айрим қўшимчаларнинг мавқеи хусусида // ЎТА. – 2000. – №5. – Б. 27.

[2] Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент, 2001. – Б. 49.

[3] Философский энциклопедический словарь. – М.: Сов. энциклопедия, 1983. – С. 545.

[4] Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М., 1972. – С. 223. Юкламалар (частицы) атамаси бу ўринда умуман ёрдамчи сўзларни қамраб олади.

[5] Шаҳобиддинова Ш. Айрим қўшимчаларнинг мавқеи хусусида // ЎТА. – 2000. – №5. Б. 29.

Кўринадики, туркий тилларда қўшимча билан муносабатлар шаклий хусусиятларидан келиб чиқиб кўпинча юкламага келиб тақалса-да, аслида ёрдамчи сўзларнинг барчасига тааллуқлидир. Сўзлардан қўшимчаларгача бўлган масофада ёрдамчи сўзларнинг қандай изчилликда жойлашиши ҳар бир ёрдамчи сўзлар моҳиятини аниқлашни талаб қилади.

БИРИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА:

1. Сўз туркуми муаммоси грамматик назариянинг марказини ташкил этади. Чунки бу муаммонинг ечими тилдаги барча сатҳ бирликларининг муҳим белгилари билан иш кўришини тақозо этади.

2. Сўз туркуми назарияси ўзининг тадрижий тараққиётига эга. Дастлаб сўз туркумларини аниқлаш мезони мантиқий-нутқий белгилардан ва от, феъл туркумларини ажратишдан бошланган. Сўнгра морфологик, синтактик, сўз ясалиши каби белгилар ва уларнинг мажмуаси ҳисобга олина бошланган.

3. Тилшуносликдаги турли оқимлар сўз туркумлари муаммосига ўз концепциялари нуқтаи назарлардан ёндашганлар. Шу асосда сўз туркумларининг логик, функционал, формал, позицион хусусиятлари очила бошлаган.

4. Сўнгги йилларда сўзнинг кўп қирралилиги ҳисобга олиниб туркумларни айни пайтда бир неча белгилар бўйича тасниф қилиш бошланди.

5. Систем-структур йўналиш сўз туркумлари назарияси моҳиятини янада чуқурлаштирди. У оралиқ учинчи қонуни асосида сўз туркумларини икки аъзоли эмас, балки уч аъзо билан тасниф қилишга ўтди. Бу сўз туркумлари системасининг яхлитлигини исботлашга асос бўлди.

6. Тил ва нутқ дихотомияси, морфема, оппозиция, лексик ва грамматик бирликларда шакл ва мазмун, сўзнинг диалектик табиати, транформация, градиция систем-структур шаклланиши тилда муносабатлар турлари кабиларнинг замонавий талқинлари сўз туркуми назариясининг тараққиётига самарали таъсир этди.

7. Ёрдамчи сўзлар ва мустақил сўзлар системалари ўзларининг оралиқ учинчили оппозицияларига эга.

II Б О Б
Ёрдамчи сўз туркумлари
1-§. Ёрдамчи сўзларнинг ўрганилиши

Ёрдамчи сўзлар туркийшуносликнинг энг илк даврлариданоқ ўрганиш манбаи бўлиб келади. Хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ана шундай илк манбалардандир.

«Девону луғотит турк»да мавжуд бўлган ёрдамчи сўзларни муаллифнинг ўзи алоҳида ажратмаган бўлса-да, тадқиқотчилар анъанавий уч гуруҳни бу ўринда ҳам кўрсатиш мумкинлигини аниқлаганлар[1].

«Девону луғотит турк»даги кўмакчилар ҳам исмлар ва исмлар ҳамда феъллар орасидаги муносабатни ифодалайди. Келишикларни бошқаради, улар билан синоним бўлади ёки уларнинг семантикасини ёрқинлаштиради.

«Девону луғотит турк»да қуйидаги кўмакчилар учрайди.

Бірlä // bilä[2] биргалик, ҳамкорлик маъноларини ифодалаб бош ва қаратқич келишикларини бошқарган:

Ол мэниң birlä эрдї – У мен билан эди[3].

Íki bэг birlä эl болдї – Икки бек ярашишди. (I, 83.)

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилидаги билан кўмакчисига яқин келса-да, анчагина фарқи борлиги ҳам сезилиб турибди. Хусусан, келишиклар бошқаруви ҳам анча қизиқарли. Ўрин-пайт келишиги билан боғланиб замон ифодалайди: Таŋда bilä körса мэнї – Мени тонг билан (тонгда) кўрса. (I, 480.)

Ҳозирги ўзбек тилида қўлланишига яқин ҳолатлар ҳам учрайди: Тўн-кўн bilä сэwinälim – Туну кун севинайлик. (I, 126.) Қиёсланг: Тун билан йиғлабди булбул... (Э. Воҳидов.)

Учун кўмакчисининг қўлланиши ҳозирги тилимиздан деярли фарқ қилмайди:

Сэниң ўчўн кэlдім – Мен сен учун келдим. (I, 105.)

Ўзä (узра), ічрä, ічіндä, ара (аро), таба (томон), соŋ (сўнг), бурун, кібі (каби) кўмакчилари айрим шаклий ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, ҳозирги ўзбек адабий тили билан деярли фарқсиз қўлланади: Кэндlар ўзä чїқтіміз – Биз шаҳарларга чиқардик. (I, 329.)

Кіші бір-бір ічінда чоқрашді – Одамлар бир-бирлари билан аралашиб кетди. (I, 242.)

Кіші ара кірдім – Одамлар орасига кирдим. (I, 114.)

Арслан таба эмітті – Шер олдига йўналди. (II, 361.)

Сен мэниң соŋда kel – Сен мендан сўнг кел. (III, 369.)

Ол мэндін бурун барді – У мендан бурун кетди. (I, 379.)

Аммо бошқача ҳолатлар ҳам учрайди:

---

[1] Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Грамматический очерк старотюркского языка XI века // Девону луғотит турк. Индекс. – Тошкент: Фан, 1967. – С. 502-505.

[2] Бу ўринда «Девону луғотит турк»нинг ўзбекча нашрида қўлланган транскрипцион белгилар ва талқинлардан фойдаландик .

[3] Девону луғотит турк. Т. I. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. – Б. 405. (Бундан кейин том ва саҳифа рақамини кўрсатиш билан чекланамиз – (I, 405.) тарзида).

Отру бош ва жўналиш келишигини бошқариб, ҳаракат йўналган предметни кўрсатади:

Ол мэна отру турунді – У менга қарши кўтарилди. (II, 109.)

Отра бош келишикни бошқариб нарсалар ўртасидаги ҳаракатни ифодалайди: Ол іккі кіші отра араладі – У иккаласини яраштирди. (I, 300.)

Баса чиқиш келишигини бошқариб, бирор ҳаракатдан кейинги ҳаракатни ифодалайди:

Мэн анда баса кэlдім – Мен ундан кейин келдим. (III, 243.)

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам кўмакчиларнинг вазифаси қадимги туркий тилдагидан деярли фарқ қилмайди.

«Кўмакчилар восита, мақсад, сабаб, вақт, макон ва шу каби муносабатлар билдириш учун қўлланадиган сўз туркумидир»[1].

Қадимий туркий тилда ҳам рудиментлаша бошлаган турланиш (сонда, табару) ҳозирги ўзбек тилида умуман кузатилмайди. Академик грамматикаларда кўмакчиларнинг икки турини кўрсатиш анъанаси бор:

Соф кўмакчилар: *билан, учун, каби, сари, сайин, қадар...*

Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар: *томон, бошқа, қараб, қарамай, бери, кўра...*

Кўмакчилар келишиклар билан синонимгина бўлиб қолмай келишикларни бошқариши мумкин:

*«Восита, сабаб, мақсад, қиёс-ўхшатиш муносабатлари ифодалаш учун қўлланадиган **билан, учун, каби, чоғли, қадар, сайин, бўйича, орқали, сабабли** кўмакчилари бош келишикдаги сўзни ёки қаратқич келишигидаги олмошларни талаб қилади.*

*Йўналиш, сабаб, мақсад муносабатларини ифодалаш учун қўлланадиган **кўра, қараб, қарши, қарамасдан, қарамай** кўмакчилари жўналиш келишигидаги сўзни талаб қилади.*

*Чоғиштириш, қиёс, ажралиш муносабатларини ифодалаш учун қўлланадиган **сўнг, бошқа, кейин, ташқари, бери, бўлак** кўмакчилари чиқиш келишидаги сўзни талаб қилади»[2].*

«Девон»да учровчи боғловчиларни тенг ва тобе боғловчилар деб икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Тенг боғловчиларга азу, тақі // дақі, јэма кабиларни, тобе боғловчиларга қалі кабиларни киритиш мумкин[3].

Масалан:

ўзўм јэгіl азу қағін јэгіl – Узум ейсанми ёки қовун? (I, 115.)

Ујғур дақі татлақа – уйғур ва татлақларга. (I, 446.)

Ҳозирги ўзбек тилида боғловчилар икки жиҳати билан фарқланиб туради:

1. Гап бўлаклари ва қўшма гапларда унинг қисмлари орасидаги грамматик муносабатларни кўрсатади (бу жиҳатдан кўмакчига ўхшайди).

---

[1] Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 541.

[2] Ўзбек тили грамматикаси. – Б. 542.

[3] Абдураҳмонов Ғ, Шукуров Ш.лар, шунингдек, аб, абан кабиларни ҳам боғловчи сирасида кўрсатганлар, бизнинг фикримиз бу борада бошқачароқ (қуйига қаралсин).

2. Грамматик муносабатни кўрсатаётган сўзлар грамматик формасини ўзгартирмайди, уларнинг таркибига қўшилмайди (бу жиҳатлар кўмакчидан фарқ қилади).

Асосий ўрганиш объектимиз бўлган юкламаларни «Девону луғотит турк»да учраган ёрдамчи сўзлар сирасида қуйидагилар деб белгиладик.

эn//än//an – таъкид ва кучайтирув; бирор нарсани жуда ошириб мақталса: эn эзгу нэн – жуда яхши нарса дейишади. Жуда оқ, оппоқ нарсани an-ақ дейилади. (I, 70.)

(Ҳозирда бу сўз белгининг нормал даражасидан ортиқлиги, кучлилигини ифодаловчи орттирма даражадаги сифатни фонетик усул билан ҳосил қилувчи восита деб кўрсатилади[1]).

аб – «йўқ эмас, на» маъноларида қўлланган; аб бу аб ол – на бу, на у. (I, 70.)

уш – шундай, худди; уш мундағ қil – худди шундай қил. (I, 72.)

оқ – ҳолга яқин маъно берувчи қўшимча (юклама) баja-оқ kэlдім – бояёқ келдим. (I, 73.)

ол – от ва феълларга қўшиладиган таъкид қўшимчаси; ол мэнің оғлім ол – у ҳақиқатда менинг ўғлимдир. (I, 73.)

ав – буюрувчининг буйруғини писанд қилмаслик, бўйсунмаслик ўрнида қўлланувчи «А?!», «Нима деяпсиз?» мазмунидаги ёрдамчи сўздир. (I, 75.)

аj – ав сўзи каби буйруқни менсимасликни, инкор қилишни билдирадиган сўз. (I, 75.)

абаң – агар; абаң сэн барсасан – агар сен борсан. (I, 153.)

мат – шундай, худди маъносини билдирувчи сўз; андағ мат – у шундай. (I, 311.)

таб – боп, етарли маъносини берувчи юклама; бу аш мэнä таб – бу ош менга боп, етарли; таб болдї – мос бўлди, боп бўлди. (I, 308.)

қоб – таъкидлаш, пухталаш, ошириш маъноларида қўлланадиган юклама: Оғул қоб бадудї – ўғил жуда катта бўлиб кетди; қоб эзгў нэн – жуда яхши нарса. (I, 309.)

jah – худди, шундай, ҳа маъноларидаги сўз. (III, 128.)

Шу – феъллар ўзагига қўшилиб, буйруқ маъносини кучлатувчи -чу қўшимчаси ўрнида қўлланувчи қўшимча; барғіл шу – албатта бор, борсанг-чи! Кэl шу – албатта келсанг-чи. (III, 228.)

Юқоридагилардан кўринадики, шу кундаги на (аб), худди (уш) юкламаларининг вариантлари, -оқ таъкид юкламасининг айнан ўзи қадимги туркий тилда учраган экан.

XIII – XIV аср туркий тил тарихига оид номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Ат-туҳфатуз закияту филлуғатит туркия» («Туркий тил ҳақида ноёб туҳфа») китобида ҳам юкламаларга қисман «Таъкид бўлими»да тўхталган. Бу сарлавҳа остида фақат таъкид юкламаларигина эмас, балки умуман маънони кучайтириш усуллари ҳақида фикр юритилади.

---

[1] Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 254.

Туркий тилларда маъно кучайтиришнинг икки йўли: лафзий (такрорлаш) ва маънавий (маълум маъно кучайтирувчи лексик восита ёрдамида) йўли борлиги айтилади.

Лафзий таъкид отларда ҳам, феълларда ҳам, ҳарф (ёрдамчи)ларда ҳам учраши айтилади. Масалан, отларда: бий-бий (бек-бек); феълларда: ал-ал; ҳарфларда: ук-ук.

Ҳатто гаплар ҳам такрорланиши айтилади: Бий келди – Бий келди.

Маъновий таъкид ифодалашда қуйидаги воситалар қўлланиши кўрсатилади:

1) ўзи – Бий турди ўзи (Фақат бекнинг ўзи турди);

2) қажи, қанди – Бий кетти қажи (Фақат бекнинг ўзи кетди);

3) барча, барига: Кичилар келдилар барча (Ҳамма кишилар келишди).

Асарда сўроқ гапларни ҳосил қилишда олмошлар қаторида қуйидаги юкламаларнинг вазифасига ҳам тўхталган:

-ми юкламаси:

Бу юкламанинг қўлланиши икки хил деб кўрсатилади. Биринчи ҳолатда сўроқ юкламаси гап охирида, кесим таркибида келади:

М: *Бийлар келдиларми?* (Беклар келдими?)

Бундай ҳолатда сўроқ юкламаси билан шахс қўшимчаларининг жойлашиши турличадир. Ўтган замон феълида замон қўшимчасидан сўнг шахс қўшимчаси, ундан сўнг сўроқ юкламаси келади: *Келдингми? Келдингизми?*

Ҳозирги ва келаси замон феълларида замон қўшимчалари билан сўроқ юкламалари ўрни алмашиниб қўлланиши мумкинлиги кўрсатилади. Баъзан шахс қўшимчалари олдин, сўроқ юкламалари ундан кейин келади: *Келирманми? Келирбизми? Келайимми? Келалимми? Келаликми? Келгайманми?* каби. Баъзан эса, аксинча сўроқ юкламаси олдин, шахс қўшимчалари кейин келади: *Келирмисан? Келирмисиз? Келамидирсан? Келамидирсиз? Келгаймисан? Келгаймисиз?* каби.

Иккинчи ҳолатда сўроқ юкламаси мантиқий урғу тушган бўлак таркибида, актуал бўлиниш жиҳатидан рема таркибида келади.

Бу вақтда -ми кўпинча кесимдан олдинги бўлакларда келади.

М: *Бийми келди? Манми келдим? Бизми келдик? Санми келдинг? Сизми келдингиз?* каби. Бу хусусият ҳозирги айрим туркий тилларда меъёрдир.

На ёрдамчиси сўроқ маъносини таажжуб орқали ифодаланиши айтилади: *Бий на курукли кичидир?* (Бек қандай кўркам кишидир?)[1]

Фитрат сўзларни семантик тамойил асосида, яъни қандай маъно билдиришига кўра от, сифат, сон, феъл, олмош, кўмакчиларга ажратган. У ҳозирги тилшунослигимиздаги юклама, боғловчи, кўмакчи, модал, ундов ва тақлид сўзларнинг ҳаммасини кўмакчи сўзлар истилоҳи билан келтиради.

Кўмакчи сўзларни маъноларига кўра қуйидагича таснифлайди:

1. Кучайтириш кўмакчилари: *асру, жуда, ҳеч, албатта, асло, сира, энг, буткул, худди.*

2. Ўрин кўмакчилари: *ора, ичра, уза, узра*.

[1] Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент, 2000. – Б. 69.

3. Қаватлов кўмакчилари: *тағин, дахи, билан, -ила, -ла, йана, ҳам, -да.*
4. Шарт кўмакчилари: *йўқса, агар, агарчи.*
5. Аниқсизлик кўмакчилари: *балким, йо, йоки, йохуд.*
6. Орзу кўмакчилари: *кошки, шояд.*
7. Ҳасрат-армон кўмакчилари: *эссиз, афсус, аттанг.*
8. Ҳол кўмакчилари: *айниқса, хусусан, умуман, зотан.*
9. Нисбат кўмакчиси: *сайин.*
10. Чеклаш кўмакчилари: *-ғина, -ғина, -кина, фақат.*
11. Тафсир-изоҳ кўмакчилари: *-ким, -ки.*
12. Чиқариш кўмакчилари: *бироқ, лекин.*
13. Сабаб кўмакчилари: *учун, чунки.*
14. Чама кўмакчиси: *-ча (йигирмача).*
15. Туйғу кўмакчилари: *оҳ, уф, ой* ва бошқ.

Фитрат ҳозирда отларнинг келишик категорияси таркибида ўрганилаётган келишик шаклларини барча сўз туркумларидан кейин «алоҳида белгилар» атамаси билан беради ва улар орасига сўроқ юкламасини ҳам киритади:

-ми – сўров белгиси
-нинг – қараш белгиси
-ники, -ниқи – қараш белгиси
-га, -ка, -ға, -қа – бориш белгиси
-ни – тушиш белгиси
-дан – чиқиш белгиси
-да – ўрин белгиси

Юқоридаги таснифлардан кўриниб турибдики, Фитрат ёрдамчи, модал ва ундов сўзларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқламаган бўлса-да, ўзбек миллий тилшунослигининг «Сарф» бўлимига прогрессив фикрлари билан ҳисса қўшган ва тилшуносликнинг шаклланишига, сўзсиз, тамал тошини қўйганлардан бўлган. Фитрат «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Наҳв»[1]. (Иккинчи китоб. 4-босма. Самарқанд – Тошкент, 1930) асарида ёрдамчиларнинг синтаксисдаги вазифасига ҳам кенг тўхталган.

Фитрат сўраш гап ҳақида маълумот берганда -ми юкламаси мантиқий урғу олишини таъкидлайди: *«Сўраш гапнинг қайси бўлагига йўналган эса, -ми белгиси шул бўлакка йопишиб келадур:*

*Карим бу кун ўз чўпонини бозорга йуборибди**ми**?*
*Карим бу кун ўз чўпонини бозорга**ми** йуборди?*
*Карим бу кун ўз чўпонини**ми** бозорга йуборди?*
*Карим бу кун**ми** ўз чўпонини бозорга йуборди?*
*Карим**ми** бу кун ўз чўпонини бозорга йуборди?*

Фитрат -да, ҳам ёрдамчилари иштирокида тескари шартли гапнинг ҳосил қилинишини таъкидлайди: «Шартли гапнинг шарт феълидан кейин -да, ҳам қўшилса тескари шартли гап бўладир: Айтмасанг ҳам, биламан. Қувсанг-да, борарман. Домлангиз бу хатоларга кўпда ишонмаса ҳам кейинрак ўйлай

[1] Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. I қисм. – Тошкент, 2000. – Б. 148-159.

бошлади». Кўриниб турибдики, олим эргаш гаплар орасидаги боғланишда юкламаларнинг иштирокига ҳам эътибор берган[1].

Адабиётларда[2] юклама ҳақидаги қуйидаги таърифлар учрайди:

«Юкламалар айрим сўз ёки гапга турли маъно оттенкаси бериш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлардир». (Ш.Шоабдураҳмонов, 1957.)

«Юклама гап мазмунига ҳар хил қўшимча маъно киритиш, айрим гап бўлакларини кучайтириш учун хизмат қилади». (У.Турсунов, 1965)

«Юкламалар ёрдамчи сўзлар разрядига тааллуқли бўлиб, айрим сўз ёки гап бўлакларидан бири билан ишлатилади ва фикрнинг баъзи модаллик хусусиятини ифодалаш учун хизмат қилади». (М.Содиқова, 1966.)

«Айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно жилоси бериш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар юкламалардир». (Ш.Шоабдураҳмонов, 1975)

«Айрим сўз, сўз бирикмаси ёки бутун гапга турли модал маъно қўшадиган, сўз ўзгариш хусусияти бўлмаган сўзлар юклама деб аталади». (С.Усмонов, 1978.)

«Айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно бериш учун қўлланадиган ёрдамчи сўзлар юклама дейилади». (Ш.Шоабдураҳмонов, 1980.)

«Юклама ҳар хил қўшимча маъно ифодалаш учун хизмат қилади». (У.Турсунов, 1992.)

«Мустақил сўз ва гапларга қўшимча маъно берадиган ёрдамчилар юклама дейилади». (Она тили дарслиги. 6-7-синф. 1985, 1990, 1995.)

«Юкламалар сўзларга ёки гапга сўроқ, таъкид, кучайтириш, айириш, чегаралаш, ўхшатиш, қиёслаш каби қўшимча маънолар киритишга хизмат қилади». (Ҳ.Неъматов, 2000.)

«Мустақил сўз ёки гапга турли қўшимча маъно бериш ёки турли грамматик муносабатларни ифодалаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз ёки қўшимча» (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II т., Б. 465.)

Юклама ҳақидаги таърифлар ҳар хил бўлса ҳам, аммо мақсадга мувофиқ деб охирги таърифни олса бўлади, негаки таърифда юкламаларнинг вазифаси ва ифодаси (сўз ё қўшимча) тўлиқ келтирилган.

Юқоридаги адабиётларда юкламалар асосан қуйидагича тасниф қилинади:

1. Сўроқ ва таажжуб юкламалари: *-ми, -чи, -а(-я).*

---

[1] Бу ҳақида қаранг: Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. I қисм. – Тошкент, 2000. – Б. 148-159. Фитрат. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф. Биринчи китоб. 6-босма. – Самарқанд – Тошкент. 1930.

[2] Юкламаларни қиёслаш мақсадида қуйидаги нашрларни олдик:

1. Ҳозирги замон ўзбек тили /Ф. Камол таҳр./. – Тошкент: Фан, 1957. – 528 б.
2. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т. I. Тошкент: Фан, 1966. – 392 б.
3. Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 180 б.
4. Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. – Тошкент: Фан, 1975. – 612 б.
5. Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент: Ўқитувчи. 1980. – 448 б.
6. Мирзаев М. ва бошқ. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 256 б.
7. Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 400 б.
8. Ғуломов А. ва бошқ. Она тили. 6-7-синф. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985, 1990, 1994.
9. Неъматов Ҳ. ва бошқ. Она тили. 7-синф. – Тошкент: Ўқитувчи. 2000. – 127 б.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-, 2-томлар. – М.: Русский язык, 1981. – 631 б.

2. Кучайтирув ва таъкид юкламалари: *-ку, -у(-ю), -да, -оқ(-ёқ), -ки, ахир, ҳатто, ҳаттоки, наҳот, наҳотки.*

3. Айирув ва чегаралов юкламалари: *-гина (-кина, -қина), фақат, фақатгина, ёлғиз.*

4. Аниқлов юкламалари: *худди, нақ.*

5. Гумон юкламаси: *-дир.*

6. Инкор юкламаси: *на... на.*

1965, 1992 йилги У.Турсунов, Ж.Мухторовларнинг дарсликларида ***наҳот, наҳотки*** юкламалари сўроқ ва таажжуб юкламалари қаторига киритилади: *«Наҳотки, наҳот юкламалари сўроқ билан боғлиқ бўлган таажжубни англатади. Масалан: Вой, домласи, наҳотки шунга ишонган бўлсангиз? Сизни отаси ўрнида кўрсак-у, наҳотки сиздан бесўроқ иш тутсак... (А.Қ.) Наҳотки, севгига шудир таманно?».* (Б. 390.)

Изоҳли луғат(I т., Б. 500.)да ҳам бу юкламалар сўроқ ва таажжуб юкламаси саналган, аммо бошқа барча адабиётларда кучайтирув ва таъкид қаторида саналади.

Ш.Шоабдураҳмонов 1957 йилги нашрда ***-гина*** юкламаси ҳақида:

«а) от, олмош, сон, -(и)б ли равишдош ва кўмакчилардан сўнг келиб айириб кўрсатиш, чегаралаш маъносини англатади: ...шу кўчанигина «каменная» дейишади.

б) ҳолат равишларидан сўнг келиб, ҳаракатни айириб кўрсатади: Ширинтой салқинга ўтиб, саватни ерга оҳистагина қўйди.

в) аниқ феъллардан сўнг келиб, ҳаракатни айириб кўрсатиш мазмунини ва шу билан бирга деган маънони англатади: Салим ўқийдигина эмас, ўқитади ҳам.

Эслатмалар:

1) -гина (-кина, -қина) сифатларга қўшилиб келганда, юклама ҳисобланмайди. Бундай чоқда уларни «субъектив баҳо» аффикси деб қарамоқ керак.

2) отларга қўшилиб келиб, эркалаш, кичрайтириш маъносини англатмоғи ҳам мумкин. Бундай чоқда у урғу олади ва аффикс ҳисобланади. Ўзидан кейин эгалик ҳам қабул қилади: болагинам каби».

Ш.Шоабдураҳмонов 1975, 1980 йилги нашрларда:

«-гина юкламаси:

а) мустақил сўзлар (от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш ва айрим феъл формалари ҳамда айрим кўмакчилар) билан, туфайли, учун ва ш.к.дан сўнг келиб, айириб кўрсатиш, чегаралаш маъноларини билдиради: Сўнагул арзон бўлса ҳам шинамгина паст пошнали бир туфли олиб кийди.

в) предмет ёки ҳаракат белгисини билдирувчи сўзлардан сўнг келиб предмет ёки ҳаракат белгисини айириб кўрсатиш билан бирга ўша белгида камликни, кучсизликни ҳам ифодалайди. Шипи паст, деворлари юпқа, торгина дўконхона. Ўзи ҳам кўркамгина».

Бу ўринда сифатлардаги шакл ясовчими? Юклама деб қаралмаяптими? Негаки бошқа адабиётларда (1957 й., Ш.Шоабдураҳмонов.) сифатлардаги ***-гина***

юкламага киритилмаган-да! 1966 йилги нашрда М.Содиқова: «*Сифатларга қўшилиб келган -гина юклама ҳисобланмайди, бундай чоқда уларни субъектив баҳо ифодаловчи аффикс деб қарамоқ керак. Одатда, юкламалар сўз таркибида ҳамма хилдаги аффикслардан кейин келади»* деб сифатлардаги *-гина* шаклини юклама санамайди.

1965, 1992 йил нашрларда У.Турсунов ва Ж.Мухторовлар: *«-гина юкламасини сифатларга, баъзан отларга қўшилиб, суйиш маъносини билдирувчи -гина аффикси билан аралаштирмаслик керак»* деб *-гина*нинг омонимлигини уқтиради. Шу адабиётда равишларда шакл ясалиши ҳақида гапирилганда, *-гина* равишлардаги ҳаракат ва ҳолат белгисининг кучсизланганлигини, таъкидланганлигини англатади: *Комила қошларини чимириб, ўртоғининг билагини секингина чимчилади.* Отлардаги *-гина* шаклдан сўнг қўшимча қўшилса *(болагинамни)* модал шакл, *-гина*дан олдин қўшилса *(боламнигина)* бу юклама ҳисобланиши аён (С.Усмонов. Ўзбек тили, 1978, Б.150.), аммо сифат ва равишларга қўшилган формани фарқлаш анча қийин экан.

А.Ҳожиев 1978 й. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали №5 сонидаги *«-гина элементи форма ясовчи аффикс бўла оладими?»* номли мақоласида адабиётлардаги бу мунозараларни давом эттириб -гина элементи фақат юклама, у форма ясовчи эмас, деб хулоса чиқаради:

«Биринчидан, ҳозирги ўзбек тилида -гина элементи ифодалайдиган айириш (чегаралаш), таъкид ва субъектив баҳо маънолари ўртасида маълум боғланиш (алоқа) бор. Бу нарса -гина элементи ҳозирги ўзбек тилида икки хил функциядаги (юклама ва форма ясовчи аффикс бўлган) тил ҳодисаси деб қарашга имкон бермайди. Иккинчидан, -гина элементининг айириш (чегаралаш) маъноси билан унинг бошқа маънолари ўртасида алоқа бўлмаган (узилган) тақдирда ҳам, ҳозирги ўзбек тилидаги -гина ҳам юклама, ҳам форма ясовчи аффикс дейишга асосимиз йўқ. Чунки кўриб ўтганимиздек, -гина элементининг айириш (чегаралаш) маъносидан бошқа маъно, яъни субъектив муносабат ифодалаши барча сўз туркумлари доирасида умумий ҳолат. Демак, субъектив муносабат ифодаловчи восита сифатида ҳам -гина юкламадан бошқа нарса бўла олмайди[1].

-гина ҳақида мунозарага Р.Икромова, М.А.Жўрабоева, И.Ҳамдамова, А.Абдуллаев, А.Ғуломовлар ҳам қўшилганлар. Бу муаллифлар -гина формасини аффикс юклама ва шакл ясовчи деб фарқлаганлар. А.Ғуломов юкламанинг урғусиз, форма ясовчи аффикснинг урғули бўлишини таъкидлайди.

На инкор формасини У.Турсунов 1965 йилги нашрда: *«на..., на... боғловчиси гапнинг уюшиқ бўлакларини ва айрим гапларни бириктириб уларнинг мазмунини инкор этади, бўлишсизга айлантиради. Инкор формали гап бўлакларини боғлаганда, бўлишсизликни янада кучайтиради»* деб бириктирувчи боғловчига киритиб, 1992 йил қайта нашрда боғловчидан юклама сирасига

[1] Ҳожиев А. -гина элементи форма ясовчи аффикс бўла оладими? // ЎТА. – 1978. – №5. – Б. 43.

ўтказади: *«на... на уюшиқ бўлаклар ва қўшма гап таркибидаги айрим гаплар олдидан келиб, уларнинг мазмунини инкор этади, бўлишсизга айлантиради».*

М.Содиқова (1966 йилдаги нашрда): *«Инкор боғловчиси на... на уюшиқ бўлаклар ёки айрим содда гаплар олдида такрорланиб келиб, бу бўлаклар ёки гапларнинг ҳар қайсисида ҳам инкор маъноси борлигини англатади: Бригадир довдираб қолган, на чопиғида, на суғоришида сифат бор. (Ойбек.) Унинг эсига на севги, на истироҳат келди (Ойбек.)»* деб ёзса, айни шу мисоллар асосида Ш.Шоабдураҳмонов 1957, 1975, 1980 йилги нашрларда: *«Инкор юкламаси на-на уюшиқ бўлаклар ёки айрим содда гаплар олдида такрорланиб келиб, бу бўлаклар ёки гаплар англатган инкор маъносини уқтириб кўрсатади. Бу ерда на том, на дераза бор эди. Унинг эсига на севги, на истироҳат келди,»* – деб инкор юкламасига киритади, С.Усмонов (1978 йил) инкор боғловчиси сифатида қарайди.

-ки, -ким ёрдамчилари ҳақида Ш.Шоабдураҳмонов (1957, 1975, 1980 йилги нашрларда) аниқлов боғловчиси ҳисоблаб, эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун ишлатилиб, бош гапда ифодаланган фикрни аниқлаб, изоҳлаб кўрсатади: *...далани бир айланган киши равшан кўрадики, ишимизда беҳад камчиликлар бор.*

«Баъзан -ки от туркумидаги сўзлар билан келиб, таъкидлаш – уқтириш маъноларини англатади. Бундай чоқда у боғловчи эмас, юклама вазифасини бажаради: ...Шундай замондамизки, илм, техника йўли ҳаммага очиқ». (1980, Б. 431.)

Шу фикр асосида муаллиф дарсликнинг 434-бетида -ки(-ким) морфемаларини отга боғланган ўринда кучайтирув ва таъкид юкламаси ҳисоблайди.

М.Содиқова ҳам Ш.Шоабдураҳмонов фикрларини қўллаб-қувватлаб аниқлаш боғловчиси ҳамда кучайтирув, таъкид юкламаси, деб кўрсатади (1966 йилги нашрнинг 349-, 362-бетлари).

У.Турсунов (1965, 1992), С.Усмонов (1978)лар -ки шаклини аниқлов боғловчиси деб юклама сафидан мутлақ чиқарадилар.

Ш. Шоабдураҳмонов фақат 1975 йилги «Ўзбек тили грамматикаси» (579-бет)да нутққа тасвирийлик бериб, сўз маъносини кучайтирувчи юкламалар: *тим, лиқ, лим, ғирт, қир, қип, шир, ғарқ, жиққа,* шунингдек бу юкламалар сирасига сифат ва равишлар олдидан мавжуд сўз қисмларини қайтариш йўли билан ҳосил қилинадиган орттирма даража яратувчи *қоп (-қора), сап (-сариқ), қип (-қизил), кўм (-кўк), бут, бус (-бутун), чиппа (-чин), тўппа (-тўғри)* каби элементларни ҳам юклама деб ҳисоблайди (579-бет), аммо сифатларда орттирма даража ҳосил қилиш ҳақидаги мавзуда (айнан шу китобнинг 296-298-бетларида) юклама саналган шакллардан кўпини морфологик усул билан даража ҳосил қилиш деб қуйидаги мисоллар берилади: *дум-думалоқ, пак-пакана, кап-катта, сап-сариқ, қип-қизил, сип-силлиқ, қоп-қоронғи, нес-нобуд, ям-яшил, кўм-кўк, тўппа-тўғри, соппа-соғ, оппа-осон, қуппа-қуруқ, куппа-кундузи, теппа-тенг, тим (Тим қоронғи, изғиринли кеча).* Демак, юқоридаги шакллар ҳам юклама, ҳам орттирма даража формаси саналади. У.Турсунов

1992 йил нашрида тим, ғирт, жиққа – белгининг ортиқ даражасини сифат олдида махсус сўзлар келтириш билан ифодаланиши деб кўрсатади. (Б. 285.)

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да юқоридаги (тим, лиқ, жиққа, кўм-кўк)лардан *тим* шаклигина II том 178-бетида:

«Тим II «қора», «қоронғулик» каби сўзлар олдида ишлатиладиган кучайтирув юкламаси. Тим қора соч. Тим қоронғу тун», – деб кўрсатса, қолган шакллар юклама сифатида саналмаган.

М.Содиқова (1966 йил, 351-бетда): *«Гумон юкламаси -дир ҳамма сўз туркумларига қўшилиб кела олади ва у сўзларга гумон маъносини бериш учун ишлатилади: Насимжон... болалардан биттасининг қулоғига нимадир шивирлади. Бола уқдим, дегандай бошини қимирлатиб қаергадир ўқдай учди. (Ойбек.)*

Бу юклама тарихан 3-шахс кесимликни кўрсатувчи форма бўлиб, этимологик жиҳатдан у асли дурур феълидандир. Бу аффикс бошқа туркий тилларда учрагани каби, ўзбек тилида фақат кесимлик аффикси вазифасидагина эмас, балки ўзига хос маъно хусусиятига эга бўлган ***бир*** *юклама вазифасида ҳам ишлатилади.*

Бу юклама ҳозирги кунда кесимликни кўрсатувчи аффиксга шаклан ўхшаса ҳам вазифаси ва маъносига кўра, ундан фарқ қилади, -дир олган сўз кесим бўлиб келганда, гумонни билдирмай, балки аниқлик, қатъийлик маъносини ҳам англатади: Бу студентдир каби».

Бу студентдир, ўқувчи эмас деганда эса гумон юкламаси бўлиб кесимга гумон маъно юклайди.

Ш.Шоабдураҳмонов 1975 йил нашрининг 361-бетида «*Қаергадир бормоқчилар»* мисолида қаергадир сўзини гумон олмоши деса, 581-бетида *«Бола уқдим, дегандай бошини қимирлатиб, қаергадир ўқдай учди»* мисолида қаергадир сўзини гумон юкламаси санайди.

Мактаб дарсликларида (1985, 1990, 1995 йиллар) юкламалар ихчам, ўқувчи учун анча тушунарли таҳлил қилиб ёритилган.

Юкламалар маъно жиҳатдан беш турга бўлинади:

1. Сўроқ ва тааҗжуб: *-ми, -чи, -а(-я)*.
2. Таъкид юкламалари: *-ку, -да, -у(-ю)*.
3. Айирув юкламалари: *фақат ҳам, -гина (-кина, -қина), ёлғиз.*
4. Кучайтирув юкламалари: *ахир, ҳатто, ҳаттоки, -оқ(-ёқ)*.
5. Инкор юкламаси: *на*.

Кўриниб турибдики, академик нашрлардаги кучайтирув ва таъкид юкламаси иккига ажратилган, мактаб дарслигида аниқлов юкламаси ва гумон юкламаси учрамайди.

Ҳам шаклини Ш.Шоабдураҳмонов кучайтирув ва таъкид сафига киритса, мактаб дарслигида айирув юкламасига киритилади.

2000 йил 7-синф она тили дарслигида юкламаларга *-ми, -ку, -гина, -у(-ю), -да, -а(-я), ахир, ҳатто, ҳаттоки, фақат, ҳам, худди, нақ, гўё, гўёки, атиги* ларни киритилса, *ҳам... ҳам, на... на* лар боғловчи-юклама (44-бет) ҳисоблаб: *«ҳам... ҳам бириктирув боғловчиси таъкид маъно бўёғига эгадир. На... на инкор*

маъносини ифодалайди. Буларнинг ҳар иккаласи боғловчи-юклама ҳисобланади» деб ёзади. Дарсликнинг 54-бетида: *«Аммо лекин ҳаётни ортиқча расмиятлаштириб юборяпмиз»* гапида *аммо* боғловчиси кучайтирув юкламаси вазифасида келганлиги айтилади.

Кўриниб турибдики, бу дарсликда юкламалар миқдори *гўё, гўёки, атиги, аммо*га кўпайган, янги боғловчи-юклама деган истилоҳ ишлатилган, аммо юкламалар маъно турларига ажратилмаган. Мунозарали бўлган *-ки(-ким)* аниқлов боғловчисига киритилган.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да нашрларда учрамаган қуйидаги юкламалар саналади: ***э, хўш, ҳа, эй, бу, бор-йўғи, ана, орий, тугул, аксинча, холос, яна, тағин, зора, зораики***.

Э. Юклама. Баъзи сўзлар билан бирикиб келиб, сўзнинг маъносини кучайтиради. *Йўғ-э. Э, ҳа. Э, келинг. Э, тавба. Э, аттанг. Раҳмат-э.* (II, 437.)

Хўш. I (ф-т) юклама. 1. Сўроқ гап олдида келиб, «Айтинг-чи», «Жавоб беринг-чи», «Тушунтириб беринг-чи» каби маъноларни ифодалайди. *Хўш, нима гап ўзи? Хўш, бу нима қилиқ? (П.Т.).* Қисташ маъносини ифодалайди. *Ҳеч ким бошламади. – Хўш, гапиринглар, – деди Бўтабой. (А.Қ.)* (II, 347.)

Ҳа. II юклама 1. Жавобда бирор фикрни тасдиқлаш, розиликни ифодалаш учун ишлатилади. *Бу мактабда ишлаганмисиз? – Ҳа.*

2. Бирор фикрни таъкидлаш, унга диққат жалб этиш учун ишлатилади. *Қори дарҳол маъюс қиёфага кирди. Ўҳ-ўҳ-ўҳ! Ҳа, она-я! Онайи зор.* (А.Қ.) (II, 668.)

Эй. Юклама. Фикрни қувватлаш, маъносини кучайтириш учун хизмат қилади. *Извошикларинг шунақа юмшоқми-а? Нақ бахмал тўшакдай, жоннинг ҳузури-эй. (Ойбек.) Оббо ноинсоф-эй.* (II, 440.)

Бу. II юклама. Гапдаги маънони кучайтириш, таъкидлаш учун хизмат қилади. *Бу дейман, ишлар йирик экан-да!* (I, 144.)

Бор-йўғи. Юклама. 2. Ҳаммаси бўлиб, атиги. *Мажлисга бор-йўғи беш киши келди.* (I, 131.)

Ана. 2. Юклама. Кўрсатиш, таъкид маъноларини ифодалайди. *Ана кўрдингми, нима бўлди? Ана тантана-ю, мана тантана.* (I, 45.)

Орий. II (ф-т) тасдиқ юклама, эскирган китобий. *Ҳа шундоқ; рост, албатта, ҳақиқатан. Орий, мирзам, камина ушбу бобда мақтанса арзийдур.* (М.Осим) (I, 542.)

Тугул *инкор юклама*. Нарса, кимсанигина эмас, балки... ; у ёқда турсин, ҳатто... *Сендан молим тугул, жонимни ҳам аямайман.* (II, 217.)

Аксинча 4. Зидлов юкламаси вазифасида. Йўқ, тескарича. [Турғун Муҳаббатга:] *Йўқ. Аксинча, оқарибсиз. Жиндек озиб яна ҳам чиройли бўлибсиз.* (Н.Сафаров) (I, 36.)

Холос (а) юклама. Бор-йўғи, фақат, фақатгина. *У бир пиёла чой ичди, холос. Билганинг шу холосми?* (II, 329.)

Яна кучайтирув юкламаси. Фикрни кучайтириш, таъкидлаш учун қўлланади. *Яна бу киши мерган эмиш!*

Тағин кучайтирув юкламаси. Таъкид, ҳадиксираш каби маъноларни билдиради. *Бу сўзингиз тўғрими? Кейин тағин сўзингиздан қайтманг. (Ҳамза)* (II, 148.)

Зора(ики) [ф-т] юклама. Қани энди, кошки, кошки эди. – *Зора ўғлимизнинг артист бўлиш баҳонаси билан...* (II, 309.)

Филология фанлари доктори О.Бозоров ўзининг номзодлик ишида (1982 йил) юкламаларга қуйидагиларни киритади: *-ки, -да, -у(-ю), ҳам, -ку, -ми, -чи, -а(-я), балки, эмас(мас), фақат, эса, бўлса, на...на, тугул, негаки, сабабки, нега десанг, бўлмаса, йўқса, аксинча, -оқ(-ёқ), -гина, -дир, -гин, -ин, -ча, қип-, ёп-(яп-), кап-, холос, нақ, айни, қоқ, зора, шояд, кошки, кошки эди (кошкийди), қани энди, қани эди (қанийди), ишқилиб, ҳатто, ақалли (лоақал), наҳот, наҳотки, охир, яна, тағин, то, агар, мабодо, башарти, борди-ю, гарчанд, гарчи, гўё, худди, бамисоли, албатта, барибир, демак, хуллас, айтмоқчи, айтгандай, айтгандек, айниқса, хусусан, атиги, ниҳояти, аввало, аввали, авваламбор, ҳеч, сира, асло, мутлақо, зинҳор, жуда, энг, ғоят, ниҳоятда, ўлгур, тушгур, тушмагур, қургур, бўлгани, бўладими, бўлса ҳам, боринги, қўйинги, қўйинг-чи, кел (ке), келинг, келинглар, келиб-келиб, дейман, дегин, денг, айтгин-айтгин, билдингми, биласизми, ёлғиз, нақ, яхшиси, бир, биринчидан, иккинчидан, кимсан, мана, ана, бу, шу, нима, қани, ўзи, қандай, -э(е), -ай, -эй, ҳа, хайрият, хайриятки, хўш, асли (аслида), афсус (афсуски), тааҗжуб (тааҗжубки), бор, йўқ, борми, бор-йўғи, тим, лиқ, лим, ғирт, қир, шир, ғарқ, жиққа.*

Ишда юкламалар қуйидагича тасниф қилинади:

1. Юкламалар.

2. Юклама-боғловчилар.

3. Боғловчи-юкламалар.

Раззоқ Расулов 1978 йил «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали №5 сонидаги *«Зидланган уюшиқ бўлаклар ҳамда уларда қўлланадиган эмас сўзининг ўрни»* мақоласида: *«эмас» сўзи зидланган уюшиқ бўлакларида – эга, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳолларда гап бўлакларини боғлаш учун эмас, балки у бўлакларнинг бирига инкор, чегаралаш, ажратиб кўрсатиш каби маъноларини бериш учун хизмат қилувчи инкор юкламаси вазифасида келади. Бу жиҳатдан эмас сўзининг функцияси уюшган бўлакларда ишлатиладиган на... на инкор юкламасининг функциясига ўхшашдир. Фақат уларнинг ишлатилишида фарқ бор. На...на инкор юкламаси уюшган бўлакларнинг олдида келиб, уларнинг ҳаммасига (одатда иккала уюшган бўлакка) инкор маъносини беради. Эмас сўзи эса қайси бўлакка оид бўлса, ўша бўлакдан кейин келиб, фақат уюшган бўлакларнинг бирига ёки шу эмас сўзга бўлган бўлакларга инкор маъноси бериш учун хизмат қилади»*[1].

2-§. Ёрдамчи сўзларнинг трансформацияси

Кўриниб турибдики, ёрдамчи сўзлар сираси масаласи ҳам охирига етмаган. Айрим бирликларнинг қайси гуруҳга кириши мунозарали бўлса *(-ки, -ким,*

[1] Расулов Р. Зидланган уюшиқ бўлаклар ҳамда уларда қўлланадиган эмас сўзининг ўрни // ЎТА. – 1978. – №5. – Б. 16.

-гина...), айримларининг муайян гуруҳга ҳамма беистисно киритса-да, баъзи вазифалари ўз гуруҳи умумий маъносига мос келмай қолади. *(Аммо жуда жонимга тегдинг...)*

Бу хил муаммони ҳал этишда транспозиция ёки трансформация ёки омонимия ҳақида гап юритиш анъанага айланган.

Трансформация масаласи тилшуносликда анчагина ўрганилган. В.Н.Мигирин, В.В.Бабайцева, А.Я.Баудер, Е.П.Каллиц, А.Н.Савченко, П.В.Чесноков, В.М.Алпатов, А.Н.Барулин кабиларнинг тадқиқотлари диққатга сазовор.

Хусусан, В.Н. Мигирин нафақат сўз туркумлари, умуман тилнинг барча сатҳларида кўчиш борлигини кўрсатиб «трансформациология» фанини яратиш таклифи билан чиқди. В.Н.Мигириннинг фикрича, тилнинг бойиш манбаларидан бири айнан трансформациядир[1].

В.В.Бабайцеванинг фикрича, трансформация натижасида икки хил омоним ва гибрид бирликлар юзага келиши мумкин. Гибрид бирликлар деганда, олима бир вақтнинг ўзида икки туркумга кира оладиган бирликларни тушунади[2].

Е.П.Каллиц сўз туркумлариаро ва туркумлар ичидаги кўчиш диахрон ва синхрон табиатли бўлишини айтиб ўтади. Шунингдек, кўчаётган сўзнинг икки хил маъноси бўлишини кўрсатади:

бирламчи маъно (сўзнинг кўчгунгача бўлган маъноси);

иккиламчи маъно (сўзнинг кўчиш натижасида ҳосил бўлган маъноси)[3].

А.Н.Савченкони кўпроқ кўчиш жараёнининг механизми қизиқтиради. Бу борада бир оз мунозарали бўлса-да, анча оригинал фикрлар баён қилади. Унинг фикрича, туркумлараро кўчиш даражаси тил эгалари тафаккури билан чамбарчас боғлиқ. Тафаккур қанча образли бўлса ва абстракцияланиш даражаси қанча паст бўлса, туркумлараро кўчиш шунча кўп учрайди[4]. Унинг бу фикри қанчалик ўзига хос бўлмасин, унда жон бор. Хусусан, XI – XII аср ёзма ёдгорликлари тилини текширган Ҳ.Неъматовнинг қуйидаги фикри бунга исбот бўла олади: «Агар кони барды (Қ. – 6241)[5] – «яхшилик кетди» гапида кони сўзи отлашиб келган бўлса, бу гапдан тушириб қолдирилган от контекст асосида англашилиб туриши лозим эди. Лекин рус тилида туркий кони барды структурасига эга бўлган гапларда ҳеч қандай от туркумига мансуб сўз тушириб қолдирилмаганлиги ва бунда гапнинг эгаси мустақил ҳолда абстракт белгини ифодалаб келиши А.М.Пешковский томонидан атрофлича ўрганилган ва исботланган эди[6]. Шунинг учун бундай таҳлилни яна бир марта такрорлашга ўрин йўқ. Иккинчидан, кони барды гапида ҳеч қандай сўзнинг туширилмаганлигини кони ва конилик сўзларининг бундай позицияларда тўлиқ синоним бўлиши ҳам исботлайди: кони барды (Қ. – 6241) ва конилик... барды

---

[1] Мигирин В. Н. Очерки по теории процессов переходности в русском языке. – Бельцы, 1971. – С. 199.

[2] Бабайцева В. В. Переходные конструкции в синтаксисе. – Воронеж, 1967. – С. 7.

[3] Каллиц Е. П. В взаимодействие слов в системе частей речи (межкатегориальные связи). – Свердловск, 1990. – С. 6-7.

[4] Савченко А. Н. Части речи и категории мышления. – Ростов на Дону, 1959. – С. 45-47.

[5] Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (қ. Каримов нашри). – Тошкент, 1971 (мисолларда Қ индекси ва байтларнинг тартиб рақами кўрсатилади).

[6] Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. 2-ое изд., – М., 1920. – С. 70-77.

(Қ. 6250) «яхшилик кетди»; қиёс: ул эсиз йануты – «у ёмонликнинг жавоби» ва эсизлик тилэсэ – «ёмонлик тиласанг».

Ҳозирги туркий тилларда сифат туркумига мансуб бўлиб, -лк//-ли қўшимчаси билан қўшила олмайдиган сўзларнинг ёдгорликлар тилида бу аффикслар билан бирика олиши ҳам ўша давр тилида белги ва предметлик маъноларининг бир-биридан кескин фарқланмаганлигини кўрсатади: озун табъқ нн мэн айайқн йора қзқллқ сарқғлқ оруӈли қара (Қ – 4528) – «ўзингнинг мижозингни мен [сенга] таърифлаб берайин, у қизил, сариқ, оқ ва қора[лардан иборатдир]; қара қул қарасқ болур бэк орун қаралқ ор унли адқртқ коруӈ (Қ – 2046) – «қора – бу қулларнинг қора[лиги], бек [эса] оқ бўлади, [яратувчи] оқ билан қорани (айнан: оқлик ва қоралик белгиларига эга бўлганларни) фарқлади, кўринг»[1].

Ҳ.Неъматов А.Н.Савченко билан ҳамфикр деб бўлмайди, ҳатто мухолиф дейиш мумкин. Чунки А.Н.Савченко бу хил ҳодисалар, яъни бошқа-бошқа туркумга оид сўзларнинг бир хил вазифада келишини транспозиция деб баҳоласа, Ҳ.Неъматов бу хил қарашларга қарши чиқади: *«... кони барды гапида транспозиция ҳодисаси мавжуд бўлса, у ҳолда гапда аффектлилик ва маъно кучайтирилиши бўлиши лозим эди, чунки аффектлилик ва маъно бўрттирилиши ҳар қандай транспозициянинг ажралмас ҳамроҳи ва асосий функциясидир*[2]*. Бу гапда эса аффектлилик маъноси мавжуд эмас, демак, унда транспозиция ҳам йўқ»*[3].

Кўринадики, Ҳ.Неъматов транспозиция масаласига (бу ўринда) қарши чиқади, умуман олганда, лексик-грамматик омонимия ва транспозиция доираси ниҳоятда кенгайтириб юборилган деб ҳисоблайди. Бироқ, бизнингча, бу хил ҳолатлар транспозиция деб аталадими ёки йўқлигидан қатъи назар уларга аффектлик нуқтаи назаридан келиб чиқибгина ҳам баҳо бериб бўлмайди. Ҳозирги тил нуқтаи назаридан бундай «кўчишлар» ёки вазифавий алмашинишлар аффектлиликни назарда тутиши шарт эмас ва назарда тутмайди ҳам. Тўғри, муайян маъно бўрттирилишларга ҳам ўрин берилган ҳолатлар бор. Аммо шу хил ҳолатлар транспозиция, бошқачаси транспозиция эмас, деб ҳам бўлмайди. Қиёсланг:

Дўстингизникига тез боринг <u>ва</u> тез қайтинг.

Дўстингизникига тез боринг<u>у</u>, тез қайтинг.

Ёки, яна: *Қадим замонларда кун <u>ва</u> тун қалин дўст экан.*

Қадим замонларда кун<u>у</u> тун қалин дўст экан.

Биринчи мисолда боғловчи ва юкламанинг алмашиниши муайян аффектга олиб келган, иккинчи мисолда эса йўқ.

Аммо Ҳ.Неъматовнинг кейинги фикрлари воқеа моҳиятига яқинлашишга ёрдам беради: *«Белги ва предметлик маъноларига эга бўлган атиги икки семантик группа сўзларининг морфологик ва синтактик хусусиятларини кўриб*

---

[1] Неъматов Ҳ. XI – XII аср ёзма ёдгорликлари тилида сўз туркумларининг тасниф асослари ҳақида // ЎТА. – 1973. – №6. – Б. 29.

[2] Jakobson P. Lur struktur des rupischen verbums – «Ckaristeria Gvilelma Mathesio qving – vagenario...» - Praka, 1932. – Б. 74.

[3] Неъматов Ҳ. Кўрс. асар. – Б. 74

чиқиш сўзнинг маъноси билан унинг морфологик категориялари ва синтактик функцияси орасида тўлиқ параллизм йўқлигини кўрсатади. Албатта, ёдгорликлар тилида фақат предметларни атаб, белги маъносига эга бўлмаган сўзлар (чунончи, атоқли отлар) ҳамда фақат белгини ифодалаб, предметга ишора этмовчи сўзлар ҳам (чунончи, окуш / тэлим – «кўп», эн – энг в.ҳ.) бор. Лекин бу хил сўзлар, биринчидан, миқдор жиҳатдан ҳам белги ҳам предметликни ифодалай оладиган сўзларга нисбатан озчиликни ташкил этади, иккинчидан, улар ўша давр тилида мавжуд бўлган белги ва предметлик маъноларининг умумийлиги муносабатларининг чеккасида жойлашади. Сўзнинг семантик, морфологик, синтактик хусусиятларини бир белги сифатида қабул қилиб сўз туркумларини тасниф этганда, фақат мана шундай кичик лексик группалар қарама-қаршиликсиз ажратилиши мумкин ва бу группаларнинг оралиғида жойлашган (яъни бир хусусияти билан бир группага, иккинчи хусусияти билан иккинчи группага кирадиган) жуда кўп сўзларнинг ўрни тил системасида аниқ белгиланмасдан қолади. Шунинг учун лексик-грамматик омонимия ва транспозициянинг доираси ҳаддан ташқари кенгайтирилади. Бундай оралиқ ҳодисаларни ташкил этувчи сунъий равишда у ёки бу группага жойлаштирмасдан, уларнинг хусусиятларини изчиллик билан ўрганиб бориш тилни система сифатида ўрганишда катта аҳамиятга эгадир»[1].

Кўринадики, Ҳ.Неъматов *«кўчишлар»* эмас, *«оралиқдаги бирликлар»* ҳақида гапиришни маъқул топади.

Ишимизнинг аввалги қисмларида айтиб ўтганимиздек, оралиқ ҳодисаларнинг мавжудлиги мантиқан ҳам исботланган бўлиб, оралиқ учинчи қонуни диалектик мантиқнинг асосий қонунларидандир. Демак, бу қонуният ёрдамчи сўз туркумлари сирасида ҳам амал қилар экан.

ИККИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА:

1. Ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлар каби ўзининг тадрижий ўрганилиш тарихига эга. «Девону луғотит турк», «Ат-туҳфатуз замонияту фил луғатит туркия» каби асарларда туркий ёрдамчи сўзларни ўрганишнинг тамал тоши қўйилган.

2. Ўзбек тили ёрдамчи сўзларининг ўрганилишида Фитратнинг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг ёрдамчи (кўмакчи) сўзларнинг ўн беш аъзоли таснифи ва юкламалар ҳақидаги фикрлари сўнгги давр ёрдамчи сўзлар таълимотига катта таъсир кўрсатди.

3. Ҳозирги ўзбек тилшунослигида юкламаларнинг аниқланиш мезони, таркиби, бошқа сўз туркумларига муносабати каби масалалар бўйича мунозарали қарашлар мавжуд.

4. Ёрдамчи сўзлар хусусан, юкламалар тадқиқотида оралиқ учинчи ҳодисага жиддий эътибор берилиши керак.

---

[1] Кўрс. асар. – Б. 29-30.

III Б О Б
Юкламаларнинг бошқа сўз туркумлари ва ёндош ҳодисалар билан муносабати
1-§. Юкламалар ва уларнинг маъно турлари

Юкламаларнинг семантикаси борасида, бизнингча, ортиқча мубоҳасага ҳожат йўқ. Юкламалар тўлиқ гапга ёки унинг бир қисмига қўшимча маъно жилоси бериш учун хизмат қилади. Аммо айнан ана шу қўшимча маъно жилоларини ифодалаш учун хизмат қиладиган қатор бошқа бирликлар ҳам мавжуд бўлиб, улар билан муносабат масаласи анча мураккабдир.

Ёрдамчи сўзларнинг бир-бирини алмаштириш хусусиятига ўзбек тилшунослари ҳам эътибор берганлар (*Ёрдамчи сўзларнинг ўзаро алмашишлари ҳақидаги қарашларни кўриб ўтдик*). Аммо назарий баҳо берилган эмас[1].

Ёрдамчи сўзларнинг ўзаро алмашинишларидан ташқари, мустақил сўзлар ҳам ёрдамчи сўзлар вазифасида қўлланиши мумкин. Кўмакчи вазифасида келувчи сўзлар анчагина текширилган бўлиб, уларни от кўмакчилар, феъл кўмакчилар ва равиш кўмакчиларга ажратиш анъанага айланган.

Шунингдек, айрим мустақил сўзларнинг юкламага хос хусусиятлар касб этишини кузатиш мумкин. «*Ўзбек тилининг изоҳли луғати*» дан шундай сўзларнинг айримларини танлаб олдик.

Ўз. Эгалик қўшимчаси билан келиб, иш-ҳаракат шу қўшимчадан англашилган шахс томонидан шахсан, бошқаларнинг аралашувисиз бажарилишини таъкидлаш учун қўлланади. *Бу шеърни ўзим ёздим. Масалани унинг ўзи ечди.*[2]

Қани. Сўроқ ёки ундов гапда афсус, таажжуб каби маъноларни билдиради. *Тўй қани, никоҳ қани, ота-онаси қани, уйи қаерда? – Ҳаммаси ёлғон экан. (Ойбек.)* (II, 549.)

Шу. Кесим вазифасида келиб «мазкур нарсанинг ўзи», «ушбу нарса» маъноларини ифодалайди. *Хоҳласанг – шу, хоҳламасанг – катта кўча. Айтадиган гапим – шу.* (II, 429.)

Мана. 2. Кўрсатиш олмошлари олдида келиб, кучайтирув ва таъкид билдиради. *Урушга орзумандмисиз, мана бу бойвачча укангизни олиб жўнай беринг, йўл очиқ. (Ойбек.)*

3. Ундов гапда ҳайрат, киноя, таажжуб каби маъноларни билдиради. *Ана ҳусну, мана малоҳат! Мана бамаънилик!* (I, 444.)

---

[1] Бозоров О.нинг кўрсатиб ўтилган ишини ҳисобга олмаганда.

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. – М.: Рус тили, 1981. – Б. 494. Қуйида том ва саҳифа рақамини кўрсатамиз (II, 494.) тарзида.

Кимсан. 1. Назарда тутилган шахснинг даражаси юқорилиги таъкидлаш учун ишлатилади. *Кимсан – терифуруш фалончи бой! Кимсан бой хотин экан.* (I, 385.)

Бир. 5. Ажратиш, таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилади. *Камтарлик ҳам бир хислат. Ҳамма рози бўлди, бир мен рози бўлмадим.* (I, 116.)

Айни (а) 1. Худди ўзи, ўзгинаси, нақ ўзи. *Айни ҳақиқат. Бу айни нодонлик.* (I, 33.)

Ақалли. 2. Ҳатто, лоақал. *Чўпон усталик билан олдиларидан ўтдики, ҳеч бирлари ақалли сезмадилар ҳам.* (I, 67.)

Қоқ. II. Худди, нақ, аниқ, айни. *Қоқ иккига бўлмоқ. Қоқ ярим кечада.* (II, 608.)

Юкламалар сираси масаласи бир қарашда анча соддага ўхшаб кўринади. Аммо аниқ мақбул сира тақдим этилган эмас.

Тадқиқотимизнинг тегишли қисмида кўриб чиққанимизда маълум бўлдики, юкламалар сирасини турли олимлар турлича тасаввур этадилар. Бу сирани ажратишда юкламаларнинг модал сўзларга муносабати жуда қизиқарлидир. Модал сўзлар номидан аниқ кўриниб турганидек, модал маънолар ифодалашга хизмат қилади. Юкламалар ҳам ***«қўшимча»*** маънолар ифодалаш учун хосланган.

В.В.Виноградовнинг фикрича, модал сўзлар юкламаларга яқин келади. Уларнинг фарқи, унинг қарашларига кўра, модал сўзнинг тўлиғича гапга, юкламанинг эса сўзга тегишли бўлишидадир[1]. Кўринадики, у модал сўз ва юкламаларни фарқлаш тарафдори. Ўз фикрини шакллантиришда И.И.Мешчаниновнинг фикрларига суянади. Сўз туркумлари ва гап бўлакларининг муносабатига катта эътибор билан қараган олим гап таркибида модал маъно ифодалаш учун хизмат қилувчи ҳар қандай бўлак ҳам юклама бўла олмаслигини таъкидлаган эди[2].

Юкламалар муайян сўзга (атовчи бирликка) қаттиқ боғланади, энклиза ҳолатида сўзнинг фонетик таркибига кириб кетиши ҳам мумкин *(борибоқ)*. Фонетик бутунлик сезилмаганда ҳам, семантик боғлиқлик жуда кучли бўлади (Диахрон планда кузатилганда ҳам, бунга мисоллар бор. Хусусан, *оппоқ* – тарихан *ап+ақ* (Девон)).

Модал сўзлар вазифасига кўра юкламаларга жуда яқин келса-да, улар, дарҳақиқат, бутун гап мазмунига тегишли бўлиб, муайян сўз (атов бирлик) билан сингишиб кетмайди. Гап таркибида «кириш сўзлар» деб аталган вазифада келишга, одатда, шунинг учун ҳам модал сўзлар мослашади.

Юқордагилардан келиб чиқиб, бизнингча, юкламалар таркибига *нега десанг, бўлмаса, аксинча, борди-ю, демак, айтгандек, авваламбор, боринги, хайрият, афсус, таажжуб* ва ҳоказоларни киритиб бўлмайди.

Афтидан, юклама-боғловчилар атамаси ҳам ёрдамчи сўзларнинг ўзаро функциядош бўла олиш имкониятидан келиб чиқиб ўз аҳамиятини йўқотади.

---

[1] Виноградов В. В. Русский язык. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 597.

[2] Мещанинов И. И. Члены предложения и части речи. – Л.: Наука, 1978. – 387 с.

Биз юкламалар сирасига қуйидагиларни киритамиз: *-ки, -ку, -да, -у(-ю), ҳам, -ми, -чи, -а(-я), фақат, на... на, тугул, -оқ(-ёқ), -гина, -дир, -гин, қоқ, ақалли, наҳот, наҳотки, агар, мабодо, башарти, атиги, ниҳояти, тим, лиқ, лим, ғирт, ғарқ, жиққа, -жон, -ой, -хон, -бек, -пошшо, -бону, худди, нақ, нақадар.*

Бу юкламаларни қуйидаги семантик гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) кучайтирув-таъкид юкламалари: *-ки, -да, -у(-ю), -а(-я), ақалли, ҳам, -ку, нақадар, атиги, ниҳояти, тим, лиқ, лим, ғирт, ғарқ, жиққа;*

2) айирув юкламалари: *фақат, -гина;*

3) таажжуб юкламалари: *наҳот, наҳотки;*

4) шарт юкламалари: *агар, мабодо, башарти;*

5) субъектив баҳо юкламалари: *-жон, -ой, -хон, -бек, -пошшо, -гин;*

6) инкор юкламаси: *на... на, тугул;*

7) сўроқ юкламалари: *-чи, -ми;*

8) аниқлов юкламалари: *худди, нақ, қоқ;*

9) гумон юкламаси: *-дир.*

Юкламаларнинг асосий хусусияти икки жиҳатда кўринади:

1) улар сўзнинг таркибига тўлиқ сингиб кетади. Маъноси сўз сememасига битта окказионал сема бўлиб қўшилади;

2) уларнинг вазифа бажариш жараёни муайян гап бўлагининг фақат семантик жиҳатига дахлдор бўлиб, уларнинг конструктив ва позицион жиҳатига таъсир этмайди[1].

Кўрсатилгандан бошқа ҳамма ҳолатлар шаклан ҳар қандай ўхшашлигидан қатъи назар юклама ҳақида гап бормаётганини кўрсатади[2].

Мисолларга мурожаат этсак:

Нақадар гўзал бир гул-а[3].

Бу гапдаги *«нақадар»* ва *«-а»* юкламалари гап таркибида нопредикатив модаллик ифодаламоқда. Уларни гап таркибидан тушириш фақат гапнинг ифодавийлигига таъсир қилиб, мазмун планини ўзгартирмайди.

Ўзимизнинг Шодасой лолалари эсингдами, ўтдек ёнарди-я! (А.Мухтор) гапида ҳам юклама бажараётган вазифа кўрсатилганидан фарқ қилмайди. Умуман, ҳар қандай юкламанинг ўрни гапнинг экспрессив томонигагина қарашли бўлиб, конструктив ва мазмун жиҳатларига тегишли эмас.

Яна қаранг:

Вой, мана томди, илиқ-милиқ, қўлингни олиб кел-<u>чи</u>! (А.Мухтор)
Бир мусаффо қор учқунлаб, бу ҳавонинг ғуборини олиб кетса-<u>чи</u>! (А.Мухтор) Патирларни курсиллатиб-курсиллатиб ўзим ейман – нуқул мой-<u>а.</u> (Ойбек) Неча марта учрашай дедим-<u>ку</u>, вақтим бўлмади. (Ойбек) Тансиқ, концерт тугамасдан<u>оқ</u>, ўртоғининг уйига илдам жўнади. (Ойбек)

---

[1] Бу майдон сифатида олинган юклама сўз туркумининг ядровий хусусияти бўлиб, периферияда қўшни ядролар таъсирида муайян ўзгаришлар юзага келади. Бундай ҳолатлар борасида ишимизнинг кейинги қисмларида тўхталиб ўтилади.

[2] Юкламаларнинг бошқа ёрдамчилар билан муносабатига алоҳида тўхталиб ўтилган.

[3] Мисоллар «Ўзбек тили грамматикаси»дан олинди. (1975)

Аммо ҳамма юкламаларда ҳам кўрсатиб ўтилган хусусият бир хил даражада, деб бўлмайди. Масалан, қуйидаги гапларда қўлланган «***ҳам***» юкламаси гап конструктив планидаги ўрни жиҳатидан кўрсатиб ўтилганларидан айтарли фарқ қилмаса-да, аммо мазмун ифодалашига кўра ҳам, фақат экспрессив деб баҳолаб бўлмайди.

Уйга ҳам кирмадим, шу кетганимча кетдим. (А.Қаҳҳор)

Хотиржам бўлган ҳожи кечқурунги овқатга қизининг чиқмаганлиги билан ҳам иши бўлмади. (Шуҳрат)

Лекин кейинчалик бундан-да воз кечади. (Ойбек)

Бироқ гап қурилишида муайян ўрин тутувчи ҳолатлар ҳам мавжуд.

Наҳотки сизга ёмонликни раво кўрса, ишонмайман. Наҳотки иш шу қадар жиддий бўлса? (А.Мухтор)

Ҳар қандай сўз туркумлари каби ядро қисмидан узоқлаша бораётган бундай бирликлар, диалектик изчилликни таъминлаб ёндош туркумлар билан боғловчи бирликларга айлана боради. Айрим юкламалар гап конструктив ва коммуникатив планига шу қадар таъсир ўтказадики, уларни юкламалар сирасидаги ўрни ҳам шубҳали бўлиб қолади. Масалан, қиёсланг:

1. *– Бир гап айтаймми?*
   – Айт-чи!
2. *– Биз дам олгани кетяпмиз.*
   – Мен-чи?

(1) мисолдаги *-чи* ва (2) мисолдаги *-чи* нинг гапдаги мавқеи турличалиги сезилиб турибди. (1) даги *-чи* фақат экспрессив маъно ифодалаб, унинг юкламалиги ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди.

(2) даги *-чи* эса гапнинг коммуникатив мақсадини ўзгартиради.

Бундай оралиқ ҳолатлар анча эканлиги юкламаларнинг ички муносабатлари тизимини ўрганишга қиёслаш мезонини татбиқ этиш жараёнида кўриниб қолади. Бундай қўлланишларда юкламалар гапнинг конструкциясини ўзгартирмайди, бироқ ифода мақсадига таъсири анча кучли бўлади. Бу хил ҳолатлар жуда қизиқарли бўлиб, юкламаларни шакл ясовчиларга жуда яқинлаштиради:

Шаҳар жуда ҳам ўзгариб кетибди-да, а? (А.Мухтор)

Бутун бошли бир мамлакатни-я? (А.Мухтор)

Ота ва акаларининг ҳузурида жилла ошиб-тошмаса ҳам, улар йўқ вақтда қиз ўзини, «уй боши» ҳисобларди. (Ойбек)

Бу жиноятнинг номи йўқ, бўлганда ҳам тилга олиб бўлмайди. (Шуҳрат)

Шунингдек, айрим юкламалар мавжудки, улар сўзнинг семем таркибига битта узв бўлиб қўшилиб[1], унинг мазмун қурилишига чуқур кириб боради. Ўзи қўшилган сўзнинг мазмунини ўзгартириш орқали гапнинг ифода мақсадига ҳам таъсир кўрсатади: *Насимжон болалардан биттасининг қулоғига нима**дир** шивирлади. (Ойбек)*

Қиёсланг:

Насимжон болалардан биттасининг қулоғига нима шивирлади?

[1] Албатта, бу ўринда аниқ муайян қўлланиш назарда тутилмоқда, узуал план эмас.

Ёки, ***-дир*** нинг ўрнига эътибор беринг:

Бола уқдим, дегандай бошини қимирлатиб, қаергадир ўқдай учди. (Ойбек)

Яна қаранг:

Унинг эсига на севги, на истироҳат келди. (Ойбек)

Кўчадан якка ўзи қўлини силкитиб кетаётган Ванянинг ажойиб чеҳрасини на Клава, на бошқа киши кўрарди. (А.Фад.)

Кўринадики, юклама асосан сўз мазмун планига алоқадор бўлса-да, баъзида гап доирасида ҳам муайян вазифа бажара олади. Аммо бу вазифа юкламадан эмас, юклама боғланган сўзнинг гап таркибида эгаллаган мавқеидан келиб чиқади. Юкламалик хусусияти юкламаларнинг ҳамма қўлланишларида сезилса-да, бошқа ёндош ҳодисалар томон силжиш ҳолатлари ҳам кенг тарқалган. Ана шу силжишларни ҳисобга олмай туриб, юкламанинг тил тизимидаги ўрнини белгилаб бўлмайди.

Юкламаларга энг яқин ёндош ҳодисалар – кўмакчилар, боғловчилар ва модал сўзлар бўлиб, уларга қисқача тўхталиб ўтсак.

2-§. Юкламалар ва модал сўзлар

«Модал маъно ифодаловчи юкламалар ва модал сўзлар орасидаги чегара жуда ноаниқ ва беқарордир»[1]. Шунингдек, тилшуносликда модал сўзларнинг тил тизимида тутган ўрнига муносабат ҳам хилма-хил. Хусусан, рус тилшунослигида «модал сўзлар» туркуми ажратилса ҳам, бу ажратиш қатъий деб бўлмайди. Рус классик тилшунослиги намоёндалари бу туркумни ажратар эканлар, ўз сафдошларидан кимларгадир ҳавола бериб, у шу туркумни ажратгани учун ҳам ана шу хулосага келганини кўрсатиб ўтади. Хусусан, В.Виноградов С.И.Абакумовга ва И.И.Мешчаниновга суянса, И.И.Мешчанинов ўз навбатида уларга ҳавола беради. С.И.Абакумов эса айнан В.Виноградов модал сўзлар туркумини биринчи бўлиб ажратганлигини таъкидлайди[2].

Ўзбек тилшунослигида эса модал сўзларга муносабат деярли бир хил бўлиб: *«Сўзловчининг ўзи англатаётган фикрнинг аниқлигига, чинлигига ишонч даражасини ифодалаш учун хосланган сўз **модал сўз** дейилади. Модал сўз фикрнинг чинлиги, аниқлиги, қатъийлиги ёки гумонли, чамали эканлиги каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади, шакл жиҳатдан ўзгармаслиги билан характерланади»*[3].

Модал сўзларнинг ўзгармаслиги ва маъноси уларни юкламаларга жуда яқинлаштиради. Аммо гап таркибидаги вазифа ўташ ва сўз туркумларига ажратиш жараёнидаги муносабатларига ҳушёрлик билан қараган И.И.Мешчанинов ҳар қандай кириш сўзнинг модал сўзлар сирасига киритилишига қарши чиқади. Рус тилида кириш сўз вазифасида жуда кенг қўлланувчи «несомненно», «говорят», «черт возмьи», «утверждают» кабиларни модал сўзлар сирасидан чиқаради. Аммо шу билан бирга айнан синтактик

---

[1] Виноградов В. В. Русский язык. – М.: Вкcшая школа, 1986. – С. 106.

[2] Виноградов В. В. Указ. соч. – С. 601-603. Мещанинов И. И. Члены предложения и части речи. – Л.: Наука, 1976. – С. 345-347. Абакумов С. И. Современный русский литературный язык. – М., 1942. – С. 109.

[3] Ўзбек тили грамматикаси. I том. – Тошкент, 1975. – Б. 582.

жиҳат модал сўзларнинг релевант белгиси эканлигини ҳам таъкидлайди ва «кириш сўзлар туркуми» атамасини ҳам «модал сўзлар туркуми» атамаси билан ёнма-ён ишлатаверади: *«Алоҳида ажратилаётган кириш (модал) сўзлар туркуми сирасига... фақат субъектив баҳо ифодаловчи кириш сўз бўлиб қўлланиш учун махсус хосланган... сўзларнигина киритиш мумкин. Уларнинг ташқи белгиси шаклининг ўзгармаслиги, келишик ва бошқа хил аффиксларнинг то архаик ҳосилалар даражасигача қотиб қолиши ҳисобланади. Шаклининг ўзгармаслиги билан улар маълум даражада, бир томондан, равишлар билан, иккинчи томондан, ҳолат категорияси билан яқинлашади ва кўрсатиб ўтилган синтактик вазифасига кўра улардан кескин фарқ қилади»*[1].

Модал сўзлар равишлардан шуниси билан фарқ қиладики, улар гап таркиби, хусусан, кесим билан синтактик жиҳатдан боғланмайди. Сезилиб турган муайян боғланиш фақат семантик жиҳатдан анчагина кучли бўлади.

И.И.Мешчанинов, юқорида айтиб ўтилганидек, уларнинг синтактик вазифасига алоҳида эътибор билан қарайди ва модал сўзларнинг алоҳида туркум бўлиб ажралиб чиқишига айнан синтактик жиҳат асос бўлганлигини кўрсатади. Генетик жиҳатдан бошқа сўз туркумлари билан алоқаларини тиклашга ҳаракат қилади: мол (молвить), дескать (дей сказать)...

Модал сўзларнинг моҳиятида синтактик вазифа жиҳатининг ўрнига алоҳида эътибор билан қараш ўзбек тилшунослигида ҳам учрайди. Хусусан, А.Р.Сайфуллаев гапнинг кириш бўлакларини модал бўлаклар деб атайди ва бу хил бўлакларнинг ифода планида модал сўзларнинг ўрнига алоҳида эътибор беради[2].

Модал сўзларнинг юкламаларга жуда яқин келишини (яъни гап таркибида пропозицион мустақил бўлак бўлолмайди) кўрсатувчи синтактик жиҳати, ўз навбатида, уни юкламалардан фарқли эканини ҳам кўрсатади. Модал сўзларнинг қўлланишига назар солсак:

Дарҳақиқат, бу можаронинг бошқа оқибатлари ҳозир унинг кўзига ўз-ўзидан барҳам топган ва топаётгандай кўринар эди. (А.Қаҳҳор)

Дарвоқе, бу гап раиснинг уйида ҳам айтилган эди. (С. Назар)

...Лекин жигар... эсга тушса, ачинаман, албатта. (Уйғун)

Ҳа, яна бир таъзирингни берадиган бўлдим, чамаси! (Уйғун)

Юкламаларнинг қўлланиши билан қиёслаганда кўринадики, юклама ***сўзга – гап бўлагига***, модал сўзлар эса ***бутун гап семантикасига*** тегишли бўлади. Айнан шу жиҳатдан модал сўзлар ва юкламалар ўзаро фарқланади.

3-§. Юкламалар ва боғловчилар

Юкламалар ва боғловчиларнинг муносабати ҳақида гап кетганда, асосан, юкламаларнинг боғловчи вазифасида қўлланиши назарда тутилади: М.: *« **-у(-ю)** юкламаси уюшган бўлаклар орасида келганда боғловчи вазифасини бажаради ҳамда у **ва** боғловчисига мос келади: Қиз эртаю кеч... соатга қарайди,*

---

[1] Мещанинов И. И. Указ. соч. – С. 348-349.

[2] Сайфуллаев А.Р. Семантика и грамматика членов предложения в современном узбекском языке. – АДД. – Тошкент, 2001. – С. 24-25.

дақиқалар санайди. (Ҳ.Ғулом) Бу ҳувиллаган далада Қўлдош бобою шарқ уфқидаги ҳароратсиз қуёш баркашидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. (Ҳ.Ғулом.)»[1]

«Баъзан ва боғловчиси ўрнида -у(-ю) юкламаси ҳам уюшган бўлаклар, айрим гаплар орасида келиб, бириктирувчи боғловчи вазифасида ишлатилади. Бу ҳолда улар орасидаги боғланиш жуда мустаҳкам бўлади»[2].

Шунингдек, қуйидагича фикрлар ҳам учрайди: *«Такрорий боғловчиларнинг бир қисми эса фақат такрорлангандагина боғловчи саналади, якка қўлланганда эса ўзи мансуб бўлган сўз туркумига тааллуқли бўлади (...ҳам – юклама ...)»*[3]. Бу фикр асоси учун қуйидагича мисол келтирилади: *Раис отам ҳар вақт шундай дейди: ҳам ўқи, ҳам тўқи, ўйинни эртага қўй. (Ойбек.)*

Аммо *ҳам* саналаётган бўлаклар ёки гаплар ортидан келганда юкламага айланади, деб ҳисобланади:

Ноиложликда ўзича буни оқлаш учун қандайдир сабаб, ўзига ҳам, менга ҳам тасалли қидирар эди. (А.Мухтор) Ўртанчаси бўлса йиғламайди ҳам, кулмайди ҳам. (А.Мухтор) Каромат опам гўзалликда ҳам, шўхликда ҳам, ўйинга усталикда ҳам ўртоқларидан қолишмайди. (Ойбек)

Баъзида боғловчининг юклама вазифасида кела олиши ҳам айтилади. Масалан, айрим тадқиқотчилар *«Аммо лекин ҳаётни ортиқча расмиятлаштириб юбораяпмиз»* типидаги гапларда боғловчи кучайтирув юкламаси вазифасида келганлигини айтиб ўтадилар[4].

Тилшуносликда боғловчи-юклама, юклама-боғловчи каби атамалар ҳам қўлланилади. Масалан: «ҳам... ҳам бириктирув боғловчиси таъкид маъно бўёғига эгадир. На... на инкор маъносини ифодалайди. Буларнинг ҳар иккаласи боғловчи-юклама ҳисобланади»[5].

Шунингдек, О.Бозоров ҳам номзодлик ишида боғловчи-юклама ва юклама-боғловчиларни ажратган эди *(Бу ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик)*.

Рус тилида ҳам юкламалар ва боғловчилар орасидаги муносабат ўзбек тилидаги каби бўлиб, ўз вақтида В.В.Виноградов кучайтирув-айирув юкламаларига нисбатан камроқ ифодали (экспрессив) бўлган боғловчига жуда яқин келувчи юкламалар ҳақида сўз юритган ва уларни қўшувчи юкламалар (присоединительные частицы) деб атаган эди.

Қўшувчи юкламалар сирасига *тоже, также, к тому же, и то, притом, все* кабиларни киритган эди. Унинг фикрича: *«Уларнинг кўплари боғловчилар билан аралашиб ва баъзида қўшилиб кетади. Бу ўринда боғловчи ва юкламаларнинг чегараси кесишиб, баъзида жуда беқарор ва ўзгарувчан бўлиб қолади»*[6].

Кўринадики, юкламаларнинг боғловчи вазифасида келишига қарашларни икки гуруҳга жамлаш мумкин:

---

[1] Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 578.
[2] Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1980. – Б. 426.
[3] Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. – Б. 567.
[4] Неъматов Ҳ. ва бошқ. 7-синф. Она тили дарслиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – Б.54.
[5] Ўша ерда. – Б. 44.
[6] Виноградов В. В. Указ. соч. – С. 547.

биринчи гуруҳга боғловчи вазифасида келувчи махсус юкламалар гуруҳи боғловчи-юкламалар мавжуд деб ҳисобловчилар;

иккинчи гуруҳга боғловчи вазифасида келиш юкламаларнинг алоҳида бир турини эмас, ёрдамчи сўзларнинг ўзаро муносабатларини характерловчи ҳодиса деб қаровчилар киради.

Юкламалар боғловчи вазифасида келганда ҳам ўзининг юкламалик хусусиятини йўқотмайди. Уларнинг боғланаётган бирликлар орасидаги ўрни барибир боғловчилардан кўра юкламаликка яқин келади. Уларнинг олиб ташланиши бирликларнинг сочилиб кетишига олиб келмайди. Боғланиш зидлиги сусайиши мумкин, аммо бу ҳам юкламаларга кўпинча хос бўладиган кучайтирув-таъкид маъносининг йўқолиши билан кўпроқ боғлиқ, бизнингча, конструктив омиллар билан эмас. Масалан, қиёсланг:

Мабодо хизмат қилмоқчи бўлсангиз, иш берамиз. (Ҳ.Ғулом) // Хизмат қилмоқчи бўлсангиз, иш берамиз.

Башарти булар катта бўлса, ҳар бири дадасининг ўрнини босади. (Ҳ.Ғулом) // Булар катта бўлса, ҳар бири дадасининг ўрнини босади.

Юклама ва боғловчиларнинг вазифадош бўлишида конструктив омиллар кам роль ўйнашига тилшунослар эътибор билан қараганлар ва *«Бу ёрдамчиларнинг ёлғиз ўзи ҳеч қандай эргаш гапни бош гапга боғлай олмайди»*[1] деб тўғри таъкидлаганлар.

Демак, юклама ва боғловчининг муносабати юклама томонидан мавжуд бўлган боғлиқликнинг мустаҳкамланиши билан чегараланади. Шу туфайли ҳам боғловчи-юкламалар эмас, боғловчига ёрдамчи ёки яқин юкламалар ҳақида гапирган маъқул. Айнан ўшалар боғловчи ва юклама туркумлари чегарасида туриб системавий узвийликни таъминлашга хизмат қилади.

4-§. Юкламалар ва кўмакчилар

Юкламалар ва кўмакчилар орасидаги муносабатларга тилшунослар алоҳида эътибор бермайдилар. Аммо бу икки ҳодисанинг бир гуруҳ (ёрдамчи сўзлар)да берилишининг ўзиёқ уларда умумий жиҳатлар борлигини кўпчилик тан олишини кўрсатади.

Тадқиқотчи И.Мадраҳимов лексемаларни синтактик жиҳатдан таснифлар экан, «мучаланмас лексемалар синфининг икки босқичли ички гуруҳланишида ажратиладиган кўмакчи, боғловчи, юкламалар; кўмакчи, боғловчи тўплари ва туркумларнинг синтактик хусусиятлари бу тўп ҳамда туркумларнинг *«Боғлаш»* ва *«Сўзни сўзга боғлаш»* белгилари асосида нотўлиқ зиддиятга моҳиятан мос эканини сезиш мумкин»[2], деб ёзади ҳамда қуйидаги чизмани келтиради:

---

[1] Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. – Тошкент, 1976. – Б. 373.

[2] Мадраҳимов И. Ўзбек тилида сўзнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари: Филология фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 1994 – Б. 97.



Синтактик жиҳатдан юклама ва кўмакчилар орасидаги зиддият приватив эканлиги аниқ. Мазмунан эса эквиполентдир. Чунки юклама ҳам, кўмакчи ҳам сўзнинг мазмунига таъсир кўрсатади. Бироқ кўрсатиб ўтилган синтактик табиатидан келиб чиқиб кўмакчи ифодалаган қўшимча маъно туси «ташқарига», юкламанинг маъно туси эса «ичкарига» йўналади. Кўмакчининг асосий вазифаси боғлаш, маъно ифодалаш эса унинг моҳиятида ҳамроҳ хусусиятдир. Юкламанинг асосий вазифаси маънога муайян тус бериш бўлиб, шунинг учун ҳам *«боғлаш»* белгисига асосланган зиддиятда кўмакчи кучли (+), юклама кучсиз (0) аъзодир.

Кўмакчи ифодалаган мазмуннинг «ташқарига» йўналганлиги юкламага нисбатан муайян мустақиллик (бу фонетик планда ҳам кўринади: юклама сўз билан кўмакчига нисбатан зичроқ фонетик яхлитлик ҳосил қилади) беради. Афтидан, кўмакчилар тизимида «функционал кўмакчилар» сирасининг мавжудлигига ҳам ана шу хусусият сабаб бўлган.

5-§. Юкламалар ва ундовлар

Юкламалар ва ундовларни икки жиҳат бир-бирига яқинлаштиради:

биринчиси, морфологик жиҳат. Морфологик жиҳатдан юкламалар ҳам, ундовлар ҳам ўзгармасдир;

иккинчиси, семантик жиҳат. Ундовлар ҳам эмоционал-экспрессив маъно ифодалайди.

Кўринадики, ундовлар ва юкламалар бир-бирига бу жиҳатлардан жуда ўхшайди. Аммо фарқли жиҳат ҳам мавжуд бўлиб, бу синтактик жиҳатдир.

В.В.Виноградовнинг фикрича, рус тилшунослигида ундовнинг моҳияти айнан акад. А.А.Шахматовнинг синтаксис борасидаги кузатишлари натижасида очилган[1].

Ундовларнинг моҳиятини очиб бериш учун А.А.Шахматов характерли иккита ҳолатни қиёслаган эди:

Дай мне воды! //

Воды!!!

Ундовлар, унинг фикрича, хоҳиш ёки ироданинг бўлинмас ифодасидир.

Ўзбек тилидаги ундовлар ҳам моҳиятан муайян аффектив мазмунни ифодалаш учун ишлатилади:

Э-ҳа, – кулиб юборди у. – Эшонхон ошиқдир-да, сенга... (Ойбек)

Оҳ, дедим, овора бўлдим.

О, – деди Барно ва ясама кулди. (О.Ёқубов)

Ҳай, ҳай-ҳай... Битта жонига ҳам ўқитувчи, ҳам мухбир, ҳам танқидчи, ҳам олим! Боринғки, салкам Афлотун! (А.Муқимов)

Кўринадики, ўзбек тилида ҳам ундовлар алоҳида гап ёки гапнинг бутун мазмунига тегишли бўлган, синтактик боғланмаган бўлак вазифасида келади. Лўнда қилиб айтганда, у гапга тегишли бўлади. Айнан шу жиҳати билан сўзга тегишли бўладиган юкламалардан фарқланади.

Аммо баъзида ундовларнинг сўзга тегишли бўлиб қолган ҳолатлари ҳам учрайдики, шу хил ўринларда улар юкламалар билан жуда зич боғланади. Айрим ҳолатларда юкламалик вазифасини ҳам бажариши мумкин. Жумладан, филология фанлар доктори О.Бозоров ўзининг номзодлик ишида шу хил ҳолатларни таҳлил қила туриб, ***-э, -е, -ай, -эй***... кабиларни «ундовлар билан боғлиқ юкламалар» (частицы, соотносительные с междометиями) деб атаган эди. Масалан, қуйидаги ҳолатларда:

Карим ямоққа қараб ўшқирди: Суф сенга-е! (С.Абдулла)

Нафасингизни совуқ қилманг-эй, – Назира жеркиб берди. (С.Абдулла)

Бормисан-ей, жигарим, – дея севиниб кетди аёл. (Ж.Абдуллахонов)[2].

Кўринадики, ундовлар ва юкламалар ниҳоятда яқинлашган. Аммо бу ҳали кўрсатиб ўтилган ундовлар юкламаларга тўлиқ ўтиб кетди, дегани эмас. Сўз билан боғланиш узилиб, гапга тегишлилик позицияси тикланса, (айнан шу имкониятнинг мавжудлиги релевант белгидир), яна ундовлик хусусиятлари очилади.

Масалан, қиёсланг:

Нафасингизни совуқ қилманг-э, – Назира жеркиб берди. //

Э, нафасингизни совуқ қилманг, – Назира жеркиб берди.

6-§. Юкламалар ва қўшимчалар муносабати

Юкламалар ва қўшимчалар муносабатига жуда кўп тилшунослар эътибор билан қарашган. Бундай қарашларнинг юзага келишига сабаб шаклан уларнинг баъзан бир-бирига яқин келишидир. Аммо бу шаклий яқинликни тўлиқ деб

[1] Виноградов В. В. Русский язык. – М., 1986. – С. 613.

[2] Бозоров О. Частицы в узбекском языке. – М., 1982. – С. 162-164.

бўлмайди, қўшимчаларга хос бўлган ўзак билан фонетик яхлитлик юкламаларга хос эмас.

Ана шу жиҳати юклама ва аффиксларни икки қутб сифатида қарашга олиб келган[1].

Аммо бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Хусусан, В.В.Виноградов юкламаларни сўзликдан қўшимчаликка силжиб бораётган бирликлар деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, муайян сўзга боғланиб қолиши уларни қўшимчаларга яқинлаштиради. Олим бундай ҳолатдаги юкламаларни «прилеп» («ёпишма», «ўсимта») деб атаб, рус тилида агглютинация элементлари деб баҳолайди[2].

И.И.Мешчаниновнинг эса бу борадаги фикрлари янада қизиқарлидир. У юклама ва қўшимчалар муносабатини алоҳида кўриб чиқмайди. Аммо қуйидаги фикридан маълум бўладики, уларни жуда яқин баҳолайди: «*...юкламалар сўзнинг синтактик шаклланувида ҳам, янги луғавий бирликлар ҳосил қилинишида ҳам кенг қўлланилади. Кейингилар сирасига, масалан, не инкор юкламалилик сўз ҳосилалар (слово образования) кириши мумкин: друг сўзидан недруг, хороший сўзидан нехороший, хорошо сўзидан нехорошо ва бошқ.*»[3].

Демак, рус тилида юкламалар бир томондан сўз ўзгартирувчи, иккинчи томондан сўз ясовчи қўшимчаларга яқин келиши таъкидланмоқда.

Ўзбек тилида ҳам юкламаларнинг вазифа ўташ жараёнида дам у, дам бу хил қўшимчаларга яқин келиш ҳолатлари учрайди *(Шу борада, яъни муайян бирликларнинг юкламами ёки қўшимчами эканлиги борасида бўлиб ўтган мунозараларни тадқиқотимизнинг тегишли қисмида баён этдик)*. Аммо: *«Уларнинг морфологик қўшимча эмаслиги, шундан келиб морфологик категорияларга бирлаша олмаслиги ҳам аниқ. Морфологик категория аъзолари ўзаро изчил зиддиятлар тизими ҳосил қилади, бир умумий грамматик маънони парчалайди»*[4] юкламаларда эса бу хусусият йўқ.

Н.Д.Арутюнова ҳам юклама ва қўшимчаларни фарқлаш мезонларини таклиф этган. Унинг фикрича: *«...қандайдир V сўзини шакллантирувчи n «ёрдамчи элементи», агар V дан келиб чиқувчи қандайдир ZV бирикмаси мавжуд бўлса ва унда Z албатта ўша n ёки n га боғлиқ бошқа ёрдамчи элемент билан шаклланса-гина ва фақат шунда, аффикслар сирасига киради. Акс ҳолатда, яъни бундай бирикма тилда бўлмаса, n элементи юкламалар сирасига киради»*[5].

Масалан, эгалик қўшимчаси шунинг учун ҳам қўшимчаки, у билан боғланган сўзда қаратқич келишиги, албатта, мавжуд.

-оқ(-ёқ), -да шунинг учун ҳам юкламаки, улар таркибига кирган сўз ўзи боғланаётган сўзда яна бирор шакл бўлишини талаб этмайди.

---

[1] Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 49.

[2] Виноградов В. В. Указ. соч. – С. 554.

[3] Мещанинов И. И. Указ. соч. – С. 373.

[4] Шаҳобиддинова Ш. Айрим қўшимчаларнинг мавқеи хусусида // ЎТА. – 2000. – №5. – Б. 27-28.

[5] Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М., 1972. – С. 223.

Ўзбек олимаси Ш.Шаҳобиддинова бунга шундай изоҳ беради: *«...туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятлари, табиийки, бу қоидада акс этмаган...*

Биринчидан, туркий тилларда бирикма таркибида муайян ўзаро боғлиқ элементлар билан шаклланувчи мажбурий ҳолат деб белгилаб бўлмайди. Масалан, инсон бахти бирикмаси ҳам бирдек қонунийдир. Бу ўринда ўзаро боғлиқ элементлар билан шаклланув эмас, шаклланув имконияти хусусида гапирган маъқулроқ.

Иккинчидан, ушбу қоидага тўла амал қилиш, туркий тиллар учун табиий бўлган айрим морфологик категорияларни парчалаб юборади.

Хусусан, сон категорияси аъзоси -лар муайян бирикмада бирикма аъзоларининг бирининг таркибида туриб, иккинчисининг шаклланувига бевосита таъсир кўрсатмайди. Туркий тиллар учун ҳатто, кесимнинг эга билан сонда мослашуви шарт эмас: Дарахтлар гуллади. Йиллар ўтди. Одамлар йиғилди. Бундан -лар юклама деган хулосага келиш мумкин.

Бироқ -лар нинг умумий граммматик маъноси (ноаниқ миқдорий кўплик ифодалаш) унга муайян синтактик-синтагматик хусусиятлар беради. -лар билан шаклланган сўз фақат ноаниқ миқдор ифодалаш зарур бўлган матндагина юзага чиқади... Бундан ташқари -лар матн бутунлигини таъминлашда сон категориясининг иккинчи кўрсаткичи О – ноль кўрсаткич билан биргаликда иштирок этади. Уларнинг системали ўрин алмашуви матн структурасига изчил таъсир этади. Иккита қовоқ идиш осиғлиқ турибди. Уларда қатиқ бўлса керак. (Ғ.Ғулом)»[1]

Ш.Шаҳобиддинова Н.Д.Арутюнова таклиф этган қоидага танқидий ёндашиб, туркий тиллар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги қоидани тақдим этади: *«Муайян кўрсаткич* ***-n*** *агар бирикма, гап, матн қурилишига муайян грамматик таъсир кўрсатса, ўзига ўхшашлари билан изчил зиддиятли боғланишлар асосида дистрибутив муносабатларда турса – қўшимча, акс ҳолда юкламадир»*[2]**.**

Ана шу қоидани татбиқ эта бориб *-жон, -хон, -ой, -ча, -чак, -(а)лоқ, -чоқ* кабиларни юкламалар сирасига киритади.

Кўринадики, таклиф этилган қоида ўзбек тили учун анча мақбул. Бироқ тадқиқотчи юкламалар ва қўшимчаларнинг ўзаро муносабатларини (ўз текшириш йўналиши табиатидан келиб чиқиб бўлса керак) баҳоламайди. Ҳолбуки, икки қиёсланаётган предмет умумий жиҳатларга ҳам эга бўлиши диалектик қонуниятдир.

Юкламалар қўшимчаларга, аниқроқ айтганда, қўшимчаларнинг қайси турига яқин келади?

Сўз мазмунига кўрсатган таъсири ва грамматик имкониятларига кўра юкламалар, бизнингча, шакл ясовчиларга яқин келади.

Аммо юкламаларнинг сўз ўзгартирувчиларга яқин келган ҳолатлари ҳам мавжуд.

---

[1] Шаҳобиддинова Ш. Кўрс. асар. – Б. 28.

[2] Шаҳобиддинова Ш. Кўрс. асар. – Б. 29.

Масалан, -ми юкламасининг маъносини *«қўшимча маъно»* ёки *«маъно туслари»* сирасига киритиш доим ҳам мумкин эмас. Чунки у ифодалаётган маъно «модал» бўлса-да, бу модаллик предикатив бўлиб, гап мазмуний структурасида алоҳида ўрин тутади.

Қиёсланг:

Сен эртага далага чиқасан. //

Сен эртага далага чиқасанми?

Биз эртага далага чиқамиз, сен-чи?

Демак, бу жиҳатдан уларни сўз ўзгартирувчиларга яқинлаштириш мумкин. Чунки сўз ўзгартирувчилар сингари муайян конструктив-коммуникатив ўзгаришларга олиб келади.

Демак, юкламалар сўзнинг асосан мазмун планида ўзгариш ясаши билан кўпроқ **шакл ясовчиларга** яқин келса-да, **сўз ўзгартирувчиларга** яқин ҳолатлар ҳам мавжуд.

Юкламаларнинг бошқа сўз туркумлари ва унга ёндош ҳодисаларга муносабатини 3-чизмада кўриш мумкин.

УЧИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА:

1. Юкламалар шундай бирликларки, улар гапнинг мазмун аспектига хизмат қилади. Шу боисдан модал сўзларга ёндош ҳодиса ҳисобланади. Булар орасидаги асосий фарқ сўзга ёки гапга хизмат қилишдадир.

2. Юкламалар сўз таркибига сингиб кетади. Маъноси нутқий характерда бўлади. Шу асосда шакл ясовчи қўшимчалардан фарқланади. Юклама асосан гапнинг конструктив жиҳатига таъсир этмайди.

3. Юкламаларнинг миқдорини аниқлаш, семантик тасниф қилиш масалалари модал сўзлар муаммоси билан кесишади. Модаллик тушунчасининг кенг ва тор тушунилиши модал сўз ва юкламалар чегарасининг у ёки бу томонга силжишига таъсир қилмоқда.

4. Юклама сўзга (гап бўлагига), модал сўз эса бутун гап системасига алоқадор бўлади. Модал сўз ва юкламалар семантик жиҳатдан умумийликка эга. Қўлланишдаги мустақиллик – номустақиллик оппозициясига кўра фарқланади.

5. Кўп ҳолларда юкламаларга боғловчилик вазифасини бажара олиш хусусияти хосдир. Бундай ҳолларда боғловчи-юкламалар ҳақида эмас, боғловчига яқин турувчи юкламалар ҳақида гапириш мумкин. Ушбу фунционал хусусиятлар ёрдамчи сўзлар системасидаги узвий боғланишга хизмат қилади.

6. Юклама ва кўмакчилар боғлаш функциясига кўра ўзаро яқинликка эга. Лекин улар боғлашнинг ҳар хил турларига хизмат қилади. Кўмакчилар асосан сўз бирикмаси ҳосил қилади. Юкламалар эса тенг боғланишни амалга оширади. Кўмакчилар морфологик, синтактик, юкламалар коммуникатив – прагматик функцияларни бажаради.

7. Юклама ва ундов сўзлар кўпинча ҳис-ҳаяжон, таъкид каби семантикага эгалик бўйича ўхшашликка эга. Асосий фарқ бу семантиканинг эркин (ундовда)

ва боғлиқ (сўз семантикасига қўшимча тарзда) ифодаланишидадир. Ундовлар сўнг (постпозиция) ўринларда юкламалик хусусиятини касб этади.

8. Юклама ва қўшимчалар қўшимча маъно бериш функциясига кўра умумийликка эга. Лекин улар кўп ҳолларда синтактив – конструктив функцияларга эгалиги (қўшимчалар) ва эга эмаслиги (юкламалар) билан фарқланади.

У М У М И Й Х У Л О С А

«Тил киши онгига энг яқин мавҳум отдир» деб таърифлаган эди Гегель. Аммо бу **«яқинлик»** уни таърифлашда ҳеч ёрдам бермайди. Аксинча, унинг имконияти ва амалининг бир қобиқда яшаши имкон ва амални ажратишда анча қийинчиликлар туғдиради. Тил ва нутқ бирликларини фарқлашга бўлган қарашларнинг ғоят хилма-хиллиги ана шу омилдан келиб чиқади. Хусусан, қуйидагиларни қиёслаб кўрсак:

(1) Китоб – ўқув қуроли, ўқиш учун мўлжалланган, муқоваланган, саҳифаланган одатда тўртбурчак...

(2) Китоб – предмет «ўқув қуроли», «ўқув қуроллари тур-жинси ва бутун қисми», «ўқув қуролини ишлатувчилар» лексик семантик гуруҳига (ЛСГ) кирувчи предметларни ва «ўқиш», «билим олиш», «маълумот сақлаш» ЛСГга кирувчи ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи сўзлар билан бирика олади. Келишик, эгалик ва кўплик кўрсаткичларини олиши, гапда мустақил позиция эгаллаши мумкин.

(3) Кечгача китоб ўқидим. Китоб – ўқув қуроли.

(4) Ҳасратим бир китоб бўлди. Китоб – жуда кўп.

(5) Қулоғига «китоб» тақиб... Китоб – заргарлик буюми.

Ҳар қандай тил ва нутқ зиддияти ҳақида ибтидоий билимли ўқувчи (3), (4), (5)нинг нутқий кўриниш эканини яхши билади ва тил сатҳлари борасида гап кетганда, уларга ўрин қидирмайди. Бироқ (1) ва (2) борасида иккиланиб қолиши мумкин.

Тадқиқотимиз давомида кўриб ўтганимиз, шу соҳадаги қатор назарий қарашларни кузатиб шу фикрга келдикки, (1) алоҳида сатҳ бирлиги (лексема), (2) алоҳида сатҳ бирлиги (сўз[1])дир. Ёрдамчи сўзлар лексемалар билан эмас, сўзлар билан бир сатҳда туради. Бир сатҳда туриш мутлақо тенглик дегани эмас. Аммо сатҳий муносабатлар борлиги шубҳасиз.

Диалектик таълимотга асосланган систем-структур тилшунослик юклама туркумининг ўзига хос сифатини унга бевосита ва билвосита боғланишда бўлган сўз туркумлари асосидагина аниқлаши мумкин.

Сўз туркуми, асосан, қоришиқ ҳолатда мавжуд бўлган лексик, морфологик, синтактик белгиларнинг ўхшашлиги асосида ажратилувчи лексик-грамматик гуруҳдир. Нисбий мустақилликка эга бўлган лексик / морфологик / синтактик белгиларнинг ҳар бири турли сўз туркумларида ҳар хил мазмун ва шакл мақомларига эга.

Тилшунослик тарихида сўз туркумлари назарияси мустақил туркумлардан ёрдамчилар томон логик, лексик, морфологик, синтактик белгиларга галма-гал эътибор қилиниши ва улардан қай бирига етакчилик мавқеи берилиши асосида тадрижий тараққий этиб келди.

Сўзларни туркумларга ажратишда аввало формал мантиқнинг бинар тасниф тамойиллари сўнгги пайтларда эса диалектик мантиқнинг икки зидлик

---

[1] Бу атамани шартли қўлладик.

орасида оралиқ учинчининг (нарсанинг, белгининг) мавжудлиги кўрсатмаси катта аҳамиятга эга бўлди.

Сўз туркумларининг моҳиятини тушунишда тил ва нутқ ҳодисаларининг фарқланиши муҳимдир. Чунки ёрдамчи сўзларнинг конструктив ва семантик функциялари мустақил сўзларнинг нутқий қўлланиши билан узвий боғлиқдир.

Мустақил ва ёрдамчи сўзлар лексик, морфологик ва синтактик белгилар бўйича ўзаро приватив оппозициядир. Лекин мустақил сўзларга хос бўлган бу белгиларнинг ёрдамчи сўзларда мавжуд эмаслиги уларнинг моҳиятини ташкил этмайди. Ёрдамчи сўзларнинг борлиғини типиклашган нутқий конструктив ва контекстуал семантик белгилар ташкил этади.

Юкламалар мустақил лексемалар ёрдамида ҳосил қилинган синтактик контрукциялар (сўзлар)га коммуникатив хизмат қилувчи функционал-семантик бирликлардир. Улар шаклан сўз ва аффикс кўринишларидадир. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, юклама асосан сўз мазмун планига алоқадор, баъзида гап доирасида ҳам муайян вазифа бажара олади. Аммо гап доирасидаги позицияси кўпроқ юкламага эмас, юклама боғланган сўзнинг мавқеига алоқадор бўлади (Хусусан, гап кесимида келиб, гапнинг ифода мақсадини ўзгартириш жиҳатига эътибор қилинса).

Модал сўзлар семантик томондан юкламага жуда яқин келади. Бир қарашда улар синтактик жиҳатдан ҳам жуда яқин туюлади (яъни гап таркибида мустақил позиция эгаллай олмайди). Аммо уларнинг фарқи ҳам айнан синтактик жиҳатдан очилади. Юклама сўзга – гап бўлагига қарашли бўлса, модал сўз бутун гапга тегишли бўлади.

Юкламанинг боғловчи вазифасида келиши борасидаги қарашлар анъанавий бўлса-да, юклама асосий боғловчи восита эмаслиги ҳам тилшунослар эътиборидан четда қолмаган. Юклама аслида мавжуд бўлган синтактик боғланишни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Юкламанинг боғловчи вазифасида келишига конструктив эмас, коммуникатив – прагматик омиллар асос бўлади. Юклама ва кўмакчилар синтактик жиҳатдан приватив, мазмунан эквиполент зиддиятда туради. Кўмакчининг сўз мазмунига кўрсатган таъсири «ташқарига», юкламаники эса «ичкарига» йўналади. Бу жиҳатдан кўмакчилар юкламаларга нисбатан мустақил сўзларга яқин келади. Кўмакчиларга хос бўлган айрим бошқарувчилик хусусияти ва фунционал кўмакчиларнинг кўплиги бунга далил бўла олади.

Семантик жиҳат ундовларни юкламаларга анча яқин олиб келади. Ҳар иккала сўз туркуми ҳам эмоционал-экспрессив маънолар ифодалаш учун хосланган. Ундовлар алоҳида эмоционал-экспрессив гап ёки гапга синтактик жиҳатдан боғланмаган, гап мазмунига аффект бериш учун мўлжалланган қисмдир. Кейинги хусусиятига кўра ундовлар модал сўзларга яқин келади. Бироқ ундовлар ҳис-ҳаяжонни айнан «ифодалайди», модал сўзлар эса «номлайди». Аммо ҳар икки сўз туркуми ҳам гапда тутган ўрнига кўра кўмакчи, боғловчи ва юкламалардан фарқ қилади. Фақат боғловчи гапни гапга боғлаш ҳолатларида уларга бутунича гапга йўналганлиги билан яқин келади. Қолган барча ҳолатларда «сўзга» йўналтирганлик кўмакчи, боғловчи ва

юкламаларни, «гапга» йўналтирилган модал сўз ва ундовлардан фарқлаб туради.

Айтилганлардан кўринадики, юкламаларда ёрдамчи сўзлик хусусияти энг кучлидир. Чунки у ўзи қўшилган сўз семантик таркибига сингиб кетади. Бу кўпинча унинг формал-фонетик жиҳатида ҳам ўз аксини топади. Боғловчи «сўзни сўзга» ва «гапни гапга» боғлаш хусусиятидан келиб чиқиб, юкламага нисбатан нисбий эркинлигини сақлаб қолади. Кўмакчилар эса «сўзга» йўналганига қарамай, мазмун плани ва семантик имкониятлари (бошқарувчилик)га кўра юклама ва боғловчига нисбатан ҳам «мустақил»рокдир.

«Ёрдамчилик» белгисига кўра юклама, кўмакчи ва боғловчиларнинг қуйи сатҳ бирликлари – қўшимчаларга қиёсий муносабатда бўла олиши табиий. Ёрдамчи сўзлар қўшимчалардан бир умумий грамматик маънони парчаловчи изчил зиддиятли боғланишлар асосидаги дистрибутив муносабатларда турмаслиги билан фарқ қилади. Аммо вазифа ўташ жараёнида яқин келиши ҳам мумкин.

Юкламалар асосан сўз семантикасига таъсир қилиш билан (бу таъсир табиатидан келиб чиқиб) шакл ясовчиларга яқин келади. Лекин сўз семантикасига бўлган таъсири кучли бўлганда (кимдир) сўз ясовчига; ўзи боғланган сўз семантикасига таъсир этиб, гап ифода мақсадини ўзгартирганда сўз ўзгартирувчига яқин келиб қолган ҳолатлар ҳам мавжуд. Кўмакчи ва боғловчилар эса синтактик табиатига кўра сўз ўзгартирувчига яқин келади.

Юкламаларнинг асосий функциялари нутқий эҳтиёж ва заруриятлар билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳозир шаклланиб бораётган матн тилшунослигининг (коммуникатив синтаксиснинг) келгусида юкламаларнинг ҳақиқий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилиши табиий ҳолдир.

1- ЖАДВАЛ

Сўзларнинг энг умумий хусусиятларига кўра турлари	Тури	Грамматик белгиси (акциденциялари)	Маъноси	Фикр билдирган олимлар (олимлар)
Мустақил сўзлар (умумий категориал маънога эга бўлган сўзлар)	от	турланувчи – келишик, жинс, эгалик, вид, образ.	вужуд ва нарсани англатади.	Платон, Аристотель, александриялик грамматикачилар, стоиклар, Варрон.
	феъл	замон, шахс-сон, майл, нисбат, вид, образ.	ҳаракат ва ҳолатни англатади.	Платон, Аристотель, александриялик грамматикачилар, стоиклар, Варрон.
	сифатдош	от ва феълга хос барча аксиденциялар (шахс-сон ва майлдан бошқа).	от ва феълга хос хусусият (маъноларни ифодалайди).	Фракияли Дионисий, Приециан, Трифон, Апаллоний.
	олмош	от характеридаги олмошлар отнинг грамматик белгиларига эга.	предмет ва унинг белгиларига ишора.	Александриялик тилшунослар: Апаллоний, Фракияли Дионисий, Приециан.
	равиш	турланмаслик (ўзгармаслик) хусусиятига эга.	ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини билдиради.	Александриялик тилшунослар: Апаллоний, Фракияли Дионисий, Приециан.
Ёрдамчи сўзлар (умумий категориал маънога эга бўлмаган сўзлар)	аъзо (артикль)	отга хос грамматик белгиларга эга.	отга ишора қилади, унинг мансублигини ифодалайди.	Фракияли Дионисий, Схолий Варрон.
	олд кўмакчи	ўзгармайди (турланмайди, равишдан бошқа сўзлардан олдин келади).	ўзидан кейин келувчи сўзга алоқадор турли муносабатларни ифодалайди.	Фракияли Дионисий, Схолий Варрон.
	боғловчи	ўзгармайди (турланмайди).	фикрни маълум тартибда туташтиради (гап бўлаклари ва содда гапларни боғлайди) пайт, сабаб, натижа, айримлик, зидлик маъноларини ифодалайди.	Фракияли Дионисий, Коминиан, Варрон.
Алоҳида хусусиятга эга сўзлар	ундов сўзлар	ўзгармайди, ясалишга асос бўлиши мумкин.	қалб ҳаяжонини (ҳис-туйғу, буйруқ, хитоб, чақириш маъноларини) билдиради.	Хариент, Донал, Приециан.

2- ЖАДВАЛ

№	Жиҳат-лари / Лек-сема туркум-лари	Маъновий	Синтактик	Морфологик	Изоҳ (ажралиш-нинг асосий белгиси)
1.	От	Предмет ва предметликни номлаш орқали атовчи мустақил лексемалар	Чекланмаган мучаланувчанлик	Сонланувчи, ўзгарувчи	Морфологик ва маъновий
2.	Сифат	Белгини номлаш орқали атовчи мустақил лексемалар	Чекланган мучаланувчанлик	Даражаланувчи, ўзгарувчи	Морфологик ва маъновий
3.	Сон	Миқдорни номлаш орқали атовчи мустақил лексемалар	Чекланмаган мучаланувчанлик	Тартибланувчи, ўзгарувчи	Морфологик ва маъновий
4.	Феъл	Ҳаракат-ҳолатни номлаш асосида атовчи мустақил лексемалар	Чекланмаган мучаланувчанлик	Нисбатланувчи, ўзгарувчи	Морфологик ва маъновий
5.	Равиш	Ўрин, пайт, тарз-тусни номловчи мустақил лексемалар	Чекланган мучаланувчанлик	Ўзгармаслик	Морфологик ва маъновий
6.	Модал	Муносабатни номловчи лексемалар	Ажралувчилик	Ўзгармаслик	Маъновий ва синтактик
7.	Ундов	Ҳис-ҳаяжонни тасвирлаш лексемалари	Ажралувчилик	Ўзгармаслик	Маъновий ва синтактик
8.	Ишора	Ишора мустақил лексемалари	–	–	Маъновий
9.	Тақлид	Товуш ёки кўринишга тақлид	Чекланмаган мучаланувчанлик	---	Маъновий
10.	Кўмакчи	–	Сўзни сўзга тобелантирувчи мучаланмас лексема	Ўзгармаслик	Синтактик
11.	Боғловчи	–	Сўзни ва гапни боғловчи мучаланмас лексема	Ўзгармаслик	Синтактик
12.	Юклама	Таъкид. Гап мазмунига қўшимча маънолар	Мучаланмаслик	Ўзгармаслик	Маъновий

1- Ч И З М А


ИСМЛАР
I ОТ
II СИФАТ
III СОН
IV ОЛМОШ ҚОЛДИҚЛАРИ
V ФЕЪЛ
СИФАТДОШ
РАВИШДОШ
VI
РАВИШ
VII
ҲОЛАТ КАТЕГОРИЯСИ

2-ЧИЗМА

СЎЗ КАТЕГОРИЯЛАРИ



3-ЧИЗМА


СЎЗ ТУРКУМЛАРИ
Мустақил сўзлар
Модал сўзлар
Ундов сўзлар
Кўмакчи
Боғловчи
Юклама
СЎЗ ШАКЛЛАРИ
Сўз ўзгартирувчи
Сўз ясовчи
Шакл ясовчи

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	4
I боб. Сўз туркумлари: умумий назарий масалалар	5
1-§. Сўз туркумларининг ўрганилиш тарихи ҳамда талқини	5
2-§. Сўз туркумларини ажратишнинг мантиқий асослари	16
3-§. Сўзларни туркумларга ажратишнинг лингвистик мезонлари	20
4-§. Оралиқ бўлаклар ва уларнинг тил тизимида тутган ўрни	28
5-§. Лексема ва сўзшакл	30
6-§. Мустақил ва ёрдамчи сўзлар	35
II боб. Ёрдамчи сўз туркумлари	40
1-§. Ёрдамчи сўз туркумларининг ўрганилиши	40
2-§. Ёрдамчи сўзлар трансформацияси	51
III боб. Юкламаларнинг бошқа сўз туркумлари ва ёндош ҳодисалар билан муносабати	55
1-§. Юкламалар ва уларнинг маъно турлари	55
2-§. Юкламалар ва модал сўзлар	59
3-§. Юкламалар ва боғловчилар	60
4-§. Юкламалар ва кўмакчилар	62
5-§. Юкламалар ва ундовлар	63
6-§. Юкламалар ва қўшимчалар муносабати	64
Умумий хулоса	69

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИНИНГ

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИДАН

КЎЧИРМА

12.03.2011. Қўқон шаҳар.

Қатнашдилар: З.Исақов, М.Халилов, М.Йўлдошев, Ҳ.Иномжонова, Ф.Расулова, Р.Ботиров, Ф.Ҳусаинова, Ҳ.Мамадалиева, Ў.Тошматова, Д.Жамолиддинова, З,Исақова, О.Парпиев, А.Тўрахўжаева, Р.Толипов, М.Қодирова, Д.Низомиддинова, Н.Аҳмедова, Ў.Меҳмонов, Г.Умарова.

Кун тартиби:

Ҳар хил масалалар. Кафедра катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди З.Исақовнинг “Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни” номли монографиясини нашрга тавсия этиш ҳақида.

Кун тартибидаги масала юзасидан “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди М.Халилов сўз олди: Кафедра катта ўқитувчиси З.Исақовнинг “Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни” номли диссертацияси асосида шу номдаги монография нашр учун тайёрланибди. Мен ички тақризчи сифатида иш билан пухта танишиб чиқдим. Иш кириш, уч асосий боб, 14 параграф, боблар бўйича хулосалар ҳамда умумий хулосалар билан 76 бетни ташкил қилади. Ишнинг кириш қисмида монографияда кўтарилган мавзунинг долзарблиги ва муаммонинг ўрганишдан мақсад белгилаб олинган. Ишнинг биринчи боби олти параграфдан тузилган бўлиб, унинг аввалида сўзларни туркумларга таснифлашнинг тарихи ҳинд, араб, юнон, рим тилшунослиги ютуқлари ҳақидаги маълумотлари билан бойитилган. Кейинги ўринларда сўзларнинг туркумларга ажратишнинг мунозарали бўлган мантиқий ва лингвистик мезонлари, оралиқ бирликлар мавқеини белгилаш ва уларнинг тил тизимида тутган ўрни, лексема ва сўзшакл мунозараси, мустақил ва ёрдамчи сўзлар қутб, уларнинг лексик, грамматик хусусиятларига атрофлича тўхталиб, боб бўйича якуний хулосалар тўғри белгилаб олинган.

Ишнинг иккинчи боби “Ёрдамчи сўз туркумлари” деб номланган бўлиб, ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлар каби ўзининг тадрижий ўрганилиш тарихига эга бўлиб келганлиги, «Девону луғотит турк», «Ат-туҳфатуз замонияту фил луғатит туркия» каби асарларда туркий ёрдамчи сўзларни ўрганишнинг тамал тоши қўйилганлиги, ўзбек тили ёрдамчи сўзларининг ўрганилишида Фитратнинг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги, унинг ёрдамчи (кўмакчи) сўзларнинг ўн беш аъзоли таснифи ва юкламалар ҳақидаги фикрлари сўнгги давр ёрдамчи сўзлар таълимотига катта таъсир кўрсатгани, ҳозирги ўзбек тилшунослигида юкламаларнинг сараланиш мезони, таркиби, бошқа сўз туркумларига муносабати каби масалалар бўйича мунозарали қарашлар

келтирилган, ёрдамчи сўзлар хусусан, юкламалар тадқиқотида оралиқ учинчи ҳодисага жиддий эътибор берилиш кераклиги далилланган.

Ишнинг учинчи боби "Юкламаларнинг бошқа сўз туркумлари ва ёндош ҳодисалар билан муносабати" деб номланган бўлиб, юкламалар муаллиф нуқтаи назари бўйича янгича тасниф этилиб, юкламалар сафига киритилаётган бирликлар асосли далиллар билан мунозарага тортилади, юкламаларнинг модал сўзлар, боғловчи, кўмакчи, ундовлар ва қўшимчаларга муносабати, ўхшаш томонлари, фарқлиликлари ёритилган ва қуйидаги хулосаларга келинган: Юкламалар шундай бирликларки, улар гапнинг мазмун аспектига хизмат қилади, шу боисдан модал сўзларга ёндош ҳодиса ҳисобланади. Юкламалар сўз таркибига сингиб кетади. Маъноси нутқий характерда бўлади. Шу асосда шакл ясовчи қўшимчалардан фарқланади. Юклама асосан гапнинг конструктив жиҳатига таъсир этмайди. Юклама сўзга (гап бўлагига), модал сўз эса бутун гап системасига алоқадор бўлади. Модал сўз ва юкламалар семантик жиҳатдан умумийликка эга. Қўлланишдаги мустақиллик – номустақиллик оппозициясига кўра фарқланади.

Ишнинг сўнгги қисмида умумий хулосалар келтирилиб, ишга тўғри якун ясалган.

Монографияни ўқиб, мен бир талай мунозарали ўринларни кузатдим, бу ўринлар муаллифнинг асосли далиллари билан қизиқарли ечимини топа олган. Ишни пухта таҳлил этиб, филология фанлари номзоди З.Исақовнинг "Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни" номли монографиясини нашр учун тавсия этиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Масала юзасидан мунозаралар:

1. Д.Жамолиддинова (кафедра катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди): мен ҳам диссертация ва унинг автореферати билан танишиб чиққанман, изланишларимга асос бўлган. Ишда тилшуносликдаги энг мунозарали ва ечимини топишга улгурмаган масала – сўз туркумларини таснифлаш масаласи мунозарага ташланади ва бир қанча асосли далиллар билан муаммони ёритишга ҳаракат қилиниб, ижобий ечимлар келтирилади. Менга ишдаги турли тилшунослик мезонларини ўзбек тилшуносида қўллаш тўғри эмас, деган фикр жуда маъқул бўлган. Негаки 20-асрнинг 90-йилларигача кесимнинг мавқеи рус тилшунослиги мезонлари асосида тўғри белгиланмай келинаётган эди. Юқоридаги фикр асосида кесимнинг туркий тиллардаги вазифаси етакчи эканлиги қарор топди. Мен монография филологлар, ўзбек тили ва адабиёти талабалари учун керакли қўлланма, деб ҳисоблайман ва монографияни нашр учун тавсия этаман.

2. А.Тўрахўжаева (кафедра ўқитувчиси): ҳамкасбимизнинг диссертацион иши юзасидан тайёрлаган монографияси билан мен ҳам танишиб чиқдим. Иш ҳозирги ўзбек тилшунослиги муаммоларини кенг қамраб олганлиги ва муаммоларни ечиш бўйича таклифлар келтирилганлиги билан анча қизиқарли ёзилган. Юкламалар аффиксларнинг сўз ясовчи, шакл ясовчи ва синтактик шакл ясовчи турларига вазифадош бўлиб келиши ишонарли исботини топа олган. Мен ҳам филология фанлари номзоди З.Исақовнинг "Ўзбек тилида сўз

туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни” номли монографиясини нашр учун тавсия этиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Йиғилиш масалани муҳокама этиб, қарор қилади:

1. Кафедра катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди М.Халиловнинг катта ўқитувчи З.Исақовнинг “Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни” номли монография юзасидан билдирган фикрлари маълумот учун қабул қилинсин.
2. Йиғилиш иштирокчиларининг билдирган фикрлари асосида З.Исақовнинг “Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни” номли монографияси нашрга тавсия қилинсин.
3. Ушбу йиғилиш қарорини тасдиқлаш институт Илмий кенгашидан сўралсин.

Йиғилиш раиси: З.Исақов

Котиба: Д.Низомиддинова

БТМ кафедраси катта ўқитувчиси Исақов Зокиржон Солиевичнинг “Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни” мавзусидаги монографиясига БТМ кафедраси катта ўқитувчиси М.Халиловнинг

Т А Қ Р И З И

Сўз туркумларини таснифлаш масаласи, “Умумий тилшунослик” курсидан маълумки, жуда узоқ ва энг мунозарали масала бўлиб келган. Иш шу масалани атрофлича ўрганиб, кенг тадқиқ этиш учун қадам ташланган. Мен ички тақризчи сифатида иш билан пухта танишиб чиқдим. Иш кириш, уч асосий боб, 14 параграф, боблар бўйича хулосалар ҳамда умумий хулосалар билан 76 бетни ташкил қилади. Ишнинг кириш қисмида монографияда кўтарилган мавзунинг долзарблиги ва муаммонинг ўрганишдан мақсад белгилаб олинган. Ишнинг биринчи боби олти параграфдан тузилган бўлиб, унинг аввалида сўзларни туркумларга таснифлашнинг тарихи ҳинд, араб, юнон, рим тилшунослиги ютуқлари ҳақидаги маълумотлари билан бойитилган. Кейинги ўринларда сўзларнинг туркумларга ажратишнинг мунозарали бўлган мантиқий ва лингвистик мезонлари, оралиқ бирликлар мавқеини белгилаш ва уларнинг тил тизимида тутган ўрни, лексема ва сўзшакл мунозараси, мустақил ва ёрдамчи сўзлар қутб, уларнинг лексик, грамматик хусусиятларига атрофлича тўхталиб, боб бўйича якуний хулосалар тўғри белгилаб олинган.

Ишнинг иккинчи боби “Ёрдамчи сўз туркумлари” деб номланган бўлиб, ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлар каби ўзининг тадрижий ўрганилиш тарихига эга бўлиб келганлиги, «Девону луғотит турк», «Ат-туҳфатуз замонияту фил луғатит туркия» каби асарларда туркий ёрдамчи сўзларни ўрганишнинг тамал тоши қўйилганлиги, ўзбек тили ёрдамчи сўзларининг ўрганилишида Фитратнинг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги, унинг ёрдамчи (кўмакчи) сўзларнинг ўн беш аъзоли таснифи ва юкламалар ҳақидаги фикрлари сўнгги давр ёрдамчи сўзлар таълимотига катта таъсир кўрсатгани, ҳозирги ўзбек тилшунослигида юкламаларнинг сараланиш мезони, таркиби, бошқа сўз туркумларига муносабати каби масалалар бўйича мунозарали қарашлар келтирилган, ёрдамчи сўзлар хусусан, юкламалар тадқиқотида оралиқ учинчи ҳодисага жиддий эътибор берилиш кераклиги далилланган.

Ишнинг учинчи боби “Юкламаларнинг бошқа сўз туркумлари ва ёндош ҳодисалар билан муносабати” деб номланган бўлиб, юкламалар муаллиф нуқтаи назари бўйича янгича тасниф этилиб, юкламалар сафига киритилаётган бирликлар асосли далиллар билан мунозарага тортилади, юкламаларнинг модал сўзлар, боғловчи, кўмакчи, ундовлар ва қўшимчаларга муносабати, ўхшаш томонлари, фарқлиликлари ёритилган ва қуйидаги хулосаларга келинган: Юкламалар шундай бирликларки, улар гапнинг мазмун аспектига хизмат қилади, шу боисдан модал сўзларга ёндош ҳодиса ҳисобланади. Юкламалар сўз таркибига сингиб кетади. Маъноси нутқий характерда бўлади. Шу асосда шакл ясовчи қўшимчалардан фарқланади. Юклама асосан гапнинг конструктив

жиҳатига таъсир этмайди. Юклама сўзга (гап бўлагига), модал сўз эса бутун гап системасига алоқадор бўлади. Модал сўз ва юкламалар семантик жиҳатдан умумийликка эга. Қўлланишдаги мустақиллик – номустақиллик оппозициясига кўра фарқланади.

Ишнинг сўнгги қисмида умумий хулосалар келтирилиб, ишга тўғри якун ясалган.

Монографияни ўқиб, мен бир талай мунозарали ўринларни кузатдим, бу ўринлар муаллифнинг асосли далиллари билан қизиқарли ечимини топа олган. Ишни пухта таҳлил этиб, филология фанлари номзоди З.Исақовнинг “Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни” номли монографиясини нашр учун тавсия этиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Тақризчи: М.Халилов,

Қўқон давлат педагогика институти бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

2011 йил 1 март

БТМ кафедраси катта ўқитувчиси Исақов Зокиржон Солиевичнинг “Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни” номли монографиясига “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Акрамов Шукуржоннинг

Т А Қ Р И З И

Сўзларни туркумларга жамлаш, туркумда ёрдамчиларнинг ўрни, мавқеи, тил бирликлари, сўз, лексема юзасидан узоқ мунозара тилшуносликда бўлиб келмоқда, ҳали бу муаммоларнинг мақбул ечими учун талай тадқиқотлар олиб борилади, чамаси. Монографияда муаллиф бу масалаларни атрофлича ўрганиб, кенг тадқиқ этиш учун ҳаракат қилган.

Иш сўзбоши, уч асосий боб, 14 параграф, боблар бўйича хулосалар ҳамда умумий хулосаларни ташкил қилади. Ишнинг кириш қисмида монография мавзусининг долзарблиги ва муаммонинг ўрганишдан мақсад аниқлаб олинган. Ишнинг биринчи боби олти параграфдан тузилган бўлиб, сўзларни қадим тилшунослар томонидан таснифи келтирилиб, таснифнинг мезонлари белгиланади ва турли мактабларнинг ўзаро зидли қарашлари таққосланиб, муаллиф ҳукми айтилади. Сўзларни таснифлаш принциплари ўзбек тилшунослигида уч: лексик, морфологик, синтактик мезонларга асосланиб келинганлиги, бу принципларга амал қилиш асосида тасниф олиб боришнинг энг мақбуллиги далиллар билан ёритилади.

Ишнинг иккинчи боби “Ёрдамчи сўз туркумлари” деб номланган бўлиб, ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлардан лексик-грамматик фарқлиликлари ва ўхшашликлари, мустақил сўзлардаги “кўчиш”, “силжиш” каби ҳодисаларга муносабат билдирилиб, “оралиқ учинчилик” ҳодисаси юзасидан ишонарли мулоҳазалар билдирилган, сўз туркумларидаги транспозиция ҳодисаси ҳақида атрофлича таҳлил баён қилинган.

Ишнинг учинчи боби “Юкламаларнинг бошқа сўз туркумлари ва ёндош ҳодисалар билан муносабати” деб номланган бўлиб, юкламаларнинг шаклий хусусиятлари, морфологик ва синтактик вазифалари жуда мунозарали таҳлилга тортилади, юкламаларнинг модал сўзлар, боғловчи, кўмакчи, ундовлар ва қўшимчаларга муносабати, ўхшаш томонлари, фарқлиликлари ёритилган. Ишнинг сўнгида иш юзасидан умумий хулосалар келтирилиб, ишга тўғри якун қилинган.

Ишни кенг ва атрофлича таҳлил этиб, филология фанлари номзоди З.Исақовнинг “Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни” номли монографиясини нашр учун тавсия этиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Тақризчи: Ш.Акрамов,
Қўқон давлат педагогика институти
“Ўзбек тилшунослиги” кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди.
2011 йил 4 март